

Дунё маликалари

Мозий ва янги давр ҳикоятлари



ДУНЁ МАЛИКАЛАРИ

Маликаларнинг севги, муҳаббат кўйидаги савдолари тўғрисида ҳикоялар



Тошкент – 2005

Kitobxon.Com

Қадрли ўқувчи!

Қўлингиздаги мажмуани тузишда жуда кўплаб тарихий ҳужжатлардан, манбалардан фойдаланишга тўғри келди. Мажмуада дунёнинг машҳур ва тарихий шахсга айланган аёлларнинг инсоният тарихида қўшган жаҳоншумул ҳиссалари, кўрсатган қаҳрамонона жасоратлари, подшоликлари, турли соҳадаги ижодлари ва бошқа ижобий хизматлари ҳақида сўз юритилади.

Инсониятнинг яратилиш тарихида аёлларнинг ҳам муҳим ўрни бор. Ана шу жиҳатларни баҳоли қудрат ёритишга, қаламга олишга ҳаракат қилинди.

Ушбу рисола кенг оммага мўлжалланган.

Муаллиф ва тўпловчи Иззат АҲМЕДОВ

Аҳмедов, Иззат.
Дунё маликалари...: (ҳикоялар ва мақолалар)– Тошкент, 2005 йил.– 140 б.

© Иззат Аҳмедов.
© "Зарқалам"нашриёти.

Kitobxon.Com

ТЎМАРИС

Бундан қарийб XXV аср муқаддам, аниқроғи милоддан аввалги 530 йилда Скифия давлатининг подшоҳи Тўмарис ўз юртига кўз олайтирган босқинчиларнинг 200 минг кишилик қўшинини тор-мор этади...

Каспий денгизининг кун чиқиш тарафида қуш учиб ўтолмайдиган чўл ва қирларда массагетлар яшашарди. Эрон подшоси Кир уларнинг ерларини босиб олмоқчи бўлиб сафарга отланади.

У замонларда массагетларга Тўмарис деган ақлли, доно бир аёл бошлиқ эди. Кир Тўмарисни ҳийла билан ўзига бўйсундирмоқчи бўлади. Тўмариснинг эри вафот этганини эшитган Кир уни ўзига хотин қилиб олиш йўли билан массагетлар ерига эга бўлиш режасини тузади. Шу муддао билан у Тўмарисга совғалар, элчи-совчилар юборади. Зийрак Тўмарис маккор подшонинг ёвуз ниятини сезади. Подшога хотин эмас, массагетлар юрти кераклигини пайқайди ва совчиларни қабул қилмайди.

Кир ҳийла-найрангдан иш чиқмаганини кўргач, асл мақсадини ошкор этади. Аракс (ҳозирги Амударё) дарёси томон юриш қилади. У соллардан кўприк ясатиб, беҳисоб қўшини ва асбоб-анжомларини солларга солиб, дарёнинг нариги қирғоғига ўтказиш чорасини кўради.

Тўмарис унинг ҳамма ишларидан хабардор эди. Унга зудлик билан хабар юбориб, шу сўзларни етказди: “Эй мидиялик мақтанчоқ подшо! Бу ниятингдан қайт, чунки бу ишларингдан фойда ё зарар тегишини билмайсан. Тинчлик ва осойишталик билан ўз юртингда ҳукмронлик қил, бизнинг юртимизни ўзимизга қўйиб бер. Аммо, биз биламизки, сен тинчликни хоҳламайсан, шу сабабли, башарти маслаҳатимизга кирмасанг, массагетлар билан тўқнашишни истасанг, кўприк ясайман деб овора бўлиб ўтирма. Бизга айтсанг, биз сенга халақит бермай,

Kitobxon.Com

дарёдан уч кунлик йўлга кўчиб кетамиз, бемалол дарёдан ўтасан, сўнг юзма-юз урушамиз. Борди-ю, агар биз билан дарёнинг ўзинг турган қирғоғида учрашмоқчи бўлсанг, унда айт, бунга ҳам биз рози, фақат номардлик қилма!"

Бу дадил сўзларни эшитиб, Кир саросимага тушади, шошилинч суръатда Эрон сардорларини тўплайди. Уларни воқеадан хабардор қилиб, маслаҳат сўрайди. Кўпчиликнинг фикри Тўмарисни Эронга келтириб жанг қилиш устида тўхтайди... Фақат қаҳри қаттиқ вазири Крез бу фикрга қарши чиқади. Тўмариснинг ерида уруш очишни талаб қилиб, йўл-йўриқ кўрсатади.

Шундан сўнг, Кир Тўмариснинг қирғоқдан узоқлашишини сўраб, дарёнинг Тўмарис турган бетида уруш қилишни билдиради. Тўмарис ваъдасида туриб, уч кунлик йўл босиб кетади...

Кир ўз қўшини билан дарёдан ўтади. Кир дарёнинг ушбу қирғоғи саккиз кун йўл юради. Кейин, Крезнинг маслаҳати билан массагетларга ҳийла тузоғини қуради. Ноз-неъмат ва ичкиликларни муҳайё қилиб, энг ёмон аскарлардан бир тўпини орқада қолдириб, энг яхши аскарлар билан олдинга жўнаб кетади. Массагет қўшинларининг бир тўпи Кайхусрав қолдириб кетган аскарларга бехосдан ҳужум қилиб, уларни қириб ташлайди. Шундан сўнг, массагетлар зиёфат устидан чиқиб, тайёр ноз-неъмат ва шароблардан бошини кўтаролмайди. Эронийлар қўшини қайтиб келиб, уларнинг кўпини ўлдиради, баъзиларини асир қилиб олади. Асирлар орасида массагетларнинг подшоси бўлган Тўмариснинг ўғли Спарганиз ҳам бор эди.

Тўмарис ўз ўғли ва аскарлари воқеасидан хабардор бўлиб, Кирга чопар юбориб, шу сўзларни етказади:

"Эй қонхўр Кир, қилган ишинг билан мақтанмай қўя қол. Сен менинг ўғлимни юзма-юз жангда енгганинг йўқ,

уни маккорлик билан шароб ичириб, қўлга туширдинг... Энди менинг насиҳатимга кир, ўғлимни менга топшириб, зиён-заҳматсиз келган ерингга қайтиб кет, массагет қўшинининг учдан бирини қўлга туширганинг билан ўз элингда керилиб юравер. Агар сўзимга кирмасанг, массагетлар тангриси – қуёш номи билан қасамёд қиламанки, мен сендай очкўз юҳони қон билан суғораман».

Тўмарис Кайхусравга қилган насиҳатлари кор қилмаганлигини эшитади, барча кучларини тўплаб, унга қарши жанг бошлайди. Шиддатли жанг бўлади. Айтишларича, кўчманчи уруғлар шу пайтгача бундай қирғинбарот жангни кўрмаган экан. Даставвал, ҳар икки тараф қўшини бир-бирига рўпара туриб, ёйлардан тинмай ўқ ёғдиради. Сўнгра ўқдонларда ўқ тамом бўлиб, аскарлар бир-бири билан аралашиб кетади, найзабозлик роса қизийди. Жанг жуда узоқ давом этса ҳам, ҳеч ким жанг майдонини ташлаб чиқиб кетмайди. Ахир, пировардида массагетлар енгиб чиқади. Улар эронийлар қўшинининг кўпини қириб ташлайди, бир кам ўттиз йил салтанат тахтида ҳукм сурган Кирни ўлдиради.

Тўмарис жанг тугаганидан кейин бир мешни одамзод қони билан тўлдиришни, Кирнинг мурдасини ўликлар ичидан топиб келтиришни буюради. Тўмарис унинг бошини қон билан тўлган мешга ботиради ва подшонинг жасадига ғазаб ва нафрат билан қараб шу сўзларни айтади: “Эй номард, сен мени, жангда ҳалол енгиб чиққан бир аёлни, маккорлик билан ўғлидан жудо қилиб, фарзанд доғида куйдирдинг. Сен умринг бўйи қонга тўймадинг, мен ичган онтимга амал қилиб, сени қон билан суғордим. Бировнинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шу!”.

Малика Тўмарис жасорати жаҳон тарихида энг қадимги ва беқиёс деса муболаға бўлмайди.

ХАДИЧА ОНАМИЗ

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи вассаллам дунёга келган кечасида ул зотнинг шараф ва ҳурматлари учун худои таоло кўп мўъжизалар кўрсатди. Ул замонда араб мушриклари тарафидан Байтуллоҳга 360 дона бут осилган эди. Арабларнинг ҳар бир уруғи ўзларига атаб Байтуллоҳга бир донадан бут осиб қўйишни одат қилган эдилар. Мана шу бутлар пайғамбаримиз туғилган кечада ҳаммалари юз тубан йиқилиб, ерга тушди. Эрталаб келган кофирлар бу ҳолни кўриб, ҳайрон қолдилар. Пайғамбаримиз она қорнидан ерга тушган чоғларида бир нур пайдо бўлди. Унинг ёруғлигидан Шом вилоятидаги Бусро деган шаҳарнинг саройлари кўринди. Макка шаҳри билан бунинг оралиғи 50 кунлик йўл эди.

Муҳаммад пайғамбар болалик чоғларидаёқ одобли, кўркам ахлоқли, чин сўзли, юмшоқ кўнгилли, саховат қўлли, гўзал қилиғли, улуғ ҳимматли эдилар. Катта-кичик, яхши-ёмон, дўст-душман барчага қилган ишлари ибратли эди. Ўша замондаги араб халқининг тутган бутпарастликларидан ва ҳар хил бузуқ ахлоқларидан жирканар эдилар. Буларнинг тутган динлари ботил динлигига, йўллари хато эканлигига ишонардилар.

Ул зот бировдан кўрмасдан, ҳеч кимдан ўрганмасдан Худо тарафидан кўнгилларига шундай илҳом бўлгани боис Иброҳим Халилуллоҳнинг ҳақ динларини тутган эдилар. Аввал араб халқининг тутган динлари Иброҳим алайҳиссалом келтирган ислом дини бўлса ҳам, кўп замонлар ўтиши билан улар йўлдан адашиб, бутпарастликка берилган эди. Фақат Қурайш қабиласидан Варақа ибни Навфал деган бир олим киши бўлиб, бутун араблар ичида Иброҳим саллоллоҳдан қолган ҳақ динни тутган ёлғизгина шу киши эди. Бу киши эрса Ҳазрат Хадича онамизнинг амакиларидир. Ибн Навфал Инжил

китобларини ўқиб кўриб, ҳар замон шундай ҳасратга ботарди! “Охир замон пайғамбари чиқадиган пайт яқинлашди. Шу кунларда туғилиб, сояси ер устига тушди. Ул араб насли, Қурайш уруғидан бўлиб, бутун халқни ҳақ динга даъват қилур. Унинг сўзини араблар инкор қилиб қарши чиққайлар. Ўз қабиласидан унга кўп жабру жафолар етгай, охирида уни ўз шаҳри Маккадан қочишга мажбур қилишади. Кошки эди, мен у замонда тирик бўлсам. Афсуски, у замонни кўришга умрим оз қолди”. Варақанинг шундоқ сўзларини эшитиб юрган онамиз Хадича агар бу улуғ давлат араблар ичида бировга насиб бўлса, албатта Муҳаммаддан бошқага бўлмаслигини чунки унда ҳар бир яхшиликнинг белгилари борлигини сезарди. Шунинг учун ўшандаёқ ул зотнинг хизматига лойиқ бўлсам, никоҳларига кирсам, мен учун қандай улуғ бахт давлат бўлур эди, деб ҳамиша орзу қилар эди.

Ҳазрат Хадича араб хотинлари ичида энг ақллиси, зийраги, гапга чечанлиги, ўз фаҳм-фаросати билан пайғамбаримиз бошларида шундоғ бир улуғ давлат борлигини илгаридан сезиб юрар эди. Шунинг учун турли баҳоналар билан яқинлашиб шул зотнинг никоҳига кириш йўлини излар эди. Ўзлари бўлса, Қурайш қабиласи ичида ҳасаб-насаблик, ҳусни жамолда чиройли, уруғ-аймоқлари олдида обрўли, бой хотин бўлиб, илгариги эри вафот этиб, тул ўтирган эди.

Қурайш қабиласи саидларидан сўровчилар кўп бўлса ҳам, улардан ҳеч бировини қабул қилмаган эди. Макка шаҳрининг атоқли бойлари қаторида қишда Яман вилоятига, ёзда Шом шаҳрига савдо тижоратлари йил сайин юриб турмоқда эди.

Бир куни Ҳазрат Хадича пайғамбаримизга киши юбориб, айтдики, Муҳаммад менинг олдимда кўп ҳурматли йигитдир, мен уни бек киши деб билурман, тижорат

учун Шом шаҳрига юбормоқчи бўлиб бир қанча мол тайёрладим. Агар хоҳласа, бу тижорат ишига етакчи бўлиб, бориб келсин. Фойдасига тенг шерик бўлурмиз, кейинчалик мендан кўп яхшиликлар кўргай, деди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Хадичадан бу сўзни эшитгандан сўнг, амакилари Абу Толиб ҳузурига келиб, ундан маслаҳат сўрадилар. Абу Толиб ҳам бу сафардаги тижоратдан кўп фойда чиқишини кўзлаб, боришга маслаҳат берди.

Ҳазрат Хадича бу сўзни англаган бўлса-да, кўп хурсанд бўлиб, Майсара деган қулини йўлда хизмат қилиш учун ҳамроҳ қилиб қўшди. Унга йўлларда қандай воқеалар ўтса, пайғамбаримиз ҳақида нима сирлар кўрса, пайқаб юришни буюрди. Шунинг билан пайғамбаримиз Хадичанинг молларини олиб, Шом карвонлари билан йўлга чиқдилар. Бу сафарда Абу Бакр Сиддиқ ҳам бирга эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан ораларида ёшликларидан дўстлик алоқалари бор эди. Икковлари бир туяга мингашдилар. Туяга минишлари билан бир парча оқ булут тепаларида соя ташлаб турди. Сафар тугагунча кун иссиғида устиларидан шу булут сира ажралмади. Абу Бакр Сиддиқ ва Майсара қул бу сирни очиқ кўришди. Карвонлар манзилдан-манзилга кўчиб, бир неча кун юришиб, Шом вилоятига келдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) 12 ёшларида амакилари Абу Толиб билан қилган сафарларида кўришган Буҳайр роҳибнинг савмаасига карвон яқинлашди. Ул роҳиб бир неча йиллар илгари ўлиб кетиб, ўрнига Настуро деган роҳиб келиб ўлтирган эди. Бу ҳам Таврот, Инжил китобларида пайғамбаримиз сифатларини кўриб, охир замон пайғамбарининг чиқар вақти яқинлашди, Шом сафарига чиқиб шу йўлдан ўтгувсидир, анинг жамолини кўрарман деган умид билан савмаа узасидан (томи) кўз тутиб, Мадина тарафига боқиб турар эди.

Бир куни шу тарафдан карвон қораси кўринди, улар ичида устига бир парча булут соя солиб турган пайғамбаримизга кўзи тушди. Карвон аҳли савмаа олдига келиб тушдилар. Пайғамбар (с.а.в.) эрса, савмаа яқинидаги бир туп дарахт соясида ўлтирдилар, роҳиб келиб, пайғамбаримизга узоқдан-узоқ тикилиб қараб турди. Бу киши ким, деб Майсара қулдан сўради. Унинг жавоби китобда кўрган сифатларига тўғри келди. Сўнгра Майсарани бир четга тортиб, унга пайғамбаримиз тўғрисида кўп сирларни айтди. Шом шаҳрида яҳудийлардан душманлар кутиб туришганини таъкидлаб, улардан зиён-заҳмат етмасин дея шаҳарга кирмасликни маслаҳат берди. Бу хусусда пайғамбаримизнинг ўзлари билан ҳам бироз сўзлашди. Мана шу роҳиб сўзи сабаб бўлиб, пайғамбаримиз Шом шаҳрига кирмасдан, шу жойда молларини кўп яхши баҳода сотиб қайтдилар.

Қурайш карвони Шом тупроғидан чиқиб, манзилдан-манзилга кўчиб, саломат Макка шаҳрига етдилар. Макка халқи карвон хабарини англашиб, пешвоз чиқишди. Онамиз ҳазрат Хадича ҳам шул чоғда бир неча хотинлар билан том устига чиқиб, қараб турган эдилар.

Йироқдан келаётган карвон ичида пайғамбаримизга кўзи тушди. Бош устиларида булутдек бўлиб, соя солиб турган бир жуфт қуш кўринди. Ҳақиқатда эса у кўринган қушлар икки фаришта эдилар. Унгача Майсара қул ҳам етиб келди. Яхши етиб келганликларини билдиргандан сўнг йўлда пайғамбаримиздан кўрган барча сирларни, бир неча каромат мўъжизаларни онамиз Хадичага бирин-кетин баён қилиб берди. Буни эшитгандан кейин пайғамбаримизга ихлос-муҳаббатлари, завқ-шавқлари илгаригидан ҳам ортиқроқ бўлди. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бу сафардаги тижоратларида бошқа кишилардан ортиқроқ фойда чиққанлигидан ҳазрат Хадича кўп суюндилар.

Шу кундан бошлаб пайғамбаримиз (с.а.в.)га қиёмат жуфт бўлиб, никоҳларига кириш чорасини қила бошлади. Хотинлар тарафидан эр излаб совчи қўйиш расми одатдан ташқари иш бўлса ҳам онамиз Хадича Нафиса деган хотинни пайғамбаримизга юбориб, ўз мақсадини билдирди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу ҳақда амакилари Абу Толибдан маслаҳат сўрадилар. Бу ишга Абу Толиб кўп ажабланди. Чунки ҳасаб-насабда Қурайш хотинлари ичида биринчи ўрин олган Хадичанинг ўзи харидор бўлиши, у замон араб одатларига зид иш эди. Шунинг учун Абу Толиб Хадичанинг бу талабини сизга келган бир давлат, деб ҳисоблаймиз. Буни қабул қилишингиз керак, деб мамнунлик ила розиликларини билдирди. Сўнгра Хадичага розилик жавобини бердилар. Ўша вақтнинг расм-одатлари бўйича никоҳ мажлислари ўтказилди. Ҳар икки томондан таъсирлик хутба ўқишиб, никоҳ боғладилар. Бу биринчи кўрган никоҳлари эди. Бунда йигирма туя маҳр солганлари ривоят қилинур. Ўшанда пайғамбаримиз 25 ёшда бўлиб, онамиз Хадича 40 ёш чамаси эдилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳу алайҳи вассаламнинг дунёда кўз очиб кўрган вафодор ёрлари, ҳар икки жаҳонлик муборак жуфтлари онамиз ҳазрат Хадичадурлар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг тўрт ўғил, тўрт қиз фарзандлари бор эди. Онамиз Хадича бутун мол-дунёларини, балки бутун ҳаётларини пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг ризоликларида сарф қилдилар. Пайғамбаримизга кўп ғамхўр, зиёда меҳрибон эдилар. Умрларининг охиригача пайғамбаримизнинг ғам-қайғуларини бирга тортишди. Ҳасрат кунларида мунглик бошларига пана бўлиб, дардлик дилларига даъво бўлди.

Бутун дунё халқини Ислом динига даъват қилиш амри Аллоҳ таоло томонидан пайғамбаримиз (с.а.в.)га келди. Шу хизматни бажариш борасида мушфиқ ва мунофиқ-

лардан кўп жабру жафо кўрдилар. Ташқарида ҳар нечук азиятлар кўриб, уйга кирганларида Хадича онамиз очилган гулдек чиройлари, ширин-шакардек сўзлари билан пайғамбаримизни юпантириб, ғамлик кўнгулларини кўтарар эдилар. Бирорта сўзларини қайтармасдан, ҳар қандай ишларини оғир олмасдан, барча мол-дунёларини, балки борлиқ нарсаларини аямасдан, пайғамбаримиз йўлида фидо қилдилар. Шунинг учун пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи вассалам: “Эй, бор худоё, Хадичадан мен розидурман, сен ҳам рози бўлғайсан”, деб ҳақларига дуо қилдилар. Онамиз вафот этган йилни қайғу-ҳасрат йили деб атаган эдилар. Шунинг учун Аллоҳ таоло ўз ҳабибига жуфт қилиб, ёр вафодорликка уни лойиқ кўрди. Шундай қилиб, пайғамбаримиз Хадича онамиз билан яқин ўттиз йил энг кўнгиллик ҳолда умр ўтказдилар. Ҳаётликларида устиларига хотин олишни ихтиёр қилмадилар. Вафотларидан кейин ҳам пайғамбаримиз ҳар вақтда Хадича онамизнинг сифатларини қилиб, анинг яхшиликларини айтиб ўлтирур эдилар: “...Ул борлиқ бойлигини менинг йўлимда қурбон қилди. Қайғу-ҳасратларимни тенг тортишди. Менга тикилган офат балоларга ўзини қалқон қилди. Мен ундин, у мендин розилик билан дунёдин кетди...”

ТЎРАБЕК ХОНИМ

Қадим Урганчда Одилшоҳ подшонинг яккаю ягона Тўрабек хоним исмли қизи бор эди. Тўрабек хоним ўн саккизга киргач, довруғи оламга кетди. Узоқ-яқин юртларнинг шаҳзодаларидан, хонваччаю бекзодалардан Тўрабек хонимга совчилар кела бошлади. Бироқ шоҳ қизи барчасини рад қилиб қайтараверарди. Ниҳоят, у хушторларига шундай шарт қўйди: "Кимки ғазал айтишда енгиб чиқса, от чопишда ўзиб кетса, қилич ўй-нашда устун чиқса, шу одамга тегаман". Лекин ҳеч ким бу қизга бас келиб, қўйган шартларини адо этолмади.

Кунлардан бир куни Марв юртининг подшоси Тўрабек хонимнинг таърифини эшитиб, унга ғойибона ошиқ бўлиб қолди. Унинг исмини Султон Санжар дер эдилар. Сон-саноқсиз лашкарга эга бу шоҳ кўп золим бўлиб, ҳеч тинч ўтирмас, доим бошқа юртлар билан жанг қилаверарди. Қисқаси, Султон Санжар Тўрабек хонимга уйланиш мақсадида Хоразм подшоси Одилшоҳга туя-туя мол-дунё билан совчи юборди. У эса бу кутилмаган таклифдан ўйланиб қолди. "Агар йўқ жавобини берсак, Султон Санжар золим, лашкари кўп, уруш бошланиб, бегуноҳ одамларнинг қони бекорга тўкилади".

Саройдаги одамлар иккига бўлинди. Айримлар: "Уруш қилмайлик, қизингизни Султон Санжарга бера қолинг", дейишса, баъзилар: "Урушамиз", дейишди. Подшо эса қизидан маслаҳат сўради. Тўрабек хоним ҳеч нарса демасдан Султон Санжарнинг мактуби орқасига: "Аҳмоқ ўзини мақтар, кучингни майдонда кўрсат", деб ёзди ва совчиларнинг юзига қора суртиб, Хоразм тупроғидан ҳайдаб юборди. Султон Санжар бундай жавобдан жуда ғазабланди ҳамда сон-саноқсиз лашкарларини олиб, Хоразмга юриш қилди. Аммо Хоразм юртига яқинлашганда, Одилшоҳнинг аскарларига дуч келди. Лашкарлар ўрта-

сида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган жанг бўлди. Икки томондан жуда кўп одамлар ҳалок бўлди, лекин ҳеч ким енголмади. Султон Санжар ноилож ортга қайтди.

У замонларда Амударё Туямўйин билан Питнакнинг ўртасига келганда иккига ажралар (бири ҳозирги йўли, иккинчиси кун ботарга қараб, қум ошиб Улли (Каспий) денгизига бориб қуйилар) экан. Султон Санжар мана шу ерга етганда: “Шу манзилга тушинглар, чодирлар тикилсин!”, деб буйруқ берибди. Ўзи отидан тушмай, Амударё қирғоғига қараб бораверибди. Дарё икки қоя оралиғидан сиқилиб оқадиган тор жойга келиб тўхтабди-да ўйга чўмибди. Эртаси куни барча лашкарларига: “Дарё сувини тўсиш керак, Амунинг суви Ўзбойга қараб оқсин, Хоразмга бир қатра ҳам сув кетмасин. Тоғдан тош кесиб тўғон қилинглар!”, дея амр этибди. Минг-минг аскар кечаю-кундуз тоғдан тош кесиб, тўғон ясабдилар. Уч ой деганда Амударёнинг суви боғланиб, сувнинг барчаси Ўзбойга қараб оқибди. Дарёнинг суви қуриб қолгандан кейин Хоразм юртининг аҳволи танг бўлибди, боғу экинзорлар қуриб, юртда қаҳатчилик бошланибди. Шунда юртнинг катталари йиғилишиб, Одилшоҳнинг олдига боришибди: “Подшоҳим эл-юртнинг аҳволи танг бўлиб қолди, ҳали уч ой ўтмай юртда қаҳатчилик бошланди. Бундан кейин аҳволимиз не кечгай! Қизингизни Султон Санжарга бериб, юртни бу офатдан қутқар-масангиз бўлмас!”.

Одилшоҳ қизини чақиртирибди ва бор гапни унга айтибди. Тўрабек хоним бир оз ўйланиб турибди-да, отасига қараб: “Жон ота, мен элу юртнинг тинчлиги учун ўзимни қурбон қиламан. Амунинг сувини келтирмасам, сизнинг қизингиз эмасман. Бундан буён юз ҳам кўришмасмиз, хайр, отажон, хайр юртнинг катталари”, дебдида ёнига қирқта мулозимини олиб, узоқ сафарга отланибди. Юртнинг бошига тушган офатдан нима қилишини билмай, боши қотиб қолган Одилшоҳ ҳам бит-

таю-битта қизининг истагига қаршилик кўрсатмабди.

Тўрабек хоним шу тарзда қирқ мулозими билан оғир ва узоқ сафарга чиқибди. Лекин ўйлаб қўйган режасини ҳеч кимга айтмабди...

Султон Санжар гўзал маликани кўриб, ўзини йўқотиб қўйибди. У Тўрабек хонимнинг олдига келиб, қўл қовуштириб салом берибди. "Қани, маликам, отдан тушсинлар, саройда дам олсинлар, узоқ йўл сиздек нозик қизни жуда қийнаб қўйгандир", дебди. Бироқ Тўрабек хоним Султон Санжарга қараб амирона: "Мен сенинг олдингга ёлғиз ўзим келдим, сен шуни истаган эдинг. Юрт хароб бўлмасин, халқ офатдан қутулсин, сен тўғонни бузишга буйруқ берасан. Тўғон очилиб, сув яна ўз йўлида оқсин, шундай қилсанг, мен доим сенинг олдингда қоламан", дебди. Султон Санжар уни отдан тушишга ва саройга кириб, бироз ором олишига ундабди. Тўрабек хоним барибир унамабди: "Мен ўз халқимга Амунинг суви ўз йўлидан оқмагунча узангидан оёғимни узмайман, деб қасам ичганман. Чўллаб, қақраб ётган ерлар яна сувга тўймагунча, боғлар яна гуллаб яшнамагунча мен ором ололмайман".

Маликани ўз сўзидан қайтара олмаслигини билган Султон Санжар аскарларига тўғонни бузишни амр этибди. Тўғоннинг бир томони озроқ очилган экан, тўлиб-тошиб турган Аму суви бор кучи билан қаттиқ ҳайқириб, тўғонни уриб, бирпасда уни вайрон қилиб, тошқумларни, қирғоқларни ювиб кетибди. Тўғондан номнишон ҳам қолмабди. Шунда Тўрабек хонимнинг (Тўрабек хоним Туркон хотун лақабли тарихий шахс) қувлиги маълум бўлибди. Тўғон вайрон бўлиб, Аму ўз йўли билан оқа бошлаганда малика ўзи минган учқур биясига қамчи босибди. Султон Санжар: "Бу нима қилар экан?", деб ҳайрон бўлиб тураверибди.

Тўрабек хоним Султон Санжар олдига келаётиб қирқ-

та энг яхши қулунли бияни танлаб, Хоразм юртидан Султон Санжар турган ерга қадар бир манзил-бир манзил узоқликда бияларнинг қулунларини алмаштириб боғлаган эди. Тўрабек хоним минган бия қирқинчиси бўлиб, унинг боласи ўттиз тўққизинчи манзилда қолдирилганди. Шу боис бия қуш каби ўз боласи томонга қараб учибди. Султон Санжар қизнинг орқасидан қирқ нафар йигитни қувдирибди. Лекин қиз аллақачон кўздан ғойиб бўлиб кетганди. Шундай қилиб, Тўрабек хоним бутун халқни бир офатдан қутқариб қолган экан.

ГРУЗИНЛАР ТАМАРАСИ

Малика Тамара ҳақида бизгача жуда кам маълумотлар етиб келган. Лекин ҳозирги кунда Грузия мамлакат тарихида қайси аёл тарихий шахсни биласиз, деган мавзуда сўровнома ўтказилса, шубҳасиз, Тамаранинг номини тилга олишади. Хўш, малика нимаси билан ном қозонган?

Халқ учун қандай эзгу ишларни мерос қилиб қолдирганди? Тарихий маълумотларга қараганда, черковлар, кўприклар, монастирлар, қадимий қалъалар Тамаранинг ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилган. Ўз даврида у грузин миллатини бир-бирига жипслаштириб, миллатлар ўртасида ҳақиқий дўстлик ришталарини боғлай олган.

Тамара машҳур Багратионлар династияси вакили эди. У тахминан 1164–1169-йилларда дунёга келган. Ўша пайтларда отаси Георгий III Грузия тахтининг эгаси ҳисобланарди. Онаси эса, осетинлар шоҳи Бурдуханинг қизи эди. Онаси динга берилган аёл бўлиб, умр йўлдоши ҳамда қизи Тамарани жондан тортиқ севарди.

Тахтга Тамара жуда ёш қиз эканида, яъни тахминан 15-20 ёшида ўтирди. Отаси эса ёшлигида вафот этганди. Мамлакатни холаси Русудан бошқарарди. Аммо халқ зудлик билан тахтга меросхўрни ўтказишни талаб қила бошлагач, 1183 йилнинг ёзида Русудан Тамарага тахтни катта тантаналар билан топширди. Ёш бўлишига қарамай, Тамара Грузияни жуда моҳирлик билан бошқара олди. Айниқса, феъл-атворидаги аёлларга хос айёрлик унга катта ёрдам берарди. Тамара айбдор феодалларни шафқатсизлик билан йўқ қилар, бойликларини эса, ўзи учун нафи тегадиган шахсларга ҳатлаб берарди. Атрофига ҳам усталик ва эҳтиёткорлик билан ақлли, устомон, содиқ одамларни тўплашга интиларди. Шунча ишларни

амалга оширишга қарамай, малика ҳали ёш эди. Унга эркак меҳри етишмас, қийналиб кетган пайтларида ана шу меҳр, ўз орзусидаги суянчиқни қўмсайверарди.

Афсуски, шоҳ саройларида ишончли умр йўлдошини қидириб топиш жуда мушкул вазифа ҳисобланарди. Маликалар, шоҳлар юрагини жизиллатган одамга тегиб кетаверишдан тийилишга мажбур эдилар. Шу сабабли, Тамаранинг холаси Русудан ва руҳонийлар куёв топиш учун мамлакат бўйлаб элчилар юборишди. Улар эса эҳтиёткорлик билан бу вазифани уддалашга киришишди. Ниҳоят, улар буюк княз Суздалнинг ўғли Юрий Боголюбскийда тўхташди. Шу йигитни Тамарага лойиқ куёв деб топишди.

Элчилар нега айнан руз князининг ўғлини куёвликка танлашгани номаълум. Бу ҳақда маълумотлар йўқ. Қисқа қилиб айтганда, малика шу йигитга турмушга чиқади. Бахтга қарши бу никоҳ Тамара орзу қилган онларни ҳадя эта олмади. Юрий ароқхўр ва лоқайд чиқиб қолди. Уни давлат ишлари қизиқтирмас, туну кун ичишдан, кайф-сафо қилишдан ўзини тия олмасди. Тамара уни охир-оқибат мамлакатидан ҳайдаб чиқаришга мажбур бўлди. Тўғри, Юрийга бу алам қилди ва маликага қарши одамларни атрофига тўплаб, катта уруш келтириб чиқаришга ҳаракат қилди. Бироқ малика бу қаршиликни осонлик билан бостира олди. Шу билан бирга у барибир ўзига ҳақиқий кўмакчи ва содиқ, севимли бўла оладиган куёвни қидиришда давом этди. Ўша инсон топилди. Бу ўзи билан саройда холаси Русуданнинг қўлида (Тамаранинг онаси эрта вафот этгач, уни холаси ўз қарамоғига олганди) улғайган Давид эди. Давид ҳақиқатан малика истаган хислатларга эга экан. У давлат ишларида ўз ёрига яқиндан ёрдам берди. Тамара уни армия қўмондони лавозимига тайинлади. Тамара жангларга иштирок эта олмаса ҳам Давид бу ишларни уддалади. Кўплаб душ-

манлар ер билан яксон қилинди. Мамлакатнинг бойлиги ошгандан ошиб борди. Тамара эса Давидни ўзининг соф, қайноқ муҳаббати билан курашларга ундаб борди.

Не-не машаққатлар билан тўпланган бойликлар ҳам кўкка совурилгани йўқ. Тамара грузин халқини илм олиш, ўқиш-ўқитиш, маданият бобида дунёга танилишини истарди. Ёшларнинг илм олиш сифатига катта эътибор берди. Саройга ҳам энг истеъдодли шоирлар, мусиқачилар, ҳофизлар, файласуфларни тўплади. Уларнинг санъатларини кўриб, ҳар куни бир олам завқ олди.

Тамара Давидга бир ўғил ва бир қизни ҳадя қилди. Афсуски, у қандайдир оғир касаллик туфайли 1207 йили оламдан ўтди. Аммо энг асосийси, грузин халқи малика Тамаранинг номини фахр билан тилга олади. Уни миллий қаҳрамон сифатида эъзозлашади.

ИККИ ШОҲ МАЛИКАСИ

Гўзал Клеопатра – Мисрнинг илоҳий маликаси.

У бундан икки минг йил илгари яшаган. Унинг шуҳрати нурлари йиллар қаъридан ҳали-ҳануз жило бериб турибди. Клеопатра ўттиз тўққиз йил умр кўрган бўлса-да, ана шу қисқа умри давомида энг буюк одамлардан иккитасининг муҳаббатини қозонди. Булар – Марк Антоний ва Юлий Цезар эди. Кейингисининг исмини биз кўп тилга оламиз. Чунки Цезар ўша даврдаги деярли бутун дунёни забт этган ҳукмдор эди. Буюк ҳукмдорни жажжигина гўзал Клеопатра таслим эта олди.

Милоддан 48 йил олдин Цезар Искандарияга юриш қилади. Бу пайтда Клеопатра тахтдан маҳрум этилган, барча маблағларидан мосуво бўлиб, ҳаёти ҳам хавф остида эди. Жанжаллашгани боис, амакиваччаси Клеопатрага зуғум қилиб, уни Қоҳирага қувганди.

Ночор қолган Клеопатрани Цезар ўз қошига чорлади. Лекин Искандария амакисининг айғоқчилари билан тўла бўлса, қандай қилиб у ёққа бориш мумкин? Гўзал ва тадбиркор Клеопатра шаҳарга балиқчилар қайиғида келиб тушди. У хизматкорига ўзини гиламга ўраб, чодиргача кўтариб боришни, Цезарнинг қошидагина гиламни очишни буюрди ва шундай бўлди ҳам.

Гиламдан сакраб турган Клеопатра хандон ташлаб кулиб, зал бўйлаб рақсга туша кетди. Унинг ўхшаши йўқ қадди-қоматини кўриб, ҳайратдан оғзи очилиб қолган Цезарнинг вужуди жунбушга келди.

“Мана буни соҳибжамол деса бўлади!“ деган бўлса керак Цезар ўзига-ўзи. Рақсни қанчагача давом эттираркин? Нима учун Римда бундай гўзаллар топилмайди?“

Сочи сийраклаша бошлаган Цезар 44 ёшга кирган, Клеопатра эса 21 га етиб-етмаган, жўшқинлигу куч-қув-

вати айни барқ урган пайти эди. Цезар уни кузатиб турар экан, юрагининг туб-тубидан уйғонаётган бир ҳисни сезди. Эҳтироси ва ақли билан Клеопатра Цезарни бир умр қулга айлантириб қўйганди.

Клеопатрани амакиси ўлдирмоқчи бўлгани учун Цезар маъшуқасининг душманига яхшилаб сабоқ бериб қўйишга қарор қилди. Рим легионларига қўмондонлик қилган Цезар Миср армиясини тор-мор қилди. Клеопатранинг амакисини эса Нил дарёсига чўктириб юборди.

Клеопатра энди фиръавнларнинг мулкида ягона маликага айланди.

Бетимсол гўзаллик соҳибаси Цезарга ўғил ҳадя этди. Бироқ Цезар Римдаги хотинини ташлаб, Клеопатрага уйлана олмас эди. Бўлажак жанжалнинг олдини олиш ва ўғлининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун Клеопатра ажойиб ҳийла ишлатди. У жарчиларга Юлий Цезар башар наслидан эмас, балки илоҳий – қуёш худоси, маликага фарзанд ато этиш учун Цезар тимсолида ерга ташриф буюрган, дея эълон этишни амр қилди. Бу чўпчакка, миср халқи чиппа-чин ишонишди. Мазкур воқеалардан сўнг бироз ўтгач, Цезар ўлдирилди. Табиатан жиззаки, ҳамиша маст юрувчи, қарздан боши чиқмайдиган Марк Антоний Рим империяси тахтини эгаллади.

Миср шарқнинг энг бой мамлакати эди. Антонийнинг сафдошлари унинг ҳушёрроқ бўлган дақиқаларида “Кел, Искандарияга йўл солайлик. Клеопатрани ўлдириб, Миср қонининг таъмини тотиб кўрайлик“ дея бежиз айтишмаган эди.

Буни эшитиб, Клеопатра титраб кетди. Уни нима билан тўхтатиб қолиш мумкин? Кема ёки қиличлар биланми? Асло. Муҳаббат биланми? Бўлиши мумкин. Клеопатра Антонийда гўзал таассурот қолдириш учун унинг қаршисига олтин билан зарҳалланган кемада пешвоз чиқди. “Минг бир кеча“даги ҳашам ва улуғлик уфуриб тур-

ган ёш-ёш болакайлар маликани товус патлари билан елпиб ўтиришарди. Энг нафис либосга ўранган канизаклар дилўртар куйлар жўрлигида хиром қилишарди. Ана шу шарқона гўзаллик оғушида, ипаклар билан безалган тахтда худди муҳаббат худоси – Венера янглиғ Клеопатра ўтирарди. Ҳатто Антонийнинг оёқлари бод билан оғриб, ошқозони азоб бераётган дамда ҳам бу аёлнинг карашмаларига дош беролмади.

Антоний қўпол, дағал эди. У аёллар билан жуда ёмон муносабатда бўлар эди. Аммо унинг қаршисида нафосат ва гўзаллик соҳибаси Клеопатра турарди. Унга нисбатан бўлган эҳтирос Антонийнинг юрагига гўзаллик ва нафислик олиб кирди.

Клеопатра эркаклар билан қандай муомала қилишни биларди. У Антонийнинг инжиқликларига эътибор қилмай, ҳар бир истагини бажо келтирарди. Клеопатра у билан ошиқ ўйнарди, ов ёки балиқ овида ҳамроҳ бўларди. Хизматкор кийимини кийиб, тунги кўчалар бўйлаб сайр қиларди, турли шайтонликларни ўйлаб топарди. Бир куни балиқ овида Антоний қармоғига ҳеч нарса илинмаётганидан шикоят қилади. Шунда Клеопатра хизматкорга сувга шўнғиб, Антонийнинг қармоғига тузланган сельдни илиб чиқишни буюради. Клеопатра Антонийнинг овқатланишига алоҳида қайғурарди. Шу мақсадда у бир нечта ошпазлар ёрдамида Антоний хоҳлаган пайтда иссиқ овқатларни муҳайё қиларди.

Антоний бунинг таъсирида ақлу ҳушини йўқотди. Унга бутун денгиз бўйларини, вилоятлардан бирини, кейинроқ эса Кипр ва Крит оролларини инъом этди. Империянинг бутун Осиё қисмини Клеопатрага тақдим қилиниши Антоний сахийлигининг энг чўққиси бўлди.

Ушбу ҳотамтойликлар охир-оқибат римликларни ғазабга келтирди. Ахир қачонгача шу тарзда давом этиши мумкин? Наҳотки, юзлаб жангу-жадаллару, қанчадан-

қанча Рим қонлари эвазига қўлга киритилган ҳудудлар худди ўйинчоқ каби мисрлик маъшуқанинг инжиқликлари учун қурбон қилиб юборилса? Бу каби саволларга уруш жавоб берди. Клеопатранинг даври хотималанганди. Унинг томошаси тугаганди. Қасос олиш даври келди. Ғазабга келган римликлар Антоний ва Клеопатранинг кемалари кулини кўкка совуришди, қўшинларни тор-мор этишди.

Ишқий саргузаштли империя поёнига етганди. Антоний боши танасидан жудо этилишини сезиб турарди. Шунинг учун у ўзига тиғ санчиб, Клеопатранинг қўлида жон берди. Ҳаёти унинг оғушида гуллаганидек, сўнгги дамда ҳам унинг оғушида сўнди.

Клеопатра эса заҳар ичишга қарор қилди. Буни қандай қилиб амалга оширганини эса ҳеч ким билмайди. Ўлимидан йигирма дақиқадан сўнг уни топганлар ҳам бу сирни ошкор этолмадилар.

Баъзилар у ўзини тишлаб, сўнг у ерга илон заҳрини юборган, деб ҳисоблашади. Бошқаларнинг таъкидлашича, унга жўнатилган гул тўла саватда илон бўлган ва у кўксини шу газандага тутган (Миср асотирларига кўра, заҳарли илон чақиши боқийлик бахш этармиш).

Марк Антоний билан Клеопатра Мисрда дафн этилган. Айнан қаердалигини эса ҳалигача ҳеч ким билмайди.

ЖАННА д* АРК

Жанна д*Арк 1412 йилда туғилган. Бу аёл ўзининг қисқа умри давомида асрларга татигулик қаҳрамонликка қўл уради. Яъни, Франция ва Англия ўртасида қаттиқ жанг (юз йиллик уруш 1337-1453 йй.) кетаётган бўлади. Англияликлар французларнинг кўп ерларини босиб олишади. Мамлакат танг аҳволда қолади. Нима қилиш керак, ҳеч ким билмайди. Бунинг иложи ҳам йўқ эди...

Франциянинг шимолидаги Домреми қишлоғида унчалик бой бўлмаган ер мулкдори д*Арк яшарди. Унинг уч ўғли ва Жанна исмли бир қизи бор эди. У на ўқишни, на ёзишни биларди. Хўжалик ишларига ёрдам бериб, мамлакатини босқинчилардан озод қилишни сўраб, ёлғиз худога ёлборарди. Кунлардан бир куни мўъжиза юз беради. Жанна туш кўради. У авлиёлар – Маргарита, Екатерина ва Михаиллар овозини эшитади. Улар «Худо сенга Францияни қутқаришни буюрди.Сен албатта урушга боришинг керак» дейди.

Отасига кўрган тушини айтиб беради. Отажон, мен урушга боришим керак, дейди. Бунга эса отаси кўнмайди. У қизининг урушга боришига норози бўлади. Агар урушга бормоқчи бўлса, уни қамаб қўйиш билан қўрқитади. Жанна эса бу пўписалардан қўрқмайди. «Отажон, тушунинг, шаҳзода Карлни Реймс шаҳридаги оддийгина бош черковда бошига тож кийдиришмоқда. Мен эса инглизларни янчиб ташлаб, уларнинг устига уни подшоҳ қилиб кўтариш учун сафарбар қилинганман». Шимолдан жанубга қадар узоқ ва машаққатли йўл босиб, Жанна шаҳзода билан учрашиб, унга вазиятни тушунтиради, у эса Жаннанинг сўзларига ишонади.

1429 йили француз армияси Жанна бошчилигида Орлеан шаҳрини озод қилишади. Ушбу ғалаба муносабати билан Жанна орлеанлик паризод номини олади.

Муваффақият Жаннани янада илҳомлантиради. У яна бир неча жойларни босиб олди. Карл аскарлари бостириб Реймсгача боришди, архиепископ черковда уни Франциянинг подшоҳи Карл VII лардай ҳурмат эҳтиром ила тож кийдирди. Маросимда подшога яқин турган Жанна илоҳий кучлар даъватини бажарганлигини ичичидан ҳис қилди.

Бироқ Париж шаҳри ҳали англияликлар қўлида эди. Жанна армияни пойтахтга йўналтирди, аммо армия ғалабани қўлдан бой берганди. Жаннанинг ўзи эса ярадор бўлиб қолди. Тузалгандан сўнг у яна жангга отланди, бироқ ғалаба ундан батамом юз ўгирганди. Жанна англиялар сотиб олган бургудликлар қўлига асир тушди. Уни жодугарликда айблаб, черков суди ихтиёрига топширишди. Суд орлеанлик маликани айбдор деб топди. Қаҳрамон Жанна Руандада 1430 йили оловга ёқиб ўлдирилди. Бироқ бу билан унинг ҳаёти ниҳоя топмади. У буюк ва ўлмас қаҳрамонга айланди. Орадан неча асрлар ўтса ҳамки, унинг қаҳрамонлиги авлодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. Ушбу қаҳрамонлик тўғрисида филмлар яратилган. Жанна д*Арк шу қаҳрамонлиги билан тарихда абадий қолди.

СИМОНЕТТА – ИЛҲОМ ПАРИСИ

Симонетта ўз даврининг энг машҳур аёлларидан бири бўлиб, унга абадий соҳибжамол бўлиш бахти насиб этганди. Ривоятларга кўра, генуялик бой савдогарнинг бу қизи севги маъбудаси Венера қуруқликка чиққан жойда – Порто-Венерада туғилганди.

Флоренциядаги Медичилар қасри улкан ва ҳашаматли эди. Марко Веспуччи атрофига ҳасад билан аланглаганча оқ мармар зинадан кўтарилар экан амакиваччасидан қизиқсиниб сўради:

– Америго, нима деб ўйлайсан, девордаги мана булар қанча тураркин? Бу деворларни безатиш учун қанча олтин кетдийкин?

Америго Веспуччи юзини тириштирди. У Медичилар оиласини нафақат Флоренция ҳукмдори, балки ўз ҳаётининг ҳам бир бўлаги деб билишга кўникканди. Ахир у сарой посбонлари сафида турар, ака-ука Медичиларнинг иккаласи билан ҳам иноқ эди. Шунинг учун ҳам амакиваччасининг ҳасади ва қизиқсиниши унга ёқмади. У-ку аслида сираям амакиваччасини саройга олиб келмасдия... Бир ой илгари Марко Генуялик ёшгина хотини билан бирга келди. Шунда 16 ёшли Симонетта қаршисида Америго ожиз қолди. Соҳибжамол ундан қасрга олиб боришини жуда қаттиқ илтимос қилди. 25 ёшида семириб кетган бесўнақай Марко бу гўзалнинг қалбини қандай забт этдийкин?

... Меҳмонлар жамулжам бўлган хона худди асаларининг уясидай ғувилларди. Америго Симонетта ва Маркони эргаштириб, меҳмонлар оралаб базм эгаси томон йўл олди. Лоренцо Медичи ҳам уларнинг келаётганини кўриб турарди. У кимнингдир шарафига бериладиган зиёфатларни унчалик ёқтирмаса-да, Америго билан

дўстлиги ҳурмати учун ихчамгина маъруза ҳам тайёрлаб қўйган эди. Марко билан хотини тавозе билан таъзим қилишди. Лоренцо эса тайёрлаб қўйган ҳамма сўзларини унутди-қўйди. У худди тилдан қолгандек Марконинг ёш хотинига тикилиб, анграйиб қолди. Ҳар томонга сочилган тилларанг сочлари, кулганида олтин заррачалар сачраб кетаётгандек туюлувчи шаҳло кўзлари, чақалоқникидек текис пешонаси ва ғунчадек лаблари уни мафтун этди. Эй, Тангрим! У худди Мадоннага ёки ёш маъбудага ўхшайди. Йигирма ёшли Лоренцо илк бор ўзининг хунуклиги ва бўйи пастлигидан ачиниб кетди. Бунинг устига ўлим тўшагида ётган отасини юпатиш учун шу йилнинг бошида уйланиб ҳам олганди. Оҳ, бу соҳибжамол нега илгарироқ Флоренцияга келмадийкин? Лоренцо секин ўрнидан турди. “Менинг қасримга ташриф буюрганингиздан хурсандман, монна Симонетта!” – деди у ва тўсатдан Симонеттанинг ўзига қарамаётганини сезди. Лоренцо ортига ўгирилди. Орқада улкан юмшоқ курси панасида укаси – 16 ёшли алпқомат Жулиано турарди...

Медичининг зарҳал ҳарфлар билан ёзилган навбатдаги таклифномасини очган Марконинг боши осмонга етди. Симонеттага уйланиб янглишмаган экан! Хотининг гўзаллиги сепидан кўра ҳам кўпроқ наф беряпти. Энди ҳар куни кечқурун Марко уйига совға-саломсиз қайтмасди – гоҳ олтин қадаҳ, гоҳ олмос қадалган тўқа ёки денгиз ортидан келтирилган зираворлар... Тўғри, бундан Медичининг банкирлари камбағаллашиб қолишмайди. Аммо уларнинг хазинаси камаяётганини ҳис этиш яхшида. Симонеттанинг ўзига ҳам совға-саломлар, атирлар, тақинчоқлар, кўйлак учун газламалар олиб келинарди. Бироқ тентак қизни сира тушуниб бўлмайди-да: Ҳамма қимматбаҳо буюмлардан кўра шеър ёзилиб, атир сепилган қоғозчаларни афзал кўради. Ҳатто ёшига нисбатан анчагина жиддий бўлган Лоренцо ҳам кутилма-

ганда шеър ёзишга муккасидан кетди. Симонеттани кўрганида эса бир хўрсиниб қўяр, хушомад қилишга тушар эди. Кенжатой Жулиано ҳақида-ку гапиришнинг ҳам ҳожати йўқ! Илгари у бекорчихўжа бўлиб, кўнгилхушликдан бўшамасди. Энди бўлса санъатга ошно бўлди қўйди. Атрофига шоирлар, мусиқачилар, мусаввирлар, файласуфларни йиғди. Ҳатто унинг бетайин ошналари ҳам ўзларида бир олам иқтидорни кашф этишди.

Мусалласга ишқибозлиги учун бўлса керак, "Бочкача" деб лақаб олган Сандро Боттичелли эса беқиёс гўзал суратлар чизяпти. Бу бекорчихўжалар ўзларини "Медичи боғидаги сайёҳлар" деб аташар ва Жулианонинг ҳомийлиги остида даври-даврон суришар эди. Энг қизиғи, уларнинг барчаси ўз ижодини Симонеттага бағишлай бошлашди. Унинг шарафига ҳатто рицарлик турнирлари ҳам уюштириладиган бўлди.

Баҳор либосига бурканган хиёбонда Симонетта кафтини кўзи устига тутиб, қуёш нуридан тўсди. Эҳтимол, у Лоренцо Медичининг тикилиб турганидан шундай қилгандир? Унинг қора кўзларида шундай ишқ акс этардики, қиз бундан ўзини ноқулай ҳис эта бошлади. Симонетта ҳам муҳаббат билан лиммо-лим нигоҳини сездириб қўйишдан хавфсирарди. Кеча у тунни Жулиано билан ўтказди. Симонетта энди ўз туйғуларини жиловлай олмас, Жулиано ҳам бунга қодир эмас эди.

Очиғини айтганда, "Медичи боғидаги сайёҳлар" нинг ҳаммаси ҳам муҳаббат ёшида бўлиб, улар Симонеттага ошиқу беқарор эдилар. Жулианонинг суратини чизган 30 ёшли мусаввир Сандро Боттичели ҳам уни севарди. 1476 йилнинг январида Жулиано буюртмасига кўра, у Симонеттанинг портретини чиза бошлади. Соҳибжамол Симонетта мусаввирни кичик Медичининг қасрида кутиб олди. Суратни чизиш давомида Симонетта бирданига ўзини ёмон ҳис қила бошлади. У қаттиқ йўталиб, ўзидан кетди.

Бир ҳафтадан сўнг Симонеттага сил билан оғриган деган ташҳис қўйилди. Қўрқиб кетган Америго Марконинг қайтишини кутмасданоқ, амакиваччасининг хотинини денгиз бўйига олиб борди. Жулиано одоб юзасидан Флоренцияда қолган бўлса-да, ҳар куни чопар жўнатиб севгилисининг ҳолидан хабардор бўлиб турди. 1476 йил, 26 апрелда Симонетта Веспуччи вафот этди. Унинг портрети тугалланмай қолди.

Бу шумхабарни эшитган Лоренцо уйи томон ошиқди. Отини ҳар қанча чоптирмасин дафн маросимига етиб келолмади. Жулиано ўз қасрига беркиниб олиб, бир неча кун ўкириб йиғлади. Симонетта учун бутун Флоренция аза тутди. Марко Веспуччи эса бир ойдан сўнг... бошқасига уйланди.

Жулиано таниб бўлмас даражада ўзгариб, одамови ва камгап бўлиб қолди. Ибодатга берилиб, яратгандан ўзини тезроқ Симонеттанинг олдига жўнатишни сўрарди. Унинг оҳу зори яратганга етиб борди шекилли роппароса икки йилдан сўнг 1478 йилнинг 26 апрелида Флоренциядаги Санта Мария дел Форе ибодатхонасидаги диний байрам пайтида исён бошланди.

Пацци оиласи Медичи оиласини тахтдан қулатмоқчи бўлди. Бу хавфни биринчи бўлиб Жулиано пайқади. У қўлларини кенг ёзиб, исёнчилар томон юрди. Жулиано бу ҳаракати билан уларнинг ғазабини юмшатмоқчидек эди. Бироқ ўнлаб ханжарлар унинг танасига санчилди. Жулиано ҳатто қичқиришга ҳам улгурмади. Лоренцони эса бўйнидан яралашди. Флоренция яна мотамга чўмди. Эл-юрт ўктам Жулианога ачиниб кўз ёш тўкди. Ахир у эндигина 25 ёшга тўлганди, холос...

Бир-бирига талпинган ошиқ юраклар Жулиано ва Симонетта. Улар доимо бирга бўлишни исташарди. Бироқ уларга бундай бахт насиб этмади... Мусаввир Сандро Боттичелли уларнинг яхлит ҳолдаги портретини чизди.

Уйғониш даврининг буюк мусаввири Сандро Боттичелли (1445-1510) Симонеттанинг вафотидан сўнг 34 йил яшади. 1510 йилнинг 17 майида амалга ошмаган севгиси – Симонетта Веспуччининг ёнига дафн этилди.

Америго Веспуччи (1454-1512) Медичининг денгиз савдоси бўйича топшириғини бажариш учун 1491 йили Севиляга жўнаб кетади. 1499 йили Испаниядан чиқиб, саёҳатга отланади ва номаълум ерни кашф этадики, кейинчалик у ерни унинг номи билан аташади. Бу ҳозирги Америка қитъасидир. Аммо айтишларича, Америго бу жойни Симонеттанинг илоҳий ҳомийси шарафига Сан-Симона деб аташни орзу қилган экан.

Лоренцо Медичи (1449-1492)га бежиз "Бағрикенг инсон" деб лақаб берилмаганди. Флоренцияда у ҳукмронлик қилган даврда фаровонлик ва тўкинчиликнинг олтин даври бошланганди. Лоренцо ҳомийлик қилган мусаввирлар – Рафаэл, Леонардо да Винчи ва Микеланжелолар унинг номини тарих зарварақларига муҳрлаб қўйишди.

ГЎЗАЛ МАЛИКАНИНГ АЯНЧЛИ ҚИСМАТИ

Дунёдаги энг узун, серсув Нил дарёси қирғоқларида жойлашган кўҳна Миср давлати инсоният тарихида муҳим ўрин тутади. Санъат, маданият, илм-фаннинг илк қадамжоси ҳам айнан шу давлатдан бошланган. Қадимги мисрликлар ўз подшолари учун барпо қилган улкан эҳромлар ҳамон кўкка бўй чўзиб турибди, аммо улар билан сирдош айрим хотиралар мавҳумлигича қолаётир.

Кўҳна Мисрнинг қудрати ва шон-шуҳратини оширишда унда ҳукмронлик қилган подшолар – фиръавнларнинг ҳам хизмати беқиёс. Қадимги тарих Миср фиръавнлари билан ёнма-ён туриб давлатни бошқарган айрим маликалар номини ҳам сақлаб қолган. Шундай маликалардан бири бундан уч минг йил муқаддам яшаб ўтган гўзал Нефертитидир.

Унинг ҳаёти Мисрнинг шавкатли, катта ўзгаришлар ва ислоҳотларга лиммо-лим даврига тўғри келган эди. Бу маликанинг ҳаётини тасаввур этиш учун унинг эри, Миср фиръавни Аменхотепнинг подшолиги, юргизган сиёсати ҳақида тўхталишга тўғри келади. Негаки, Нефертити ҳаёти ва фаолияти Аменхотеп билан боғлиқ бўлган. Тарихий манбаларда Аменхотеп тўғрисида маълумотлар кўп. Уларда айтилишича, фиръавн жуда қаттиққўл ҳукмдор бўлган. Рақиблари ёки амрини бажармаганларни ўта шафқатсизлик билан жазолаган. Унинг ҳукмронлиги даврида Мисрда катта сиёсий муаммолар мавжуд бўлиб, Миср фиръавнларининг Олд Осиё ва Нубияда олиб борган катта урушларида кўп сонли қуллар, сон-саноқсиз бойликларни қўлга киритган зодагонлар ҳокимият учун анчагина ташвиш келтирар эди. Айниқса, халқ оммасига катта таъсир кўрсатишга қодир бўлган олий тоифага мансуб коҳинлар давлатни бошқа-

ришда ўз кучини намойиш қилишга интиларди. Маълумки,ўша даврга мисрликлар Амон маъбудасига сиғингани боис, Амон ибодатхонаси коҳинларининг давлатдаги мавқеи ўта юқори эди. Мисрликлар дунёдаги барча нарсалар худоники, фаровонлик, тўкин-сочинлик ёки қашшоқликлар, касалликлар ҳам худодан келади деб ишонар эди. Фиръавнлар ҳам ўзларини худонинг фарзанди деб биларди. Бир пайтлар иккинчи даражали бўлган Амон маъбудаси аста-секинлик билан мисрликлар эътиқодида биринчи ўринга кўтарилди. Одатда, Амон маъбудаси бошига тож кийган инсон қиёфасида ёки қўчқор бошли одам кўринишида ифодаланарди. Бу маъбуданинг таъсири Мисрдан ташқари Юнонистонда ҳам кучли бўлган. Юнонлар Амон маъбудасини ўзларининг Зевс маъбудаси билан қиёслар эди. Шу сабабли ҳам юнон худоларидан унчалик кўнгли тўлмаган. Искандар Зулқарнайн Мисрга келганида, ўзини Амон худосининг ўғли деб эълон қилган ва бошига икки шохли қўчқор кўринишидаги тож кийган. Ана шунинг натижасида Искандарнинг шохи бор деган ривоят пайдо бўлган.

Фиръавн Аменхотеп ўз даврида унча-мунча ҳукмдорнинг юраги бетламайдиган ишга қўл урди. У Мисрда Амон худосига сиғинишни тақиқлаб, унинг ўрнига ҳали кўпчиликка номаълум Амон худосига сиғинишни жорий қилди. Бу билан Мисрда Амон худоси шарафига қурилган ибодатхоналар коҳинларининг давлат ва халққа кўрсатадиган таъсирини йўқотиш кўзланган эди. Эрининг бу ишларини малика Нефертити қизғин қўллаб-қувватлади, кўпгина ишларга бош-қош бўлди. Фиръавн Аменхотепнинг ҳаётбахш кучини мужассамлаштирган бўлиб, у нурлари атрофга таралиб турган қуёш кўринишида ифодаланарди. Мисрнинг йирик шаҳарларида янги худо учун ибодатхоналар барпо қилинди. Бу тадбирлардан ҳам қониқмаган фиръавн Аменхотеп ўз номини Эхнатоп

деб ўзгартирди. Давлат пойтахтини бошқа жойга кўчириб, Атон худоси шарафига Ахетатон шаҳрини бунёд қилди.

Подшо янги шаҳарнинг ободлиги борасида катта юмушларни адо этди. Бу ерда ҳашаматли саройлар, бинолар ва ибодатхоналар бунёд қилдирди. Пойтахт Ахетатонда савдо-сотиқ, мусиқа, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик жуда гуркираб ривожланди. Янги пойтахтда малика Нефертитининг мавқеи кўтарилди. Эри унга атаб дабдабали Атон ибодатхонасини барпо қилди. Маликанинг ҳашаматли кемаси сарой яқинидаги бандаргоҳда чайқалиб турар экан, халқ Нефертитини «Юқори ва қуйи Мисрнинг маликаси», «Икки мулк маликаси» дея шарафлар эди.

Олти қизни туғиб, тарбиялаётган, фиръавн Аменхотеп-Эхнатоннинг суюкли хотини бўлган малика Нефертити ўта бахтиёр эди. Аммо тақдир маликанинг бу тўкис бахтини кўп кўрди. Унинг учун ҳамма нарсага шай эри маликага бефарқ бўлиб қолди. Ичи қора рақиблар Нефертитини ҳар хил йўллар билан эрига ёмонлай бошлаганди. Айниқса, Амон худоси – тарафдорларининг куни туғди – улар янги Атон худосини қизғин тарғиб қилган Нефертитидан ўч олишга тушдилар. Фиръавн Эхнатон ёш, гўзал Нистага уйлангач, малика Нефертитининг саройдаги мавқеига путур етди. У саройдан четлатилди, ҳайкаллари, деворларга ишланган тасвирлари ҳам кўздан яширилди.

Нефертитининг кейинги тақдири ҳақида тарихий манбаларда ишонарли маълумотлар йўқ. Уч ярим минг йиллар давомида асрларнинг қаърида қолиб кетган бу гўзал маликанинг номи мозийнинг ҳукми ила қайта тикланди.1910-1912 йиллари фиръавн Эхнатон барпо қилган янги пойтахт Ахенатон шаҳри қолдиқларини текшираётган немис қадимшунослари бу ерда кўпдан-кўп ноёб

топилмаларни қўлга киритдилар. Улар топилмаларнинг энг ноёбларини ажратиб, музейларга қўйиш учун Берлинга жўнатишади. Бу буюмлар орасида ҳеч бир жиҳати билан киши диққатини тортмайдиган, археологлар дала шароитида тозалашнинг иложи қолмаган бир бўлак тош ҳам бор эди. Берлинда ушбу тош тозаланганида ҳамма ҳайратдан қотиб қолди. Бир неча минг йиллар мобайнида лой ва тупроққа қоришиб ётган бу тош малика Нефертитининг ҳайкали бўлиб чиқди. Шу тариқа инсоният фиръавн Эхнатоннинг хотини, малика Нефертитининг қиёфасини кўришга муяссар бўлди. Бизга номаълум бўлган моҳир Миср ҳайкалтароши томонидан ишланган бу улуғвор ҳайкалда гўзал Нефертитининг қиёфаси абадиятга муҳрланиб қолганди.

ЕКАТЕРИНА II САЛТАНАТИ

Дунёга машҳур малика бўлиб танилган Екатерина 1729 йили Европанинг Штитен шаҳрида дунёга келади. Унинг асл исми София-Августа-Фредарика эди. У Ангалт-Цербская маликаси ҳисобланарди. Проваслик мазҳабини қабул қилгач, 1744 йили Петербургга келади. 1762 йили Пётр I тахтдан ағдарилгач, Россия императорига айланди.

Екатеринанинг ишқий саргузаштлари ҳақида турли-туман миш-мишлар, афсоналар мавжуд. Ҳатто, уни Россиянинг Мессалинаси деб аташади. У император сифатида Россия тарихида ўчмас из, шунингдек, ўзидан адабий марос ҳам қолдирди. Аммо уни янада машҳур қилган фақат булар эмас, унинг атрофидаги эркаклар билан алоқаси хусусидаги миш-мишу афсоналар эди.

Екатерина – Россия олтин тожига эгалик қилган машҳур маликалардан биридир. У Россияга келган маҳали оддийгина немис маликаси эди. Бу ерга дўстларисиз, пулсиз, бисотидаги бор-йўғи учта кўйлак билан қадам қўйганди. Аммо у Россия тахтининг вориси улуғ княз Пётрга турмушга чиқишга мушарраф бўлди.

Пётрнинг ўзи арзимас бир шахс эди. Ақли ҳам мақтагулик эмасди. Юзида чечак асоратлари шундоқ билиниб турар, тўшакка этиги билан ётиб олиш одати бор эди. Ҳатто шоҳ бўлиб ҳам, хизматкорлари билан тез-тез бўкканича ичиб турарди. Аскарларини занжир, баъзан мушти билан урар, баъзида эса ерга ётиб олиб, аскар кийими кийдирилган қўғирчоқларни соатлаб ўйнарди.

Екатеринанинг Пётрдан бир неча фарзандлари бор эди. Аммо унинг эси паст эри болаларининг бирортасини тан олгиси келмас, уларнинг бино бўлишига ҳеч қандай алоқам йўқ, дея айюҳаннос соларди. Пётр хотини Екатерина билан кўп жанжаллашиб турарди. Баъзан хотини билан

ажралиш ёки уни ибодатхонага бадарға қилиш тўғрисида таҳдид қилиб ҳам қўярди. Хотини ҳам худди шу тахлит жавоб қайтарарди. Екатерина тўнтариш уюштириб,эрини тахтдан ағдарди. Жазманларидан бирига унинг арофига олтингугурт солишни буюрди. Бироқ Пётрнинг жони темирдан ҳам қаттиқ эканки, ҳатто олтингугурт ҳам уни йиқита олмади. Шундан сўнг Екатеринанинг жазмани унга қаттиқ мушт тушириб, қўлига тушган салфеткани томоғига тиқиб бўғиб ўлдиради. Шундан сўнг Екатерина 34 йил мобайнида дунёдаги энг катта империяни бошқарди. У ўз империясини менинг жажжи чорбоғим деб атарди.

Екатерина Пётрдан кейин бошқа эрга тегмади. Лекин том маънода ёлғиз эмасди. Гап шундаки, кўплаб жазманлари унинг юрагидан жой топишди. У набираларининг тарбиясига жуда қаттиққўллик билан эътибор қаратарди. Ҳатто, ўсимликларнинг кўпайиши масалалари ҳам ўрганилади, деб ботаникани ўқитмасди.

У юз миллион фунт стерлинглаб пул сарфлаб, жазманларини шоҳона тақдирларди. Гарчи, уларнинг кўпчилиги бирор-бир иқтидори билан ажралиб турмаса-да, армия генерали, биринчи даражали амалдор этиб тайинларди. Полшани забт этгач, суюклиларидан бирини у ерга қирол этиб тайинлайди. Аслида, бундай нияти ҳам йўқ эди. Бироқ севиб қолган жазманидан қутулиш учун шундай йўл тутди. Кейинроқ суюклисини мансабидан жудо қилиб, унинг тилла суви билан зарҳалланган тахтини Россияга келтириб, ўз ваннасига ўрнатди.

Жазманларидан бири моҳир армия офицери Григорий Орлов бўлиб, у ёввойи одамларникига ўхшаш гавда ва қиёфаси билан ажралиб турарди. Унинг муштидан баъзан Екатеринанинг ҳам соғ жойи қолмасди. Олий зот маъшуқа жонига текканда эса, у ҳафталаб йўқ бўлиб кетар, дуч келган биринчи хизматчи қиз билан

илакишиб қоларди. Шунга қарамай, малика ўктам жазманининг бу қилиқларига панжа орасидан қарар, унга унвонлару минглаб крепостной деҳқонлардан иборат қасрларни тақдим қилишдан чарчамасди. Ниҳоят, Г. Орлов ёш қиз билан қочиб кетди. Кейинроқ эса ақлдан озди.

Шундан сўнг Екатерина Григорий Потёмкинни севиб қолди. У бир кўзини қовоқхонадаги жанжалда йўқотганди. Гарчи, Г.Потёмкин Шарқнинг барча гўзаллиги ва бойлиги билан безатилган палатада яшаса-да, уйида шиппакда юрарди. Сочлари ҳамиша ўсиқ, ўзига қарамасди. Бироқ Г.Потёмкин шундай куч-қувватга эга эдики, у Екатеринани ўзига бўйсундира олганди.

Екатерина дунёдаги энг бой аёл ҳисобланса-да, кунига икки марта тамадди қиларди. Ўзига бироз тўқ бўлган ҳар қандай одам ундан кўра тўкисроқ овқатланарди. Маликага овқатлар олтин ликопчаларда тортиларди. Агарда бирорта овқатнинг гўшти куйган бўлса, Екатерина ошпазнинг устидан кулган бўларди-да, барини тановвул этаверарди.

Тарихда айш-ишратни яхши кўрувчи аёл сифатида ном чиқарган Екатерина умуман вино ёки алкоголли ликёр истеъмол қилмас, қорағат шарбати билангина кифояланарди. Уни тайёрлаш учун қарийб бир фунт кофе кетарди.

Екатеринанинг юзлаб хизматчилари бўлатуриб, каминга баъзан ўзи олов ёқарди. У чекмасди, аммо тамаки ҳидлашни хуш кўрарди. Кийимларига тамаки ҳиди шу даражада ўтириб қолган эдики, бу маликанинг келаётганини узоқдан билиш имконини берарди.

У баланд бўйли, хушқад эди. Ўзининг қомати билан фахрланар, бўйи узун кўриниши учун бўйнини чўзиб юрарди. Ваҳоланки, болалигида гавдаси жуда секинлик билан ривожланганди. 26 ёшга етганидагина мия суяк-

лари тўла ўсиб бўлади. Шу боис, у ҳамиша бош оғриғидан азоб чекарди.

Ўта мағрур ва кибрли бўлган Екатерина унга юборилган хатларда «Император жаноби олияларига» деб ёзилмаган бўлса, уларни ҳатто очиб ҳам кўрмасди. Бир куни у, ичиб олиб, мен унинг эри бўлганман деган бир эркакнинг бурнини кестириб юборади.

Ёши ўтгач, Екатерина шунчалик семириб кетдики, оёқлари оғир гавдасини кўтаролмай қолди. Шундан кейин ғилдиракли махсус курсида ҳаракатланишга мажбур бўлди.

Маликанинг ёши анча ўтинқираган пайтида ҳам баҳор шамоли эҳтиросга бой юрагини қитиқлаб турди. Бу гал унинг жазмани шарафига унга набираликка ярайдиган гвардия офицери Платон Зубов сазовор бўлди. Екатерина ҳокимиятининг сўнгги бир неча йилларида ушбу мақтанчоқ, калтафаҳм йигит Россияни билвосита бошқарди.

Ҳар қанча гап-сўзлар, миш-мишлар бўлмасин, Екатерина тарих зарварақларида буюк тарихий шахс сифатида қолди.

РАҚҚОСА НИГИНА

Нигина хоразмшоҳлар салтанати довруғи оламни тутган бир пайтда яшади. Нав-ниҳолгина бу рақҳоса қиз улкан саройда Аловуддин Муҳаммад саройида тез-тез бўлиб ўтадиган базму жамшидларда, тўю-томошаларда минг хиромда, ишваю-карашмалар билан рақс тушар эди. Ўзининг жозибали ҳаракатлари ила ўзгалар кўнглига олам-олам завқ-шавқ бахш этган бу сулувнинг васли куйида не-не азамат эрлар куйиб ўртанмади дейсиз? Айниқса, у ўз мафтункорлиги билан Хўжанд ҳокими Темур Маликни муҳаббат оташида ёқарди.

Темур Малик наздида беназир чирой ва латофат соҳибаси гўё саккизинчи осмон ҳурларидан бири эди. Ҳокимнинг хаёлини остун-устун қилишга, қалбини чексиз изтиробларга солиб қўйишга биргина "Нигина" сўзининг ўзи кифоя қиларди. Унга уйланиш орқалигина ўз дарди фароғат топишини билса-да, Темур Маликнинг бу борадаги ўйлари, орзу интилишлари сароблигича қоларди. Негаки, қайнотаси — салтанат ҳукмдори Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Нигинани саройининг файзи-тароватн, кўрки жамоли деб билар, қолаверса, шундай бемонанд соҳибжамолни ўз қизи устига кундош қилиб куёвига узатмаслиги аён эди.

Базму жамшидларда хоразмча шўх-шўх куй-қўшиқларга оҳудай сакраб хиром этаётган Нигинага Темур Малик вужуди жунбушга келганча эҳтирос билан термулиб, пинҳоний ишқ дардидан сархуш бўлиб ўтирарди. Нигина ҳам унинг муҳаббатини нигоҳидан аллақачон англаб етган эди. Ҳар сафар у рақс тушганида ҳукмдор ва унинг аъёнлари қимматбаҳо совғалар ҳадя этардилар, Темур Малик берган совғалар ҳамманикидан кўп ва хўп бўларди.

Нигина хоразмшоҳлар салтанатида энг бой аёллар

қаторида тарих битикларида қайд этилади. Унинг олтин-кумуш ва дуру жавоҳирлари амиру уламолар тўплаган бойликларидан ҳам икки ҳисса кўп бўлган. Бироқ Нигинанинг юраги моддий бойликлардан-да юз чандон қадрли бўлган маънавият билан лиммо-лим тўлиб тошган эди. У суюкли, фидойи бир фарзанд сингари туғилган заминини жондан ортиқ яхши кўрар, унинг файзли кунлари учун жонини тикишга ҳам тайёр яшарди. Ўша тарих битикларига қора ва мудҳиш лавҳалар бўлиб муҳрланиб қолган 1221 йилги мўғуллар босқини Нигинадай раққоса қизнинг ички оламини шаффофдай тиниқлигини кўрсата билди.

Турон заминига қашқирдай қутуриб, қонсираб бостириб келган мўғуллар важоҳати Жалолиддин Мангуберди ва Темур Маликлардай жавонмард эрларни чўчита олмади. Улар бор кучларини ақлига, билагига йиғиб, ғанимга қарши мардона курашишга бел боғладилар. Лекин ўзини Искандари Соний деб атаган шоҳ Аловуддин Муҳаммад, унинг арзанда ўғиллари ва “икки дунё хотинларининг подшосиман”, деб ўзига бино қўйган жоҳил Туркон хотун ҳамда сон-саноқсиз беку амирлар арконидавлатини карвонларига ортиб, онадай буюк Ватанларини ёғийлар оти туёғига шундоқ топширганча қочиб қолдилар. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг калтафаҳм ва худбинлиги боис Жалолиддиннинг кучларни бир жойга тўплаб, уюшган ҳолда жанг қилиш таклифи инобатга олинмади.

Шу боис, Темур Малик ўз кучлари билан алоҳида мўғулларга қарши жанг олиб борди. У жуда кўп қаҳрамонликлар кўрсатди. Унинг мардлиги афсонага айланди. Тарих битикларига мангу муҳрланди. Бағдоддан паноҳ топган Нигина эса, хоҳ Жалолиддин бўлсин, хоҳ Темур Малик,мабодо учраб қолса хабар етказишни тайинлаб ўз даракчиларини ҳамма жойларга жўнатиб юборган эди.

...Бағдод кўчаларида оддий фуқаро кийимида, изтиробли қиёфада кезиб юрган Темур Маликнинг қўлини бир дарвеш маҳкам ушлаганича аллақаерга қараб торта бошлайди. Эгри-бугри кўчалардан юргач, бир кулба олдида тўхтайди. Ичкарига киришганида Темур Маликнинг нигоҳи тўшакда ўлим билан олишиб ётган, чўпдай озиб кетган, заъфарон юзли аёлга тушади. Беморнинг лаблари оҳиста титраб, паҳлавонни ёнига чақиради ва ўзини Нигина эканини айтади. Сўнг ёстиғи остидаги катта тугунни олишни сўрайди. Темур Малик тугунни оларкан, бемор илтижо қила бошлади: “Сиз буларни Ватан озодлиги учун сарф айланг. Қурол сотиб олинг, лашкар тўпланг. Душманларни тоза юртимиздан ҳайдаб юборинг. Шунда гўримда армонсиз ётурман”. Тугун ичида раққоса умр бўйи шоҳ салтанатида тўплаган олтину жавоҳирлар бор эди...

Темур Малик раққоса билан хайрлашар экан, бир пайтлар кўзига ўйин-кулгудан бўлак иши йўқдай кўринган Нигинанинг она-юртига нисбатан севгисига ичичидан тан беради.

САРОЙМУЛК ХОНИМ

Соҳибқирон Амир Темур Сароймулк хонимни ўз никоҳига олгач, “кўрагон” унвонига мушарраф бўлди. Кўрагон ибораси мўғулча сўз булиб “куёв” деган маънони ифодалайди. Сароймулк хоним мўғул хонларидан бирининг қизи бўлганлиги туфайли Амир Темур мўғул хонининг куёви яъни “Темур кўрагон” номини олган эди.

Амир Темур маликани ўз никоҳига олгунга қадар ҳарамида бошқа хотинлари ҳам бўлган. Лекин хон авлодига мансуб Сароймулк хоним ҳарамидаги барча маликалардан фарқли равишда “катта хоним” ёхуд “Бибихоним” деган унвонга сазовор бўлади. Албатта бундай мартабага эришиш, ҳукмдор эъзозига лойиқ бўлиш учун ақлзаковат, дид-фаросат бош омил бўлган. Зотан,тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сароймулк хоним нозик дид ва фаросати билан ўзгалардан ажралиб турадиган ҳусн-латофат бобида ҳам беназир аёллардан эди. Шунингдек, у мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан яхшигина хабардор бўлган. Салтанат ишларида ўз маслаҳатлари билан қатнашиб турар, айниқса, илм-маърифатга алоҳида эътибор ила қарар, толиби илмларга ҳомийлик қилар эди.

Амир Темурнинг ҳарбий юришларида Сароймулк хоним кўпинча бирга бўлган. Тарихий манбалар берган маълумотларга кўра, ўта зийрак, тадбиркор Сароймулк хоним салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ҳам фаол иштирок этган. Амир Темур Сароймулк хонимнинг оқилона маслаҳатларига доимо эҳтиёж сезиб турган. Нақл қилишларича, Амир Темур Эронга қарши юриш бошлаганда, Исфахоннинг қамали кўпга чўзилиб, қўшинни озуқа билан таъминлашга маблағ етишмай қолади. Ниҳоят, Амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сароймулк хонимга мак-

туб жўнатади. Мактуб қисқа бўлиб, “Қўшиннинг захираси тугади, хазинадан зар юборинг”, дейилганди. Сароймулк хоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мактубнинг орқа томонига “Улуғ амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадиму?” деб ёзади ва уни чопарга тутқазади.

Сароймулк хонимнинг киноялы сўзидан қаттиқ мутаассир бўлган шоҳ ниҳоят бир қарорга келади: лашкаргоҳда сўйилган қўй, қорамол, от ва туя суякларини ўша куниёқ йиғдириб, турли ҳажмларда ясаттириб қиймат белгилайди ва унга пўлат муҳрни қиздириб тамға бостиради. Буни эса муваққат пул ўрнида муомалага киритишга фармон беради. Натижада, шаҳар ва қишлоқлардан суяк пулга қўшин учун озиқ-овқат сотиб олинади. Тез кунларда Исфахон шаҳрини эгаллагач, суяк пуллар зар билан алмаштирилди.

Саройда жорий қилинган тартибга кўра, хорижий элчиларни қабул қилиш маросимларида ҳукмдор ёнида хотинлари ҳам иштирок этишган. Испания қироли Генрих III нинг Самарқанд ҳукмдори Амир Темур ҳузурига юборган элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг ёзишича, 1404 йил, 8 сентябр душанба куни Амир Темур Самарқанд четидаги “Дилкушо” боғида элчиларни қабул қилади. Клавихонинг ҳикоя қилишича, қабул маросимида ҳукмдорнинг ёнида Сароймулк хоним етакчилигида бошқа хотинлар ҳам юзларига парда ташлаб ўтиришади. Испан қироли юборган ҳадялар орасида ҳукмдорга кўпроқ қизил мовут маъқул бўлган. Бу ҳақда у аввало Сароймулк хоним билан фикрлашади. 1404 йил, 17 октябр жума куни Сароймулк хоним ҳам катта зиёфат беради. Ушбу зиёфатда бошқа элчилар қаторида испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ҳам қатнашган.

Нақл қилишларича, Сароймулк хоним ўз жамғармаси ҳисобидан савоб учун бир мадраса бино қилдиришга

Амир Темурдан ижозат сўрайди. Ҳукмдордан рухсат бўлгач, отаси Қозонхон томонидан совға қилинган бир жуфт олмос балдоғини сотувга қўйиб, бу маблағнинг барини мадраса қурилишига сарфлайди.

Сароймулк хоним қурдирган мадраса XIV аср охири ва XV бошларида Самарқанддаги мадрасалар орасида улкан ва маҳобатлилиги билан ажралиб турган. Мадрасага замонасининг етук мударрислари тайинланиб, улар толиби илмларга диний ва дунёвий ишлардан дарс берганлар. Малика эса мадраса толиби илмларининг аҳволидан тез-тез хабар олиб, уларга доимо ҳомийлик қилиб турган.

Афсуски, мадраса биноси хусуматлар қурбонига айланди. У XVI аср охирида Бухоро Амири Абдуллахоннинг темурийларга нисбатан бўлган хусумати туфайли, махсус фармон билан буздириб ташланади. Фақат унинг ёнига қурилган мақбарагина сақланиб қолган. Самарқандда машҳур Бибихоним масжиди жомеъси ҳам бор. Бу масжидни Амир Темур Ҳиндистон юришидан қайтиб келгач, 1399-1404 йиллар мобайнида ўзининг суюкли бекаси бўлмиш Сароймулк хонимга атаб қурдирган. “Бибихоним” номи билан машҳур бўлган, Ўрта Осиёдаги обидаларнинг энг йириги саналган ушбу жомеъ масжиди ҳозиргача сақланиб қолган.

Даврлар ўтиши билан зилзилалар таъсирида масжид анча путурдан кетиб, вайронага айланган. Бироқ у ҳамон ўз салобатини эслатиб туради. Ҳозирда бир-бири билан боғланмаган олти бўлакдан иборат бўлиб, ҳовлининг юқори қисмида меҳробли, баланд пештоқли биноси, пойгакда масжиднинг иккига ажралган пештоқи ҳамда шимоли-ғарб қисмида якка ҳолда сақланиб қолган минораси мавжуд. Ўз даврида мазкур бўлаклар уч қатор оқ мармар устунли, енгил равоқли пешайвонлар билан бир-бирига бирлаштирилган бўлиб, уларнинг устида 400 та гумбазчалари бўлган.

Соҳибқирон Сароймулк хонимдан фарзанд кўрмаган. Аммо Соҳибқирон ўз ўғли Шоҳруҳ Мирзони, суюкли набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо ва бошқа шаҳзодаларнинг тарбиясини бевосита малика ихтиёрига топширган эди. Бундан шуни англаш мумкинки, Амир Темур Сароймулк хонимни жуда ҳурмат қилган ва ардоқлаган.



ҲУКМДОР МАЛИКАЛАР

Туркий халқларда қадимдан қолган мансаб ёрлиқлари ва ҳукмдорларнинг номлари орасида “Туркий хотун” деган ўзига хос мансаб тури ҳам бўлганлиги тарихий қўлёзмалардан маълум. Шуниси ҳам аёнки, қадим замонларда туркий қавмларда аёллар ҳам эркаклар билан тенг равишда турмуш тарзини олиб боришган. Бундай ҳоллар асосан ов, ҳарбий ишлар ва давлатни идора қилишда яққол кўзга ташланади. Милоддан аввалги қадимият даврида туркий элат ва қабилалар сак, массагет, қипчоқ ҳамда уйғурлар орасида ҳарбий ишларда машҳур бўлган ва давлат ишларини бошқаришда юксак маҳорат кўрсатган аёллар талайгина.

Туркий қавмларнинг хотин-қизларидан кўпчилик маликалар, қабила ва жамоа бошлиқлари, хонликлар ҳукмдорларининг аёллари нафақат жанг ҳамда овчилик санъатини, балки сиёсатдонлик ва ҳуқуқий ишларни ҳам чуқур билишарди.

Туркий хотунларнинг энг машҳурлари милоднинг VII-XIII асрларида давлат тепасида турган ҳукмдорларнинг бевалари ёки вояга етмаган валиаҳдларнинг оналари бўлишган. Шундай ҳукмдор аёллардан бири Тўхшода ойим бўлиб, у Бухоро, Самарқанд атрофларига ҳукмронлик қилган Бухор Худоднинг беваси эди. Унинг машҳурлиги шундаки, Тўхшода Туркон хотун даврида Марказий Осиёга араблар бостириб келганлар. Тўхшода эса истилочилар ҳужумини узоқ вақтларгача қайтариб, душманга қақшатқич зарба бериб турган. Ривоят қилишларича, араб қўшинларининг қўмондон лашкарбошиси Тўхшода Туркон хотуннинг боши учун мингта от ва юз минг динор араб тангасини ваъда қилган экан. Тўхшода хотуннинг ҳарбий ишларни мукаммал билиши, душманни куч ва ҳийла билан қайтариш усулларини маҳорат билан

қўллай олиши натижасида Бухоро ҳамда Самарқанд бир неча йил сурункасига қилинган араблар ҳужумидан омон сақлаб қолинаверди. Бироқ олтмишдан ошиб қолган Тўхшода хотун хасталикдан сўнг вафот этади. Шундан кейин араблар қўрғонни ишғол қиладилар.

Машҳур давлат арбобларидан яна бири, Хоразмшоҳлар авлодидан бўлган аёл Хоразм шоҳи Аловуддин Муҳаммаднинг онаси эди. Унга ҳам тарихда Туркон хотун деган ном берилган. Хоразмшоҳ Муҳаммад вояга етгунга қадар давлатни бошқарган Туркон хотун сарой беклари ва вазирлар маслаҳатидан кўп фойдаланарди. Кексалар ўгитига қулоқ тутарди ва шу асосда чиқарилган хулосаларни ишга солган ҳолда элни идора қиларди.

Хоразмшоҳ Туркон хотун даврида ўзига хос қонунчилик тизими ва ҳуқуқий билимлар ривожланди. Маликанинг ўзи етук ҳуқуқшунос бўлганлиги учун барча яқинларини ва мамлакатнинг давлат арбобларини мустаҳкам ҳуқуқий қонунлар асосида иш юритишга ўргатди. Туркон хотуннинг ҳарбий ишлардаги уқуви ҳамда давлат бошқаришдаги маҳоратидан ҳайратга тушган ўзга ўлкалардаги ва қўшни хонликлар, қавмларда у “Жаҳон ҳукмдори” деб номланган. Бироқ вояга етиб қолган Муҳаммад давлат ишларига унча-мунча тушунадиган бўлиб қолди. У онасининг баъзи ишларига қарши чиқди. Шундан сўнг она-бола ҳукмдорлар орасида низо чиқиб, мухолиф беклар эса бу низони янада кучайтиришга ҳаракат қилдилар. Оқибатда, ўзаро жанжаллар ва зиддиятлар билан заифлашиб, пароканда бўлиб қолган Хоразм даҳшатли Чингизхон истилоси олдида ожизлиги аён бўлди. Муҳаммад билан онаси ўртасидаги ихтилоф узоқ йиллар давом этади. Бу орада Чингизхон атроф ерлардаги ўлкаларни босиб олишга улгуради ва Хоразм учун иттифоқчиларни қолдирмайди. Муҳаммаднинг ўғли Жалолиддин Мангуберди ҳам вояга етиб, Чингизхонга қарши қўшин

тўплай бошлайди. Аммо она-болалар жанжаллари тўхтамайди. Шу тариқа Чингизхон Хоразмни осонлик билан ишғол этади. Хоразмшоҳ Муҳаммад ва унинг онаси Туркон хотун даҳшатли ўлим топадилар.

Қадимги туркий вилоятлардан бири Кирмоннинг ҳукмдори Қутбиддининг вафотидан сўнг давлат тепасига келган унинг хотини ҳам Туркон хотун ёрлиғини олади. Унинг даврида илм-фан ривожланиб, илм аҳли рўшноликлар кўрди. 1257 йилда тахтга ўтирган Туркон хотун узоқ йиллар давомида Кирмонни идора қилиб, кўп шаҳар ва қишлоқларни, эл-юртни обод қилади. У оддий халққа кўпроқ эътибор бериб, унинг оғирини енгил қилишга интилиб, ариқ-зовурлар қаздирди, шифохона ва мадрасалар қурдирди.

Туркий қавмлар, Мовароуннаҳрдаги хонлик ва амирликлар орасида Туркон хотун номи билан машҳур бўлган аёл ҳукмдорлар ўзларининг чуқур билимлари, ҳуқуқий масалаларда теран фикрлай билишлари ва давлатни бошқариш услубларини мукаммал эгаллаганликлари сабабли доимо халқ олқишига сазовор бўлиб келганлар.

АФСУНГАР ҚИРОЛИЧА

Қирол Генрих II вафот этгач, Франция тахтини 16 ёшли Франциск II эгаллади. У Генрих IIнинг тўнғич ўғли бўлиб, ёшлигидан касалманд эди. Кўп ўтмай, Франциск II оламдан ўтди. Хизматкорларнинг айтишича, унинг ўлими олдидан онаси – бева қиролича Екатерина Медичи ўз фарзанди қулоғига аллақандай дори томизган. Ана шу доридан сўнг қиролнинг аҳволи оғирлашган. Она ўғлини заҳарлаганми? Бу эса номаълум. Бундай дейишга сабаб, Екатерина Франциск IIни ёмон кўрарди, у тахтга ўртанча ўғли Карлни муносиб ҳисобларди. Карл соғлом, зийрак йигит эди. Қиролича келини – Франциск-нинг хотини Мария Стюартни ҳам ёқтирмас, унинг вақти келиб ўзи учун хавфли рақиб бўлишидан чўчирди. Франциск IIнинг ўриндоши – Карл IX нинг номини ҳозиргача қонли қирғинбарот – Варфоломей туни билан боғлашади. Худди мана шу тунда Париж католиклари протестант-гугенойларни ёппасига қириб ташлашга уринишган. Ҳақиқатда эса бу қонли можарони Карл эмас, балки унинг онаси – Екатерина Медичи уюштирган эди. Қиролича қонхўрликни ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлашнинг асосий воситаси деб билган...

Ўз рақибларини йўқотишда қиролича яна бир таъсирчан восита – жодулардан фойдаланган. Бунда унга иссиқ-совуқ қилиш билан шуғулланган учун сарой лавозимидан четлатилган собиқ кашиш кўмаклашган. Кашиш қироличани афсунгарликка ўргатган, унинг қалбида жинларга, уларнинг амалларига кучли ишонч уйғотган.

Қиролича амрига мувофиқ кашиш мумдан “душман”ларнинг гавдасини ясаган, уларни жодулаган, ҳайкал баданининг бир неча ерига игна санчган. Ўқилган афсунлар (ёхуд бошқа бирон нарса) ўз таъсирини кўрсата

бошлаган: душманлар бедаво дардга мубтало бўлишган ва вафот ҳам этишган.

Лекин тақдир қироличани қилмишлари учун шафқатсиз жазолади. Суюкли фарзанди – қирол Карл оғир дардга чалинди. Екатерина ўғлининг ҳаётини сақлаб қолиш учун нажот излай бошлади. Бироқ дори-дармонлар ҳам, амаллар ҳам кор қилмади. Шунда кашиш унга кароматли коҳин фолчи хизматидан фойдаланишни маслаҳат берди. Бу русум чиройли, бегуноҳ, норасида гўдакни нобуд қиларди. Екатерина Медичи бундай ёвузликдан ўзини тия олмади. У бемор қиролни ҳам шундай қонли маросимда қатнашишга кўндирди.

Белгиланган кунда қирол Карл хонасида жодулар ибодати ўтказилди. Ибодат махсус ўрнатилган шайтон суврати қаршисида бажо келтирилди. Шундан сўнг азайимхон махсус ясалган оқ ва қора рангли икки ғилофчага эзиб ички жойлаб, уларни сеҳрлади. Оқ ғилофдаги эзибички гўё бу ерга чўқинтириш учун келтирилган чақалоққа ичирилди. Ундан кейин меҳроб пиллапоясида чақалоқ боши танасидан жудо қилинди. Кесилган бошни аввал қора ғилоф устига, сўнг сеҳрли шамлар ёғдуси тушаётган стол устига қўйишди. Кейин эса, маросим қатнашчилари шайтондан кесилган чақалоқ боши номидан каромат қилишни сўрашди. Бироздан кейин йиғилганлар қулоғига аллақандай мадорсиз товуш чалинди. Одамзодникига ўхшамайдиган бу овоз чақалоқнинг кесилган бошидан келмоқда эди. Овоздан бир-бири билан қовушмаган бир нечта лотинча ифодани англаш мумкин эди. Екатерина билан кашиш айтилган сўзларни ижобат маьносида талқин қилдилар. Аммо бу маросим тугар-тугамас, қирол оламдан ўтган эди...

Афсундан кўра, заҳар натижалироқ эди.Шу боис Екатерина кўпроқ заҳарни ишга соларди. Лекин у заҳарни ҳам сеҳрлашни канда қилмасди. Чунончи, қиролича ўзи-

нинг сиёсий рақиби – Наварра қироличаси Жанна Далбре хонасига заҳарланган ва афсунланган шам ўрнатишни буюрган. Жанна Далбре ана шу шамдан заҳарланиб вафот этган. Замондошларининг таъкидлашича, Екатерина Медичи куёви – Генрих Наварскийни ҳам заҳарламоқчи бўлган. Зеро, у куёвининг тахтга даъвогарлик қилишидан чўчиган. Лекин куёви ҳам анойилардан эмасди. Унинг ҳам бало-қазолардан сақловчи тилсимлари мавжуд эди...

Медичилар қавмига мансуб одамлар ўз рақибларидан қутулишга жуда уста бўлишган. Улар ўзлари билан доимо заҳар жойлаштирилган узук ва калитлар олиб юришган. Эҳтиётсизлик қилиб, мана шу буюмларга қўл теккизган кишилар тил тортмай жон берган. Меҳмондорчиликка келганларнинг қанчаси заҳар солинган таомдан нобуд бўлишган. Медичилар саройига таклиф қилинганлар уйларига омон қайтишга ишонмас эдилар.

На афсунлар, на жиноятлар Екатерина Медичига бахт келтирди. Унинг тўрт нафар ўғли бирин-кетин дунёдан ўтишди. Уч ўғли бедаво дарддан вафот этишган бўлса, тўртинчиси қирол Генрих III эса ўлдириб кетилди. Уларнинг бирортасидан қонуний меросхўр қолган эмас. Шу тариқа Валуа қавмига мансуб қудратли ҳукмдорлар сулоласи узлатга юз тутди.

Тарих солномасида Медичилар хонадонига мансуб қиролича Екатерина ёвузликлари битилган саҳифаларда қолди.

ШАҲЗОДАНИНГ КАНИЗАГИ

Бир кўришда севиб ва севилиб қолиш мумкинми? Бу туйғу шоҳ-гадога баробарми? Баъзилар афсона, эртаклардагина шундай бўлиши мумкин дийишади. Бошқалар эса бўлганда қандай, ўша нигоҳлар тўқнашиши кишилар ҳаётини, бутун тақдирини остин-устун қилиб юборади. Кутилмаганда пайдо бўлган туйғу киши борлиғига ҳокими мутлақ бўлиб олади, инсон-ихтиёрини ўғирлайди, дейдилар. Ҳа, эҳтиросли муҳаббат домига тушган кишилар тенгсиз бахтли ёки бахти қаро бўлишлари ҳам мумкин.

Амур Темурнинг суюкли набираси Халил Султон Мирзо (Мироншоҳ Мирзонинг ўғли, 1366-1408) кунлардан бир кун шаҳар четидаги боғ кўчадан отда ўтаётиб бир қизни кўриб қолади ва шу лаҳзада унинг қалбига ишқ оташи тушади. Ўша вақтда Халил Султон Мирзо (1384-14II) уйланган, бир ўғилнинг отаси эди. Жасоратли, ҳарбий салоҳият ва истеъдод эгаси бўлган аслзода севги дардига чалинади.

Самарқанд шаҳрининг қуйи табақасига мансуб ҳунарманд оиласида дунёга келган бу қиз шоҳ оиласига муносиб эмасди. Аммо шаҳзода уни севиб қолган, унинг ишқида куйиб-ёниб ғазаллар битар эди. Хотини Гулшан ҳам эътиборсиз қолди. Қизнинг исми Шодмулк эканлигини билиб олган Халил Султон у билан учрашиш истагини билдириб, Шодмулкка мактублар ёза бошлади. Ниҳоят, яширинча совчи юбориб унга уйланиб олади. Табиийки, бундай "тенгсиз" никоҳга Амир Темур бошлиқ бутун авлод қарши туришган. Бироқ Халил Султон Мирзонинг қатъий қарори ғолиб чиқади.

Шаҳзода ишқ ўтида маст-аласт, дунё унинг учун ёлғиз Шодмулкдан иборат. Унинг шоирона қалби пўртана каби ўйнарди. Ўз севгилисига атаб ғазал битгани битган. Шод-

мулк ҳам кутилмаган бу бахтдан энтикарди. Ким эдию, ким бўлди? Кечаги оддий қиз, амир Сайфиддиннинг канизаги – бугун кимсан, улуғ Соҳибқироннинг суюкли набираси, шаҳзода Халил Султон Мирзонинг жуфти ҳалоли. “Шул бахтни ато этган Худойимдан ўргилай, бунинг учун умрим борича унга сажда қилгумдир”, дерди у. Икки ёш бир-бирларининг висолларидан баҳраманд бўлиб, тақдир насиб этган бахтдан масрур юрган кунларнинг бирида бобосидан барча фарзандлари ва набираларини унинг Ўрдагоҳи – Оқсулотга чорловчи фармони олий келди. Халил Султон бу хабардан довдираб, эсҳушидан айрилаёзди. Шодмулкни ташлаб кетадими? Йўқ, бу сира мумкин эмас. Ўйлай-ўйлай биринчи хотини Гулшанни ёш боласи борлиги учун қолдириб, Шодмулкни олиб жўнайди. Амир Темурга Халил Султон Мирзо Шодмулк билан бирга келаётганлиги етказилади. Халил Султоннинг бу ўзбошимчалиги Соҳибқироннинг қаттиқ ранжитади, набирасини севги дардидан халос этишнинг чора-тадбири ҳақида ўйга толади... Кейинчалик Сарой-мулк хоним аралашуви туфайли унинг гуноҳини кечиради. “Майли, кўнгли шуни истаса қўйиб берайлик, – дейди боболарга хос тантилик билан. – Назаримда, ҳар тўғрида фармон бермоқ мумкин, илло кўнгулга буйруқ бермоқ мушкулга ўхшайдур. Набирамизнинг пешонасига битилғони шу бўлса, биз не ҳам қилардик”. Шундай қилиб, ҳар иккала ёш бахтли ҳаёт кечира бошлайди.

Бундай бахтдан шод Шодмулк ўзича режалар тузади. Уни хон саройидагилар гўёки менсимайдигандек туюларди. Секин-аста у давлат ишларига аралашадиган, Халил Султон эса хотини майлига қараб иш тутадиган бўлади.

Амир Темур вафотидан кейин, 1405 йилнинг март ойида Халил Султон Мирзо Самарқанд тахтига ўтиради. У салтанатни бошқаришда адолатни бош мезон қилиб,

мамлакат ички ва ташқи аҳволини яхшилаш чораларини излайди. Лекин хотини Шодмулк бегимнинг салтанат ишларига фаол аралашуви аркони давлат орасида айрим норозиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шодмулк бегим Амир Темурнинг барча бева хотинлари-ю хос канизакларини ҳарбий бошлиқ ва амалдорларга инъом қилиш ҳақида Халил Султон Мирзога маслаҳат бериб, уни кўндиради. Жумладан, 1406 йили Соҳибқироннинг бева хотини Туман оғо бегимни амир Шайх Нуриддинга хотинликка беради. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Сарой-мулк хоним билан Тўкал хонимлар маликанинг махфий буйруғига биноан заҳарлаб ўлдирилади. Темур давридаги бек ва амалдорларга етарли илтифот кўрсатилмайди. Ўзининг истак ва маслаҳатлари севгилиси томонидан сўзсиз бажарилаётганидан руҳланган Шодмулк бегим хазина ва салтанат ишларида фаолликни янада кучайтиради. Унинг хоҳиш-иродасига кўра қуйи табақага мансуб кишилар юқори лавозимларга кўтарилади. Амир Темур сафдошларига қарама-қарши ўлароқ, қандайдир Бобо Турмуш деган кимса вазирлик мансабини эгаллайди. Илгари амалдорлардан Оллоҳдод ва Арғуншоҳларга ҳеч қандай амал тегмайди.

Мамлакат марказида вужудга келган бундай нобакорлик салтанат пойдеворига путур етказа бошлайди. Зотан, ана шундай қулай вазият Шоҳруҳ Мирзо учун асқотди. 1409 йил баҳорида Шоҳруҳ Мирзо қўшини Бодхез мавзеига келиб тўхтайди. Халил Султон Мирзонинг лашкари Шаҳрисабзда жангга тайёр ҳолда турарди. Шимолдан эса амир Худайдод бошчилигида қўзғолон кўтарилгани ҳақида хабар келади. Халил Султон Мирзо асосий қўшинни Шаҳрисабзда қолдирилиб, тўрт минг аскар билан амир Худайдодга қарши боришга мажбур бўлади. 1409 йил 30 март куни Халил Султон Мирзо амри Худайдод томонидан асир олиниб, Самарқанга келтирилади

ва кейинчалик Фарғонага олиб кетилади. Унинг хотини Шодмулк бегимни эса Шоҳруҳ Мирзога топширадилар. Шоҳруҳ Мирзо ўз навбатида Шодмулк бегимни таҳқирлаб кўп азоб-уқубатларга дучор қилади. Арқон билан боғланган, устидан қора тўр парда ёпилган Шодмулк бегимни шаҳар бозорларига олиб чиқиб сазойи қиладилар. Бу каби тушида ҳам кўрмаган ҳақорат ва таҳқирлашларга Шодмулк чидади, чунки унда бир илинж бор эди, шу илинждан у куч-қувват олди. Бу илинж Халил Султон эди. У ҳаёт экан, маҳбубаси шаънини пастга урганлардан ўч олади, деб ўйларди. Шодмулк унинг висоли учун, Султонини яна бир бор кўриш умиди йўлида ҳар қандай уқубатларга, хўрлашларга ҳам дош берди. У шу туйғу билан яшади, умидсизланмади, ғам-андуҳ уни букиб ташлай олмади. Маҳбуби ундан узоқда, тутқунликда бўлсада, унга кетма-кет мактуб йўллашни канда қилмади. Булар оддий хатлар эмас, ғазал ёки қасида усулидаги битиклар бўлиб, бошдан оёқ оташнома эди. Султони Шодмулкка бўлган муҳаббатини куйларди, уни дунё ғалвалари, салтанат ташвишлари қизиқтирмасди. Унинг учун дунё – бу Шодмулк. Шу боис у барчасига чидади.

Халил Султон бойликдан ҳам, салтанатдан ҳам воз кечди, илтижоси – Шодмулкини қайтариб берсалар бўлди...

Ниҳоят, Халил Султон Мирзо Фарғонадан Ўтрорга келтирилиб, амир Шайх Нуриддин воситачилигида Шоҳруҳ Мирзо билан битим тузади. Битимга мувофиқ, Халил Султон Мирзо Мовароуннаҳр ҳукмронлигидан воз кечади. Бунинг эвазига Рай вилоятининг ҳокими этиб тайинланади. Хотини Шодмулк бегим қайтариб берилади. Икки ошиқ дийдор кўришганларига шукроналар айтишди. Тортган уқубатлардан ўзларини фориғ бўлгандай сезишди. Лекин кўп ўтмай, 14II йилнинг 4 ноябрида

Халил Султон Мирзо Рай шаҳрида бетоб бўлиб, вафот этади. Шундан 1411 йилнинг охирида эридан кейин яшашни истамаган Шодмулк бегим ўзига ханжар уради. Умр бўйи бир-бирига талпиниб яшаган Халил Султон Мирзо ва Шодмулк бегимни ёнма-ён дафн қилдилар. Ўшанда Халил Султон бор-йўғи 27 ёшда, Шодмулк бегим эса ундан уч ёш кичик эди.



ГАВҲАРШОД БЕГИМ

Гавҳаршод бегим Чиғатой зодагонларидан Ғиёсиддин Тархонинг қизи бўлиб, Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзонинг суюкли катта хотини эди. Ривоят қилишларича, Ғиёсиддин Тархонинг бобокалони ўз даврида Чингизхон мулозиматида бўлган ва бир жангда уни ўлимдан сақлаб қолган экан. Шу сабаб Чиғатой улусида бу авлод юксак эътибор ва ҳурматга эришганди.

Гавҳаршод бегим Шоҳруҳ Мирзо никоҳига киргач, ундан уч ўғилу икки қиз кўрган. Тўнғич ўғли Улуғбек Мирзо кўрагон, ўртанчаси Бойсунғур Мирзо ва кичик ўғли Муҳаммад Жуки Мирзолардир.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Гавҳаршод бегим юксак дид ва фаросатли, оқила, тадбиркор, гапга чечан, бир сўзли ҳусн бобида ҳам беназир аёл бўлган. Шоҳруҳ Мирзо тақводор бўлганлиги учун кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутолаасига сарфлар эди. Салтанат ва девон ишларини ўктам ва тадбиркор хотини Гавҳаршод бегим бошқарар эди. Бу зийрак аёл қайнотаси Амир Темур вафотидан сўнг секин-аста салтанат ишларини ўз қўлига олди. Зеро, Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи ҳам хотини Гавҳаршод бегимнинг донолигига тан берар, салтанатни бошқарищда оқилона ва тадбирли маслаҳатларига эҳтиёж сезиб турар эди. Шу боис, салтанатга доир кўпгина ишлар маликанинг ихтиёрига топширилганди...

Шоҳруҳ Мирзонинг ҳарбий юришларида иштирок этган Гавҳаршод бегим шаҳзодалар феъл-атвори ва ҳарбий бошлиқларнинг хатти-ҳаракатидан воқиф эди. Тахтга валиаҳд тайинлаш масаласида Гавҳаршод бегим ўз сўзини ўтказишга уринади. Чунончи, Шоҳруҳ Мирзо ўзининг кенжа ўғли Муҳаммад Жуки Мирзони валиаҳд этмоқчи бўлади. Аммо Шоҳруҳ Мирзонинг бу режаси маликага ёқмайди. Малика ўз ўғлига нисбатан набираси

Алоуд Давла Мирзони валиаҳдликка муносиб деб билар, бироқ, Бойсунғур Мирзонинг бу ўғлини ошкора валиаҳд этиб тайинлашга Улуғбек Мирзодан ҳайиққанлиги боис, бу масалани Шоҳруҳ Мирзо қўли билан ҳал қилишга уринарди.

1444 йили Шоҳруҳ Мирзо оғир бетоб бўлиб, ўлим тўшагида ётганида Балх вилояти ҳокими Муҳаммад Жуки Мирзога шошилинч хабар юборадилар. Шаҳзода зудлик билан Ҳиротга етиб келади. Бироқ, шаҳзода етиб келгунча онаси – малика Гавҳаршод бегимнинг Фармонига мувофиқ ҳарбий қўшинлар сардори Жалолиддин Ферузшоҳнинг валиаҳдликка тайинланган Алоуд Давла Мирзога байъат бериб, қасамёд қилгани ҳақидаги хабарни эшитади. Муҳаммад Жуки Мирзо онасининг бундай «марҳамати» дан қаттиқ ранжийди ва отасини зиёрат қилгач, Балхга қайтиб кетади. Шундан сўнг тез кунда Шоҳруҳ Мирзо тузалиб, ўрнидан туради. Бу воқеа учун Гавҳаршод бегим эмас, Жалолиддин Ферузшоҳ жазоланади. Маликанинг режаси тақдир тақозоси билан бир неча йилга орқага сурилади. 1445 йили шаҳзода Муҳаммад Жуки Мирзо касал бўлиб вафот этади. Шоҳруҳ Мирзо шу бўйи ўзига валиаҳд тайинлаш масаласида умрининг охиригача бир қарорга келолмайди.

Шоҳруҳ Мирзо даврида, Хуросон сиёсий-ижтимоий ва маданий жиҳатдан анча гуркираб ўсди. Мамлакат пойтахти Ҳирот иқтисодий ва маданий юксалишда Шарқнинг энг нуфузли шаҳарларидан бирига айланди. Табиийки, мамлакатнинг бундай юксалишида «амалий ҳукмдор» малика Гавҳаршод бегимнинг ҳиссаси беқиёс эди.Бу даврда Ҳирот ва мамлакатнинг бошқа вилоятларида қурилиш ишлари авж олганди...

1446 йили кексайиб қолган Шоҳруҳ Мирзо ўз набираси – Кавзин, Рай ва Кум вилоятларининг ҳукмдори Султон Муҳаммад Мирзога қарши Ғарбга юриш бошлайди.

Бу юришдан мақсад ўзбошимча ёш шаҳзоданинг адабини бериб қўйиш эди. Ўз бобосига қарши бош кўтарган шаҳзода Ҳамадон билан Исфахонни босиб олиб, Шерозни қамал қилганди. Қўшинда малика Гавҳаршод бегим ва Абдуллатиф Мирзо Шоҳруҳ Мирзо билан бирга эдилар. Шоҳруҳ Мирзо Ғарбий Эронда ҳеч қандай қаршиликка учрамади. Чунки шаҳзода Султон Муҳаммад Мирзо бобосининг келаётганини эшитгач, Шерозни қамалдан бўшатиб, ўзи тоққа қочиб кетади. Шоҳруҳ Мирзо Шерозга киргач, шаҳзоданинг барча яқинларини жазога ҳукм қилади. Гавҳаршод бегимнинг қатъий талаби билан бир неча саййидлар ҳам қатл этилади...

Шероздан Ҳиротга қайтаётган Шоҳруҳ Мирзо йўлда бетобланиб, 1447 йил, 12 мартда вафот этади. Гавҳаршод бегим қўшин қўмондонлигини Абдуллатиф Мирзога топширади. Аммо Ҳиротга Алоуд Давла Мирзога «пойтахтни мустаҳкамлаш» ҳақида махфий мактуб ёзиб, уни махсус чопар орқали жўнатади. Бундан огоҳ бўлган Абдуллатиф Мирзо бувиси Гавҳаршод бегимни маҳбусликда сақлаб, Амударё томон йўл олади ҳамда бобоси Шоҳруҳ Мирзонинг ўлими ҳақида ўз отаси Улуғбек Мирзога хабар юборади.

Амакиси Улуғбек Мирзодан ҳайиққан Алоуд Давла Мирзо ўзини подшо деб эълон қилишга журъат этмайди ва аввалгидек жума кунлари масжидларда бобоси Шоҳруҳ Мирзо номини хутбага қўшиб ўқитади. Бироқ Абдуллатиф Мирзонинг кирдикорлари, айниқса бувиси Гавҳаршод бегимга нисбатан қўллаган жазосини эшитгач, тахтни ўз тасарруфига олади. Хазинадан қўшин ҳамда қўшин бошлиқларига инъомлар улашиб, Абдуллатиф Мирзога қарши куч тўплайди.

1447 йил, 29 апрел куни Абдуллатиф Мирзо Нишопур яқинида тўсатдан Алоуд Давла Мирзо қўшинига дуч келиб, мағлубиятга учрайди ва ўзи асир олинади. Маҳ-

бусликдан озод қилинган малика маҳбус Абдуллатиф Мирзони ўзи билан бирга олиб, Ҳирот томон йўлга тушади. Маликани Жом шаҳрининг яқинидаги Саъдобод мавзеида Алоуд Давла Мирзо кутиб олади. Абдуллатиф Мирзони Ҳиротга келтириб, Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйишади. Шоҳруҳ Мирзонинг жасадини эса Гавҳаршод бегим мадрасасидаги Бойсунғур мақбарасига дафн қиладилар. 1448 йили Ҳиротни қўлга киритган Улуғбек Мирзо отасининг жасадини Самарқандга келтириб, Гўри Амирга дафн эттиради.

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин тахт учун бошланиб кетган қонли можаролар тепасида Гавҳаршод бегим турарди. У невараси Алоуд Давла Мирзони тахт соҳиби қилиш учун макр-ҳийлалар ишлатса-да, 1450 йили тахтни Алоуд Давланинг укаси Абулқосим Бобур Мирзо қўлга киритади.

1457 йили Абулқосим Бобур Мирзо Машҳадга келади. Саройда катта зиёфат берилади. Базмда шароб ичиб ўтирган ҳукмдорнинг аҳволи ўзгариб, беҳол йиқилади. Табиблар муоалажаси фойда бермайди ва у 36 ёшида тўсатдан вафот этади. Шундан сўнг тахт учун яна ўзаро кураш бошланади. Шаҳзодаларнинг ноиттифоқлигидан фойдаланган Самарқанд ҳукмдори Султон Абусайид Мирзо Хуросонни босиб олади. Султон Абусайид Мирзо Самарқанд тахтини ўзининг катта ўғли Султон Аҳмад Мирзога топшириб, Ҳиротни ўзининг пойтахти деб эълон қилади.

Гавҳаршод бегим шаҳзодаларнинг тахт талашишларидан чарчаган бўлса-да, ободончиликка катта эътибор қаратган, мадрасалар, илм толибларига яқиндан ёрдам бериб турган. Айниқса, Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқароларнинг камол топишларига алоҳида меҳр билан қараган. Султон Абусайид Мирзо Ҳиротни пойтахт қилганидан сўнг Гавҳаршод бегимни кўп нарсалардан маҳрум қилади. Бу вақтда малика 80 ёшга яқинлашиб анча кексайиб қолган эди. Шундай бўлсада, малика Хуросон тахтидан ҳали ҳам

умидвор эди. Бинобарин, чевараси Султон Иброҳим Мирзони ҳукмдор Султон Абусайид Мирзога қарши исён кўтаришга ундайди. Гавҳаршод бегимнинг бу ҳаракатидан хабар топган Султон Абусайид Мирзо маликани рўзадор бўлишига қарамай чопиб ташлашга фармон беради. Фармонга мувофиқ, 1457 йили Гавҳаршод бегим чопиб ўлдирилади ва ўзи қурдирган Мадраса ёнидаги Бойсунғур даҳмасига дафн этилади.

Бундай адолатсиз ҳукм кўпчиликни ранжитади, албатта. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандий шундай ёзганди: «Замон бонуси, жаҳон маликаси... Гавҳаршод бегим баланд мартабали, покиза, пок, хатти-ҳаракати одилона, олийҳиммат ва улуғ мақсадли бир малика эди. Бу маликадан ёруғ оламда кўп хайрли ишлар, ёдгорликлар қолди».

УЛУҒ БЕКА

Хадича бегим Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг суюкли хотини эди.

Хадича бегим 1451 йилда Ҳиротда туғилганди. 1457 йилда Султон Абусайид Мирзо Ҳиротни босиб олгач, унга ҳадя этилган хос канизаклардан бири эди. Султон Абусайид Мирзо Хадича бегимни 1465 йилда ўз никоҳига киритади. 1469 йилда Султон Абдусайид Мирзо Ироқда ҳалокатга учрагач, Ҳирот тахтига ўтирган Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро марҳум Султон Абусайид Мирзо ҳарамида Хадича бегимни кўриб, уни севиб қолади. Кейинчалик унга уйланади.

Хадича бегим ёш, гўзал, димоғдор бўлиб, айни вақтда табиатан ичи қоралик ва макр-ҳийлага мойил эди. У тез фурсатда ўзининг жозибали ҳусн-латофати-ю маккорона илтифотлари билан Султон Ҳусайн Мирзо Бойқарони ўзига ром қилиб, ҳарамда улуғ бекалик ўрнини эгаллайди.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг хотинлари ва хос канизакларидан 14 ўғил ва 11 нафар қизи бор эди. Шоҳғариб Мирзо, Музаффар Ҳусайн Мирзолар Хадича бегимдан туғилган эди. Улуғ бека ўз ўғли – тантиқ ва шуҳратпараст Музаффар Ҳусайн Мирзони Султоннинг барча ўғилларидан устун қўйишга жон-жаҳди ила ҳаракат қиларди. Бинобарин, турли макр-ҳийлалар ишлатиб,ота билан ўғиллар ўртасида низо чиқаришга муваффақ бўлади. Бу низолар кўпинча, қонли жангу-жадаллар билан тугарди. Султон Ҳусайн Бойқаро Хадича бегимнинг макрига кўпроқ учиб, Музаффар Ҳусайн Мирзодан бошқа ўғилларига унчалик эътибор бермасди.

Улуғ бека ўз ўғлини отаси тахтига валиаҳд қилиб тайинлаш масаласида хуфёна ҳаракат бошлайди. Аммо валиаҳдлик ҳақи таомилга кўра, Султоннинг катта ўғли Бадуз-замон Мирзоники эди. Гарчи, подшо бу ўғлини

унчалик суймасада, ҳар ҳолда уни рози қилиши лозим эди. Айни вақтда, Алишер Навоий бошчилигидаги сарой аҳлининг аксарияти, валиаҳдликка Бадуз-замон Мирзонинг 11 яшар ўғли – Мўмин Мирзони муносиб ҳисоблар эдилар. Бу ҳақдаги мулоҳазаларини Султонга очиқ айтишганди. Бундай фикрлар Хадича бегимни безовта қилмасдан қўймасди.

1497 йил баҳорида Султон Ҳисор ҳокимлигига қарши юриш бошлайди. Султоннинг фармонига кўра, Астрободда ҳукмдор бўлиб турган Бадуз-замон ўрнига ўғли Мўмин Мирзони қўйиб, ўз отасининг қўшинига келиб қўшилади. Жанг тугагач, Султон Ҳусайн Бойқаро ўғли Бадуз-замон Мирзони Балх вилоятига, суюкли ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзони эса Астрободга ҳоким қилиб тайинлайди. Султоннинг бу фармони Бадуз-замон Мирзонинг ҳамиятига тегади. Чунки Астрободни ўғли Мўмин Мирзога иньом қилиш ниятида эди. Бадуз-замон ўз ўғлига Астрободни қўлдан бой бермаслик ҳақида хабар юборади. Бу можаро Султон билан Бадуз-Замон Мирзо орасида қонли тўқнашувларга сабаб бўлади. 1497 йил 2 майда Бадуз-замон Мирзо қўшини тор-мор этилади. Айни вақтда Музаффар Ҳусайн Мирзонинг қўшини Астрободни забт этиб, Муҳаммад Мўмин Мирзони асирга олади. Бундай қулай вазиятни кутиб ётган Хадича бегим вазир Низом ул-Мулк иштирокида Султоннинг мастлигидан фойдаланиб, Муҳаммад Мўмин Мирзони зудлик билан қатл этиш ҳақидаги фармонга муҳр бостириб олади. Ҳукм ўша кечасиёқ ижро этилади.

Орадан тўққиз йил ўтиб, 1506 йил апрелда Султон Ҳусайн Бойқаро вафот этади. Хадича бегимнинг калтабинлиги ила салтанат ишларига аралашуви натижасида, тахт икки шаҳзода – Бадуз-замон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо ўтирадилар. Шайбонийхон Хуросонга ҳужум бошлаганда, икки шаҳзодалар икки мавзеда – Ба-

дуз-замон Қораработда, Музаффар Ҳусайн Мирзо Тарнобда турардилар. Биринчи зарбадаёқ икки шаҳзода ҳар томонга бири Туркияга, бири эса Астрободга қочади. Ҳирот мудофааси эса Хадича бегим бошлиқ хотин-қизларга қолади. Шайбонийхон Ҳиротни осонгина қўлга киритади. Хадича бегим Ҳиротдан чиқмай, уй маҳбуслигида яшайди. 1509 йили ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Астрободда эканлигини эшитгач, Шайбонийхон мулозимларидан рухсат олиб ўғлини кўргани у ерга боради. Ўғли тузалмайдиган касалга мубтало бўлиб, ўлим тўшагида ётарди. Кўп ўтмай у вафот этади. Шундан сўнг Хадича бегим яна Ҳиротга қайтиб келади...

ХОНЗОДА БЕГИМ

Аёллар орасидан шавкатли ҳукмдорлар, оқила маслаҳатгўйлар, забардаст олималар, шоиралар етишиб чиққан.Ана шундайлардан бири Умар Шайх Мирзонинг қизи, Бобур Мирзонинг опаси Хонзода бегимдир. У 1478 йилда Андижонда туғилган. Унинг онаси – Қутлуғ Нигор хоним Тошкент хони Юнусхоннинг қизи эди.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Хонзода бегим дидфаросатли, ўткир зеҳнли ва ақл-заковат соҳибаси бўлган. Хонзода бегим айни балоғат ёшига етганда отаси Умар Шайх Мирзо тасодифан жардан йиқилиб, оламдан ўтади. Отаси тахтига ўтирган 12 ёшли Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг қисматида дарбадарлик даври бошланади. Ёш Бобур Мирзода бобокалони Амир Темур тахтини эгаллаш ҳаваси уйғониб, Самарқандга бир неча ҳарбий юришлар қилади. Ниҳоят, 1501 йили Самарқандни қўлга киритишга муваффақ бўлади. Қамал кўпга чўзилиб, шаҳарда даҳшатли очарчилик ва ўлим авжига чиқади. Бобур Мирзонинг кўпгина одамлари шаҳарни ташлаб қочадилар. Бобур Мирзо ўта кучсизланиб, ҳатто қамални ёриб чиқиб кетишга имконияти етмай қолади. Ана шундай оғир вазиятда Шайбонийхон Бобур Мирзога сулҳ таклиф қилади. Кейинчалик бу воқеани Бобур Мирзо ўзининг машҳур “Бобурнома” асарида қуйидагича тасвирлайди: “Бу маҳалда Шайбонийхон сулҳ сўзини арога солди. Агар бир тарафдан умидворлик бўлса эди, ё заҳира бўлса, сулҳ сўзига ким қулоқ солар эди. Зарурат бўлди, сулҳгина қилиб, кечадин икки паҳр бўла ёвушиб эдиким, Шайхзода дарвозасидан чиқишди. Волидаи хонимни олиб чиқдим. Яна икки хотин киши чиқди: бири Бичка халифа эди, бири Минглик кўгалтош эди. Менинг эгачим Хонзода бегим ушбу чиққанда Шайбонийхоннинг илкига тушди”.

Бу воқеани бошқачароқ ҳам таърифлашади. Шайбонийхон Бобур Мирзога сулҳ таклиф қилиши билан бирга, Хонзода бегимни ўзига хотинликка сўраган. Агар Бобур Мирзо шунга розилик берса, у ҳолда ўз ҳарамини Самарқанддан безиён олиб чиқиб кетишига имконият яратиб беражагини айтган.

Бобур Мирзонинг қизи – Гулбадан бегим ўзининг "Ҳумоюннома" номли асарида буни қуйидагича тасвирлайди: "Ана шундай вақтда Шоҳибек(Шайбонийхон) хон "агар ўз эгачингиз Хонзода бегимни менга хотинликка берсангиз, орамизда сулҳ тузилади ва ҳамжиҳатлик алоқалари ўрнатилади",- деб айтгизиб юборди. Охир Хонзода бегимни ўша хонга бериб, ўзларининг қайтишлари зарур бўлди".

Шундай қилиб, Хонзода бегим Шайбонийхон нигоҳига киради ва ундан бир ўғил кўради. Исмини Хуррамбек деб атайдилар.

Шайбонийхон қатл қилингандан сўнг, Хонзода бегим укаси Бобур Мирзонинг саройи – Кобулга қайтиб келади. Кўп ўтмай ўғли Хуррамбек ҳам вафот этади. Хонзода бегим ўзининг ақл-идроклилиги ва тадбиркорлиги туфайли сарой маликалари орасида юксак эътиборга сазовор бўлади. Хонзода бегим Бобуршоҳ ва унинг тахт вориси Ҳумоюн шоҳ саройида маслаҳатчи вазифасини бажарган.

1544 йили Хонзода бегим Кобулҳақ деган жойда оламдан ўтади. Уч ойдан сўнг, унинг хоки Кобулга келтирилиб, Бобуршоҳ мақбарасига дафн қилинади.

ГУЛБАДАН БЕГИМ

Гулбадан бегим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Дилдор бегим исмли хотинидан туғилган учинчи қизидир. Гулбадан бегим 1523 йилда Кобулда туғилган. Унинг онаси Дилдор бегимнинг ҳақиқий исми – Солиҳа Султон бегимдир. Бобур Мирзонинг амакиси Султон Маҳмуд Мирзонинг қизи эди. Гулбадан бегим отасининг фармонига кўра, Ҳумоюн Мирзонинг онаси Моҳим бегим қўлида тарбияланади. Моҳим бегим Бобур Мирзонинг энг севикли катта хотини эди. У подшонинг хотинлари орасида энг оқила ва билимдони эди. 1525 йилда Моҳим бегим Гулбаданни ўз тарбиясига олади. Гулбадан бегим ҳар иккала онасини ҳам самимий эъзозлаган. У ўз асарида онасини "Дилдор бегим" деб, Моҳим бегимни эса "онам ҳазратлари" деб тилга олади.

Гулбадан бегим 1529 йилгача Кобулда яшайди. Бобур – Ҳиндистонни қўлга киритгач, Моҳим бегим билан бирга отасининг ҳузурига – Аграга боради. Отаси вафотидан сўнг, акаси Ҳумоюн подшо саройида яшайди. 1539 йилда Гулбадан бегим Хизр Хўжахонга турмушга чиқади. Ундан бир ўғил кўради, унга Саодатёр деб исм қўядилар. 1556 йили Ҳумоюн подшо вафот этади. Тахтга унинг ўғли Жалолиддин Акбаршоҳ ўтиради. Шоҳнинг онаси Ҳамида бону билан Гулбадан бегим саройга – Деҳлига қайтиб келадилар. Ана шундан сўнг, Гулбадан бегим то умрининг охиригача жияни Акбаршоҳ саройида истиқомат қилади.

Гулбадан бегим ўз замонасининг оқила, донишманд аёлларидан эди. У Акбаршоҳнинг "Фирдавс макон ва жаннат ошён ҳазрат ҳақидаги воқеалардан нимаики билсангиз ёзингиз", деган ишорасига биноан, "Ҳумоюннома" номли ажойиб ва муҳим тарихий асарини ёзишга киришади. Бу асар мантиқан "Бобурнома"нинг давомидир.

Унинг муҳимлиги шундаки, “Бобурнома”даги айрим воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари мукаммал очиб берилади.

Гулбадан бегим ўз асарида сарой аҳлининг ҳаёт тарзи, шунингдек, тарихий асарларда учраймайдиган Бобуршоҳ хонадонинг нозик хусусиятлари, оилавий шароитлари, тўй ва аза билан боғлиқ удумлар, уй-рўзғор асбоблари, кийим-кечак турлари ва бошқа жиҳатлар ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

“Акбарнома” асарининг муаллифи Абул Фазлнинг маълумотига қараганда, 1575 йилда Гулбаданбегим ҳаж зиёратига жўнаб кетади ва 1582 йилда кўп қийинчиликлар билан у ердан қайтиб келади. Асарда ёзилишича, Гулбадан бегим 1603 йилда 80 ёшида вафот этади. Акбаршоҳ уни катта ҳурмат ва эҳтиром билан дафн этдиради.

МУҲАББАТ ҚАСРИ

Аржуманд бону тахминан 1594 йилда Машҳадда туғилган. У асли эронлик бўлиб, тақдир тақозоси билан Ҳиндистонга кўчиб келиб, Акбаршоҳ мулозиматига хизматга киради. 1611 йилда Аржуманд бонунинг аммаси Нуржаҳон Жаҳонгиршоҳга турмушга чиққач, Аржуманд бонунинг бобоси Эътимод-уд Давла бош вазирлик мансабига, отаси Эътиқодхон эса сарой бошқарувчиси лавозимига кўтарилади.

1613 йили 19 ёшли Аржуманд бону 21 яшар шаҳзода Хуррам (Шоҳ Жаҳон) га турмушга чиқади. Ўткир ақлидрок ва дид-фаросат соҳибаси бўлган Аржуманд бону тез кунда тадбиркорлиги, нозик табиати, иффати ва тенгсиз ҳусн-латофати билан сарой аъёнлари ўртасида катта эътибор қозонади. Хусусан, Жаҳонгиршоҳ Аржуманд бонуни ниҳоятда эъзозларди. Чунки, Жаҳонгиршоҳ билан шаҳзода Хуррам ораларида пайдо бўлган айрим келишмовчиликларни Аржуманд бону ҳал қилишга киришар ва бу ишларнинг уддасидан чиқарди. Табиийки, бундай эзгу хизматлари эвазига ҳар икки томоннинг илтифотига сазовор бўлади. Шундан бўлса керак, кўп ўтмай саройда Аржуманд бону – Мумтоз Маҳал бегим (саройнинг кўрки) дея атала бошланди. Аржуманд бонуга берилган ушбу ном унга шон-шуҳрат келтириб жаҳонга машҳур қилди ва номи тарих саҳифаларига кўчди.

1628 йили февралида эри Шоҳ Жаҳон тахтга ўтиргач, ёш малика Мумтоз Маҳал бегим салтанат ишларида унга ёрдамлашиб, режалик маслаҳатлари билан ҳукмдорни тўғри йўлга бошлади. Саройда у маслаҳатчи ва муҳрдорлик лавозимида эди.

Мумтоз Маҳал бегим яхши ва оғир дамларда ҳам ҳарбий сафарларда ҳам эрига вафодор ёр, содиқ ҳамроҳ ҳамда жафокаш ҳамдард бўлди. У қисқа умри давомида 14 нафар фарзанд кўрди. “Тазкират ул-ҳавотин” асарида

Мумтоз Маҳал бегимнинг тўрт ўғил, тўрт қизи бўлиб, қолган олти нафари ёшлигида нобуд бўлган. Унинг ўғиллари – Доро Шукуҳ, Шоҳ Шужоь, Аврангзеб, Мурод Бахш, қизлари – Жаҳон оро бегим, Анжуман Оро бегим, Даҳр Оро бегим ва Кити Оро бегимдир.

Малика Мумтоз Маҳал бегим Шоҳ Жаҳон ҳукмронлигининг тўртинчи йили, яъни 1631 йил 17 июн чоршанба куни навбатдаги сафар чоғида, Бурҳонпурда ўн тўртинчи фарзандини туғиш пайтида 38 ёшида вафот этди. Малика ҳаёт билан видолашаркан, эри Шоҳ Жаҳондан фарзандларига меҳрибон бўлишни, бундан буён бошқа уйланмасликни ва ниҳоят, унга атаб, дунёда тенги йўқ улуғвор, маҳобатли мақбара бунёд эттиришни илтимос қилди. Ўлими олдидан фарзандларига Шоҳ Жаҳоннинг аҳволидан хабардор бўлиб, унга ғамхўрлик қилиб туришни катта қизи – Жаҳон Оро бегим зиммасига юклайди.

Шоҳ Жаҳон севикли рафиқаси Мумтоз Маҳал бегимнинг васиятларига тўла амал қилади. Зотан, у кейинги 36 йиллик умри мобайнида уйланмай ўтади. Мунис ва вафодор рафиқасининг номини абадийлаштириш мақсадида, унга атаб ялтироқ оқ мармардан ҳашаматли мақбара қурдиради. Агра шаҳридаги улкан мақбаранинг қурилишига йигирма минг мутахассис ва ишчилар жалб қилиниб, 18 йилда қуриб битказилди. Бу улуғвор обида – "севги ва вафо" қасрининг қурилишига 40 миллион рупия маблағ сарфланган.

Мақбара қуриб битказилгач, Мумтоз Маҳал бегимнинг хокини у ерга келтириб қайтадан дафн этишди. Ушбу маҳобатли мақбарани Мумтоз Маҳал бегим бошига кийдирилган тож рамзи сифатида "Тож маҳал" деб атадилар. Ҳар йили бу муқаддас жойга оила қураётган минглаб ҳиндистонлик ёшлар ва саёҳатчилар келиб зиёрат қилишади. Бу жой табаррук масканга айланган.

САРОЙНИНГ НУРИ

Нуржаҳон бегим Бобурий шаҳзодалардан учинчиси – Жаҳонгиршоҳ (Салим)нинг иккинчи хотинидир.

Тарихий маълумотларга кўра, Нуржаҳон бегимнинг асли келиб чиқиши Эрондан бўлиб ҳақиқий исми Меҳринисодир. Унинг ота-онаси камбағалчиликда Ҳиндистонга кўчиб келиб, Акбаршоҳ саройида хизматга ёлланади.

Ажойиб кунларнинг бирида шаҳзода Салим Меҳринисони бозорда кўриб унга ошиқ бўлиб қолади. Бу вақтда Меҳринисо балоғат ёшига етган, сарвқомат, ўн тўрт кунлик ойдек қиз эди. Шаҳзода Салим Меҳринисо ишқида куйиб, ҳаловатини йўқотади. Ниҳоят, унга уйланишга қарор қилади. У ўз қарорини отаси Акбаршоҳга айтиб, ундан ижозат сўрайди. Подшо эса бунга қаршилик кўрсатади. Акбаршоҳ ўғлининг кўнглини совутмоқ учун Меҳринисони сарой айёнларидан бири – Али қули Истажлий (Шерафкан)га турмушга чиқишга мажбур қилади. Шерафкан Меҳринисога уйлангач, уни қўшинларга сардор этиб, Бенгалияга кўчириб юборади.

1605 йилда Акбаршоҳ вафот этади. Тахтга унинг ўғли шаҳзода Салим ўтиради ва ўзини Жаҳонгиршоҳ деб атайди. Тақдир тақозосини қарангки, 1611 йилда Шерафканхон Бенгалия ҳокими Қутбиддиннинг қабулига кирганида муҳим масала устида ҳоким билан жанжаллашиб қолади ва уни пичоқлаб ўлдиради. Фожеа устига етиб келган соқчилар Шерафканхонни ҳам ўлдирадилар. Шундан сўнг бева қолган Меҳринисони Аграга – Жаҳонгиршоҳ саройига жўнатадилар. Шу воқеадан бир неча муддат вақт ўтгач, Жаҳонгиршоҳ Меҳринисони ўз никоҳига олади.

Меҳринисо ўз гўзаллиги, зийраклиги, фаросатли ва тадбиркорлиги туфайли фақат Жаҳонгиршоҳнигина

эмас,балки сарой аҳлини ҳам ўзига ром қилади. Эндиликда уни Меҳринисо эмас, Нурмаҳал (Саройнинг нури) дея атайдилар. Кейинчалик эса жаҳоннинг нури, яъни Нуржаҳон деб бошладилар. Нуржаҳоннинг отаси Эътимод-уд Давла номи билан бош вазирлик лавозимига кўтарилган. Акаси Осафхон эса сарой бошқарувчиси мансабида ишлаган.

Нуржаҳон бегим Жаҳонгиршоҳ салтанатида доно маслаҳатчи эди. У мамлакатнинг ижтимоий, маданий ҳаётига доир кўпгина эзгу тадбирларни бажарган. У ихтирочи ҳам эди, гулоб ва "атри Жаҳонгирий"ни кашф этган. Шу билан бирга бир неча хил хуштаъм, лазиз таомлару хона безакларини яратди. Сарой айёнлари орасида унинг ҳурмат-эътибори кун сайин ошиб борарди. Жаҳонгиршоҳ суюкли хотини Нуржаҳонбегим шарафига "Нури Жаҳоний" деб аталган 12 граммли олтин танга зарб эттирган. Нуржаҳон бегим ўз замонасининг истеъдодли шоираси бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Сўнгги вақтларда Жаҳонгиршоҳ бот-бот касал бўлиб, давлат ишларига қарамай қўяди. Ана шундай пайтларда Нуржаҳонбегим салтанат ишларини бошқариб туради. Бу эса Жаҳонгиршоҳнинг ўғилларига, айниқса шаҳзода Хуррам (Шаҳобиддин Шоҳ Жаҳон)га ёқмасди.

Жаҳонгиршоҳ саломатлиги ёмонлаша бошлагач, 1616 йилда шаҳзода Парвезни валиаҳд этиб тайинлайди. Шундан сўнг шаҳзодалар орасида ҳар хил низолар келиб чиқади. Бу даврда касалманд Жаҳонгиршоҳ салтанат ишларига қарамай қўйганди. Давлатни бошқариш асосан Нуржаҳон бегим қўлида эди. Салтанатни вақтинча у бошқарарди. У ўз ниятларини амалга ошириш мақсадида Жаҳонгиршоҳга содиқ лашкарбоши Маҳобатхонни саройдан четлатиб, Бенгалияга жўнатилади ва мол-мулкини рўйхатга олдиради. Бундан норози бўлган Маҳобатхон салтанатга қарши бош кўтаради. Шу воқеадан сал вақт

ўтгач, Жаҳонгиршоҳ Нуржаҳон бегим билан бирга пойтахтдан Кобулга сафарга чиқади. Маҳобатхон ўз қўшини билан йўлга чиқиб, Шоҳ карвонини ўраб олади. Маҳобатхоннинг барча шартлари Жаҳонгиршоҳ тарафидан ноилож қабул қилинади. Нуржаҳон бегим Маҳобатхонга ўз кучини кўрсат-моқчи бўлади, лекин Шоҳ карвони Маҳобатхон назорати остида Кобулга қараб йўл олади. Кобулга кирилгач, Нуржаҳон бегим Жаҳонгиршоҳни Маҳобатхон соқчилари қўлидан олади ва Кобул қўшинини Маҳо-батхонга қарши қўяди. Энди Маҳобатхон учун қочишдан ўзга чора қолмайди.

ЖАҲОНОРО БЕГИМ

Жаҳоноро бегим Шоҳ Жаҳоннинг катта қизи бўлиб, 1614 йилда туғилган. Шоҳ Жаҳоннинг тахтга ўтириш маросимида Жаҳоноро бегим 14 ёшга тўлганди. Отаси унга 40 минг дона ёқут-жавоҳир инъом этиб, яна йилига 600 минг рупия миқдорида нафақа белгилайди.

Онаси Мумтоз Маҳал бегим вафот этган пайтда Жаҳоноро бегим ўн етти ёшда эди. Онасининг васиятига кўра, шоҳ оиласини бошқариш унинг зиммасига тушади. Жаҳоноро бегимнинг исми жисмига монанд бўлиб, ҳуснлатофат, ақл-идрок ва илму одобда табиат унга чексиз сахийлик қилган эди. Боз устига, яхшигина ғазаллар битарди. Шоҳ Жаҳон бу қизига алоҳида меҳр ила қарарди. Шу боис у Мумтоз бегимдан қолган барча бойлик ва мулкларни шу қизига топширади.

Оқила Жаҳоноро бегим оилада ака-укалар ўртасидаги келишмовчилик, ҳатто отаси билан укаси Аврангзеб ораларида келиб чиқадиган можароларни усталик билан бартараф қилишга моҳир эди. Унинг саройдаги обрў-эътибори орта бориб, аста-секин онаси Мумтоз Маҳал бегимнинг мавқеини эгаллай бошлади. У отасига салтанат ишларини бошқариш, ички ва ташқи сиёсат, дипломатия масалаларида фойдали маслаҳатлари билан ёрдамлашади. Унда бобокалони Бобуршоҳга ўхшаш меъморчилик ва ободончилик ишларига қизиқиш ҳамда ҳавас кучли эди. Аграда қурилган жомеъ масжидининг тарҳи Жаҳоноро бегимнинг қаламига мансубдир. У Деҳли, Сурат, Амбола, Беҳал ва Панипат шаҳарларида карвонсаройлар қурдирди. Лоҳурда эса оромбахш катта боғ бунёд эттирди. Мамлакатдаги ғариб-ғурабо ва фақирларга моддий ёрдам уюштириб, улар учун уй-жойлар қурдирди. Шунингдек, Кашмирда “Пари Маҳал” (“Парилар саройи”) номли ажойиб боғ, Шаҳдхонободда эса Алимар-

донхон ариғини қаздириб, нақшинкор ҳовуз барпо қилди. Жаҳоноро бегимнинг илм-фан бобида ҳам қалам тебратгани тарихдан маълум. Чунончи, унинг “Рисолайи соҳибия” (“Дўстлик ҳақида рисола”) асари мавжуд.

1658 йили тахт талашган Аврангзеб Оламгир ўз акаси Доро Шукуҳни мағлубиятга учратиб, укаси Мурод Бахшни зиндонга ташлайди. Бемор, хаста отаси Шоҳ Жаҳонни ҳибсга олиб, Аградаги “Қизил қалъа” номли саройда назоратда сақлайди. Укаси Аврангзебнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлган Жаҳоноро бегим мамлакатни ака-укалар ўртасида тақсимлашни, жумладан, Доро Шукуҳга – Панжобни, Мурод Бахшга – Гужаратни, Шоҳ Шужоъга – Банголни, Аврангзебнинг катта ўғли (зиндонда эди) Муҳаммад Султонга – Деканни бўлиб беришни маслаҳат беради. Аммо Аврангзеб бу таклифни қабул қилмайди.

Ота-бола, ака-укалар ва дўстлар орасига тушган низо ҳамда уларнинг фожиали қисмати Жаҳоноро бегимни қаттиқ изтиробга солади. Малика дунё ишларидан қўл силтаб, маҳбусликда кун кечираётган хаста отасига хизмат қилиш билан ўзига таскин беради. У 1658 йилдан то 1666 йилгача “Қизил қалъа” қасрида сақланаётган Шоҳ Жаҳон хизматида бўлади. 1666 йили Шоҳ Жаҳон ғарибона аянчли аҳволда қизи Жаҳоноро бегим қўлида ҳаётдан кўз юмади.

Жаҳоноро бегим гарчи шоҳ қизи бўлса-да, табиатан камтар ва олий ҳимматлилиги туфайли бойлик ҳамда шон-шуҳратларга қизиқмаган. У 1681 йилда 67 ёшида вафот этди. Уни Деҳлидаги Зарзари Бахш қабристонига дафн этадилар.

ИШҚ ҚУРБОНИ БЎЛГАН ОШИҚ

Зебуннисо бегим милодий 1639 йил, феврал ойида туғилган. Унинг отаси Аврангзеб (1618-1707) ёшлигиданоқ диндорлиги билан ном чиқарган эди. Аврангзеб Қуръонни ёд билар, талайгина шеърларни ёддан ўқир, ўзи ҳам шеър ёзарди. Шундай бўлса-да қаттиққўл, бировнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиган, қон тўкишни оддий бир зарурат деб билгувчи тошбағир бир киши эди.

Зебуннисо бегим ўз замонасининг фозила аёлларидан Ҳафиза Марям Бону қўлида савод чиқарган. Отаси Зебуннисонинг шоирлик истеъдодини пайқаб, унга ўз даврининг етук олимларидан Мулло Муҳаммад Ашраф Исфаҳоний ва Мулло Жевонни муаллим қилиб тайинлайди. Зебуннисо бегим забардаст шоира, етук олима, уста танбур чертувчи созанда ва моҳир ҳаттот бўлиб етишади.

Зебуннисо бегим олимларга, шоирларга ва санъат аҳлларига ҳомийлик кўрсатиб, уларга маош тўлаб турган. Зукко олима, ҳассос шоира бўлмиш гўзаллар гўзали Зебуннисо бегимга умр йўлдош бўлишни истаган кишиларнинг сон-саноғи бўлмаган. Бироқ Зебуннисо бегим уларнинг ҳеч бирини ўзига муносиб топмаган. Зеро, Зебуннисо бегимга илҳақ бўлганларнинг аксари шаҳзодалар, амирзодалар, бекзодалар ва йирик мулкдорлар бўлса-да, ўз замонасининг шоирларидан ҳам Зебуннисо бегимга ёстиқдош бўлишга орзумандлар кўп бўлган.

Зебуннисо бегим ёшлигида Оқилхон Розий исмли шоиртабиат бир йигитга кўнгил қўяди. Оқилхон Розий ҳам Зебуннисо бегимга ишқий мисралар йўллаб турган.

Шоҳ Аврангзеб ошиқ-маъшуқнинг махфий учрашувларидан хабар топгач, уларни таъқиб остига олади. Кунлардан бир куни Зебуннисо бегим билан Оқилхон Розий боғда учрашиб турганларида боққа шоҳ Аврангзеб кириб

келади. Ошиқ-маъшуқлар ўзларини дарҳол панага оладилар. Оқилхон шоҳнинг ғазабидан чўчиб, бекиниш учун бирор панароқ жой излайди. Иттифоқо, боғнинг бир четидаги катта зиёфатлар учун қазилган ерда ўчоққа ўрнатилган катта дош қозон мис қопқоғи билан турарди. Оқилхон ана шу қозон ичига тушиб олиб, устидан қопқоғини ёпиб олади. Албатта, унинг бу шошилинч ҳаракати шоҳ Аврангзебнинг назаридан четда қолмайди. Шоҳ Аврангзеб қизи Зебуннисо бегимга боғдан чиқиб кетиши ҳақида амр қилгач, тўғри юриб, келиб, дош қозон устига чиқади ва баковулни чақириб, ўчоққа олов ёқишни буюради. Ўчоққа олов ёқилгач, қозон қизийди. Қопқоқ оғзидан жизғанак ҳид билан тутун чиқади-ю, аммо ҳеч қандай нидо эшитилмайди. Аврангзеб қопқоқ устидан тушиб, баковулга қозон қопқоғини очишни буюради. Қопқоқ очилганда қозон ичида ярим қорайган Оқилхоннинг жасади кўринади.

Оқилхон Розий Зебуннисога қуйидаги ғазални ўқиган экан:

Баъдаз мурдан зи жафойи ту агар ёд кунам,
Аз кафан даст берун орам ва фарёд кунам.

Мазмуни: Агар сенинг жафоларингни эсласам, ўлганимдан кейин ҳам кафандан қўлимни чиқариб, фарёд чекаман.

Оқилхоннинг ўлимидан сўнг Зебуннисо қалбида янги ёр учун ўрин қолмайди. У поёнига етмаган ишқий достонини куйлаб ўтади. Зебуннисо бегим ўзи ҳақида камтарлик ила қуйидаги мисраларни ёзган:

Ҳар матоеро харидора аст дар бозори ҳусн,
Пир шуб Зебуннисо ўро харидоре ношуд.

Мазмуни: Ҳусн бозорида ҳар матога бор харидор,

аммо Зебуннисо қариди-ю, унга харидор топилмади.

“Олами Ислом”да ёзилишича, шаҳзодалардан бири Зебуннисо бегимнинг ҳусн-латофатда танҳолигини эшитиб, уни ғойибона севиб қолади. Унинг фироғида куйиб, ошиқона ғазаллар ёзиб, улардан бир мисрани Зебуннисо бегимга юборади:

Туро, эй гулбадан, бепарда дидан орзу дорам,
Латофатҳойи ҳуснатро расидан орзу дорам.

Мазмуни: Эй гулбадан, сени пардасиз кўриш, ҳусну латофатларингга етишиш орзусидаман.

Бунга Зебуннисо бегим қуйидаги жавобни ёзади:

Булбул аз гул бигузарад гар дар чаман бинад маро,
Бутпарасти кай кунад гар барахман бинад маро.
Дар сухан пинҳон шудам монандибў дар барги гул,
Майли дидан ҳарқи дорад, дар сухан бинад маро.

Мазмуни: Агар булбул мени чаманда кўрса, гул баҳридан кечарди, агар бараҳман мени кўриб қолса, бутга сажда қилмасди. Гул ўз ҳидини япроқларига яширгандай, мен ҳам сўзда яширинганман, кимнинг хоҳиши мени кўрмоқ бўлса, мени сўзда кўрсин.

Бу Зебуннисо бегимнинг шаҳзодага моҳирона берган жавоби эди.

НЕЛЛ ГВИН

Аёл деганда аввало, муҳаббат деган илоҳий неъмат дилдан ўрин олади. Бу икки сўз гўё жон ва тан, бири иккинчисисиз яшай олмайди. Аёл дея тарихда қанчадан-қанча баҳодирлар жон берган, катта-катта шаҳарлар вайрон қилинган, халқлар қирилиб кетган. Ва, аксинча, аёл дея ер юзида ажойиб кошоналар бунёд бўлган. Эҳтимол, аёл бўлмаганда дунёдаги етти мўъжизанинг бири бўлмиш Тожмаҳал мақбараси бўлмасди, аёл бўлмаганида Версалдаги сунъий кўллар, Сан-Сусидаги серсоя хиёбонлар, Тринондаги ўйинчоқ масканлар, Сент-Жемс боғидаги кумуш товуслар бўлмасди балки...

«Барча театр галареялари креслолари ложалар йўқ қилинмоғи керак», дейилади 1647 йили Англия қонунида «Бундан кейин барча актёрлар омма орасида қамчи билан жазоланишга маҳкум қилинмоғи зарур, театрда қўлга тушган ҳар қандай томошабин эса ана шундай ҳар бир жинояти учун беш шиллинг тўлашга маҳкум». Бу қонун хўжакўрсинга эмасди. Жинояти устида қўлга тушган актёрни нафақат калтаклашар, балки тилига қизиб турган темирни босиш билан қийнашарди.

Плин ҳали Кромвел ғалаба қозонмасиданоқ ўзининг прокламациясида шундай ёзганди: «Театр томошалари – бу бегуноҳ, маъжусийлик, шармандалик, худосизлик томошаси бўлиб, черков ва давлатга қарши чидаб бўлмас осийлик сифатида барча асрларда қораланган ўта ҳалокатли разолатдир».

Агар ҳатто Кромвел театрга янада шафқат назари билан қарашни истаганида ҳам у бундай қилмаган бўларди, чунки унинг аскарлари гўё католик черковдан ҳам қаттиқ жаҳду жадал билан театрларни бузишарди. Пуританликлар театрларни йўқ қила бошладилар – Англияда улардан 15 йил давомида ном-нишон бўлмади.

Тахтга Карл II нинг ўтириши билан театрлар пайдо

бўла бошлади. Қачонлардир театрларнинг кулини кўкка совурган оломон энди очкўзларча уларга ўзини урди. Бир пайтлар ахлоқсизлик ва бетартиблик рамзи бўлган театр энди олий ғоя ва истеъдод маконига айланди.

Театрнинг қайта тикланиши иккита катта ислоҳот билан боғлиқ. Биринчидан, «Ўрмон» «Қаср» каби собиқ ёзувлар пьесига мос келадиган базакли декорациялар билан алмаштирилди. Либослар жуда қимматбаҳо эди, лекин барибир даврга мослаб қилинмасди. Мўғул подшоси ролини ўйнаган актёр Карл II нинг либосларини кияр (кўпинча бу кийим қирол томонидан актёрга туҳфа қилинган бўларди). Рим матронаси эса Реставрациянинг энг сўнгги модасида бўларди.

Театрнинг иккинчи муҳим ислоҳоти унда аёлнинг пайдо бўлгани эди. Бунга қадар барча аёл роллари эркаклар томонидан ижро этиларди. Францияда аёл аллақачон саҳнада кўринган, Англияда эса бу энди пайдо бўлганди. Инглиз саҳнасида биринчи аёл Маргарита Хюгс эди.

Театрга эътибор кучайган шундай пайтларда унинг саҳнида Нелл Гвин пайдо бўлди.

У ким ва қаерлик, бу ҳақда кўп гапиришди ва ёзишди, лекин саҳнада пайдо бўлгунга қадар ҳаёти кўпроқ ишончлидир. Унинг саҳнагача бўлган ҳаёти ҳақида бизгача қуйидаги маълумотлар етиб келган.

У 1650 йили 2 феврал куни Герфордда туғилади ва болалигидаёқ ота-онаси уни Лондонга олиб келишди. Отаси хизматни ўтаб бўлган солдат бўлиб, қарздорлар турмасида вафот этганда, у ҳали кичкина қизалоқ эди. Оиласи унга ҳеч қандай ижобий таъсир кўрсата олмади. Унинг опаси, Роза Гвин 1663 йили ўғрилик қилгани учун судланди.

Нелл Гвин онаси иккаласи ётоқлар билан тўлган жойда – Колл Ярдда яшарди. Нелл ифлос, йиртиқ кўйлакда кун бўйи кўчада, ўзи каби йиртиқ-ямоқ кийимли тенгқурлари билан чанг ва лой кечиб, дайдиб юрарди. Бу

дамлар унинг ҳаётида бутун умрга сақланиб қолди. Кейинчалик тақдир уни не кўйга солмасин, унда ўша Колл Ярдлик кўча қизида бўладиган ўз фикрини назокат билан изҳор этиш одати тарк этмади.

Колл Ярд яқинида қуйи табақадагиларни боқувчи Росс исмли хоним истиқомат қиларди. Ана шу савдо уйига она ўн уч ёшли Неллни келувчиларга ўткир ичимликларни тарқатувчи ва қуювчи сифатида тирик мулк каби жойлаштирди. Энг қизиғи шундаки, ана шу фоҳишахонада бир йилдан кўпроқ яшаб, Нелл аввалгидек шўх, ички ва ташқи жиҳатдан пок ва соғлом қизлигича қолди.

Росс хоним ўз қўлидаги қизларни кўчада майда-чуйда билан савдо қилишга юбориш одати бор эди, бундан ҳам кўпроқ пул топиш йўлини ҳали хаёлига келтирмаганидан бўлса керак. Ана шу мақсадда у Неллни Қирол театрига апелсин сотгани жўнатди. Танаффус пайтларида пайдо бўладиган апелсин савдоси кўпчиликка жуда маъқул келарди. Улар айтган нархга савдолашиб ўтириш одобсизлик бўлгани сабаб улар яхшигина даромад қилишарди.

Ўшанда Нелл 15 ёшда эди. Унинг яхшигина, сариқ қўнғироқ сочларга чулғанган табассумли чеҳраси, унинг оқилона ва шўх гаплари кўпчиликни ўзига жалб қиларди ва у ўзи каби савдогар қизлар ичида тезда биринчиликка етиб олди. Ҳаётининг ана шу дамларида унда дастлабки маҳбуб, театрдаги ёш чироқчи йигит пайдо бўлди. Унинг Неллга бўлган муҳаббати ҳақида доимо ҳурмат билан гапиришарди. Айниқса унинг қалбини забт этган нарса йигитнинг дудуқланиб ва қизарганча унга ўзининг дастлабки совғаси – бир жуфт пайпоқ туҳфа этгани эди. Қирчиллама совуқдан Неллнинг оёқлари қаттиқ азият чекарди. Навқирон чироқчи икки баробар кўп ишлаб жунпайпоқ сотиб олди ва ўз севгилисининг кўнглини овлаганидан дунёдаги барча лордлардан ҳам ўзини бахтлироқ санарди.

Нелл театрда навқирон чироқчидан ташқари бошқа эътиборлироқ шахсларни ҳам ўзига жалб этарди. Унинг гаплари, ҳаракатчан юзи ва нозик қоматига ўша даврнинг кўзга кўринган актёри Карл Харт четдан туриб қараб юрарди. Кўп ўтмай у Неллда катта комик истеъдод яширин деб уни актриса қилишни ўйлаб қолди. Айрим шахсларнинг таъкидлашларидан қатъий назар Нелл билан Харт ўртасида фақат дўстона муносабат бўлганига етарли асос бор. У қизнинг мойиллигини биринчи бўлиб очди ва Хартнинг санъаткорлик сезгиси уни алдамаганди.

Тез орада Нелл Лондоннинг энг севимли актрисаларидан бирига айланди. Нелл Гвиннинг тенгсиз комик истеъдоди ўша даврдаги оммага бениҳоя маъқул келдики, шунга кўра Шекспирнинг «Бўрон»ини операга айлантиришди, «Ромео ва Жульетта»га эса охирги ғамгин қисмидан ташқари қувноқ қиёфа киритишди ва бир кун трагедия, иккинчи кун комедия сифатида ўйнашди. Нелл трагик ролларни ёқтирмасди ва замондошларининг айтишларича, уларни жуда ёмон ўйнарди. Аммо қувноқ комедиялар борасида унга тенг келадигани йўқ эди.

Неллнинг молиявий аҳволи энди анча яхшиланиб қолганди ва унинг аввалги хароба кулбаси шаҳар марказида, театр яқинида муҳташам хонадонга алмашилганди. Омма ва матбуот орасида Нелл катта муваффақият эгаси эди, ўша даврдаги театрларнинг қўпол расм-русуми кечаги кўчада қизи дилини чўктира олмади. Бу унинг ҳаётида энг беғубор ва саодатли дамлар эди.

Бу пайтга келиб Лондонда ёшлар ўртасида шаҳар полицияси ва маъмуриятининг бошига битган бало бўлган лорд Бокхерст граф Дарсей ўзининг шумликлари билан ғавғо соларди. Унинг дўсти Карл Седлидан ташқари ҳеч ким унинг ёввойи, жиловланмаган хатти-ҳаракатларида тенг келолмасди. У ўз дўсти билан Лондон кўчалари бўйлаб яланғоч югуриб юриш ёки «Кок» қовоқхонасидаги кўпчилик ичида худди ўша аҳволда енгил-

елпи сўзларни ирод қилиш ҳеч гап эмасди. Бокхерстни бундай қилиқлари учун бир неча марта суд қилишди. Лекин аҳмоқона хатти-ҳаракатларига қарамасдан, у жуда ёқимтой эди. Унда ўзига хос хислатлар, қанчалар ҳайратланарли бўлмасин, яхшигина таъб ва билим кўп эди. Санъат ва адабиётни у аёллар ва винодан ҳам кам севмасди. Айни пайтда ўз даврининг йирик ҳомийларидан бири эди. У яшаган даврдаги Англияда камдан-кам шоир, ёзувчи ва мусаввирларгина унинг олдида бурчли эмасдилар.

Ана шу ғаройиб йигит Нелл Гвинга телбаларча шайдо бўлиб қолди. Бадавлат, ақлли, барно, хушчақчақ... Нелл бунга жим тура олармиди. Бу унинг кейинроқ ўзи айтганидек, «Карл биринчи»си эди. Лорд Бокхерст Нелл тўлалигича ўзиники бўлишини истарди. Қиз саҳнани ташлаб, у билан Эпсамга жўнади. Бу курортда улар Седли билан бирга яшай бошлашди. Лорд Бокхерст уйида нафақат маъданли сувлар ичилди, албатта. Уч киши жуда қувноқ яшадилар. Нелл Эпсамда бир йилдан ортиқ яшади. Бокхерст билан жанжал сабаблими ёки саҳнани соғинганиданми, аниқ айтиш қийин, лекин бир йилдан кўпроқ вақт ўтгач, Нелл саҳнага қайтди.

Шундан кейин Бокхерст билан аввалги муносабатлари барҳам топди, лекин лорд танқидчи сифатида у билан яхши муносабатни давом эттирди, қиз эса ўзининг «Карл Биринчи»сига ҳақиқий дўст бўлиб қолаверди. Нелл саҳнага қайтганида аввалги бирмунча нохушликларни бошидан кечиришга мажбур бўлди. Унинг устози – Қиролликтеатри соҳиби Карл Харт унинг саҳнадан кетишини кечирмади ва қасос олиш мақсадида берган трагик ролларини қиз эплай олмай қолди. Аммо бу ҳол узоқ давом этиши мумкин эмасди ва Драйденнинг «Сирли муҳаббат» томошаларидан бирида Неллни қирол ложасига чақиришди ва шу тариқа унинг тақдири ҳал бўлди.

Неллнинг Карл II қалбини забт этгани ажабланарли

ҳодиса эмасди. Лондон жамоатчилиги ўша даврда оқилликни ўта юксак баҳоларди. Бу хислат билан ўз усталикларини намойиш этмоқчи бўлишар, уни улуғлашарди. Карл II оқилликни ҳаммадан кўра кўкларга кўтарар, ўзи ҳам Англиянинг доно кишиси саналарди. Нелл сўзамол ва табиатан оқила қиз эди. Театр пардалари ортида Неллнинг қирол билан алоқаси ҳақида гап-сўзлар пайдо бўлди. Лекин у кўп ишлар, ўзини худди аввалгидек тутар, ҳаётида ҳеч нарса ўзгармаганди.

1670 йилнинг баҳорида у ўғил кўрди. Кўп ўтмай, Нелл Драйденнинг «Гренада устидан ғалаба» номли янги пьесасида чиқиш қилди.Бу унга катта муваффақият келтирди. Лекин бу унинг хайрлашув роли эди. Шундан сўнг у саҳнани бир умрга тарк этди ва қиролнинг маҳбубасига айланди. Нелл Карл II қалбини забт этган ягона жонон эмасди. Лекин фақат угина қиролнинг сўнгги кунларига қадар у билан бирга бўлди. Карл II нинг аввалги маҳбубалари ўзларида қандайдир бегона хислатларни пайдо қилишга уринишган. Қирол буни яхши биларди. Нелл саҳнада яхшигина актриса бўлса-да, ҳаётда ўзлигидан бошқача бўлишни эплолмас ва буни истамасди ҳам. У чапани, чўрткесар ва ҳақоратлашга мойиллиги билан халқ фарзанди эди. У ўзини ўзгартиришни хаёлига ҳам келтирмади ва ўз иборалари билан сарой аҳлини даҳшатга, қиролни эса ҳайратга солди.

Ўзини ташқи дунёсини ўзгартирмай, у ботинда ҳам аввалгидай қолди. Қиролни у чин дилдан севар ва у билан севган кишиси билан муомалада бўлгандай тутар, бунда бир дақиқага ҳам унинг қирол эканлигини ҳисобга олмасди. Ўзининг ноқонуний мавқеини қирол олдида у ниқобламас ва ўзини «ўйнаши» ёки янада дағал сўз билан атарди. Бир сафар унинг извошчиси «қиз» деб атагани учун қандайдир киши билан жанжаллашиб қолади. Бундан хабар топган Нелл кулиб юборди ва извошчига уришмаслик кераклигини, чунки Нелл ўзининг ҳақи-

қатдан ҳам бокира эканлигини айтади. Лекин извошчи хафа бўлди ва деди: «Сизни шундай дея атасалар майлику, лекин мени «қиз»нинг извошчиси дейишларини истамайман». Унинг ўз мавқеи устидан кулишида қайғу борлиги сезиларди, албатта. Қирол ҳузурида ўз ўғлини batalrb дея атар ва бундан бошқача аташни билмагани учун узр сўрарди. Муносабатларида қайғулари бўлса-да, ўзининг табиий қувноқлиги ва оқилалигини йўқотмасди. Энди қирол уни Сент-Жеме боғидаги муҳташам хонақога кўчирди. Тангари итлар ва товуслар қуршовида гулзор бўйлаб кезаркан, қиз билан девор орқали суҳбатлашиш имконига эга бўлганди. Ўтган-кетганлар деворга осилиб турган Нелл ва пастдаги қирол ҳолатини тез-тез кўришарди. Нелл бахил ҳам, исрофгар ҳам эмасди. У фақат кумуш безакларга ружу қўйганди. Унинг кумушга берган буюртмалари нисбатан йирик бўларди. Бундан ташқари у ашаддий қиморбоз ҳам эди. Унинг уйида бўлиб турадиган йирик ўйинларда у ҳар доим ҳам ютавермасди. Актриса сифатида унинг уйида доимо шодлик ҳукм сурарди. У ўзининг санъаткор дўстларини севар, улар ҳам унга шундай муносабатда бўлишарди. Ўз қўшиқлари, ўйин ва ифодали ўқишлари билан унинг уйида янада кўпроқ жонланиш, турфалик пайдо қилишарди. Нелл қирол маҳбубаларида кам учрайдиган халқ муҳаббатига сазовор эди. У актриса бўлган чоғида лондонликлар уни «Бизнинг Нелл» дея аташар, бу ном кейин ҳам сақланиб қолди. У жуда сахий эди. Унинг феъл-атвори қуйидаги воқеада янада аён бўлади. Файтунда кетатуриб, у қандайдир руҳонийни қарздорлар турмасига олиб кетишаётганини кўриб қолади. Шу чоғ у файтунни тўхтатиб, ҳеч нарсани суриштирмай, руҳонийнинг қарзини тўлаб юборади. Неллнинг илтимосига кўра, бемор ва ишга яроқсиз солдатлар учун қирол Челзи госпиталини қурдирди. Бу госпитал ҳозир ҳам мавжуд. Бу иш унинг ташаббуси билан бўлгани ҳақида расмий далиллар йўқ, албатта.

Лекин Челзида 100 йилдан кўпроқ вақт ичида ўзларига яхшилик қилган киши шарафига тантанали қадаҳ кўтариш одати бўлган. Бу ҳақда Челзи яқинидаги кичик меҳмонхона номидан билса ҳам бўлади. 1679 йили Неллнинг онаси сувга чўкиб кетади. Афтидан, у маст ҳолда каналга тушиб кетган. Онаси қизи каби у қадар намунали инсон бўлмаганига қарамай, Нелл унинг ўлимидан чуқур қайғуга тушди ва унинг дафн маросимини данғиллама тарзда ўтказди. Умуман олганда, Неллнинг дилида оиласи ҳаётига нисбатан битмас ғам яшарди ва унинг учун ота уйидаги озгина шодлик қирол саройи безакларидан афзалроқ эди. Нелл Карл II нинг ягона севгилиси эмасди. Қирол Неллни ёқтириб қолганда унинг ҳарамида Варвара Палмер ҳам бор эди. Қирол унга герцогиния насабини берди ва ўзидан узоқлаштирди.

Лекин Неллнинг янада хавфлироқ рақиби бўлиб, қирол уни ўзидан узоқлашишини истамасди. Бу Луиза де-Керуайл, ёки инглизлар таъбири билан «модам Каруел» эди. Француз, нозик, болаларча гўзал юзли ва секин назокатли ҳаракатлари билан қирол ҳузурида ҳозир бўларди, гарчи бу пайтга келиб, Нелл қиролнинг маҳбубига айланган бўлса-да, Луиза Каруайл қадим зодагонлар оиласидан бўлиб, бу билан фахрланарди. Мазах қилишни севадиган ва дангалчи Нелл уни бу камчилигидан кулишга уста эди. Бир куни Руан шаҳзодаси вафот этгач, Луиза саройда мотам кийимида пайдо бўлиб, марҳум унинг қариндоши эканини айтади. Эртаси куни Нелл ҳам мотам либоси кийганини кўриб, бунинг сабабини сўрашганда, у қариндоши Татар хони ўлганини билдирган. Мазах қилиш ва мунтазам жанжалларга қарамай, Нелл ва Луиза ўзаро яхши муносабатда эдилар. Бир-бирлариникига тез-тез келиб туришар, биргаликда карта ўйнашар, бунда бир-бирларига қарзга пул ҳам бериб туришарди. Лекин шу билан бирга Луизага нисбатан Нелл ўзини жуда эркин тутарди. «Бу герцогиния ўзини

гўё обрўли хоним қилиб, саройдагиларни ўзининг қариндошлари қилиб кўрсатади. Бирон бир улуғ вафот этса, мотам либосини кияди. Яхши! Агар шундай бўлса, нега у қиролнинг маҳбубаси? У номусдан ерга кириб кетиши керак эди-ку. Менга келсак, мен ўзгача бўлишга интилмайман. Қандай бўлсам, шундайлигимча қоламан. Қирол мени маҳбуба дея олди ва мен унга содиқман. У менга фарзанд ато қилди, у болани тан олиши керак ва тан олди ҳам, чунки у мени ўзининг Портсмутидан кам севмайди». Ўзининг Севиняга ёзган мактубида Нелл ана шундай сатрларни келтиради.

Неллнинг нуфузи Луизаникига қараганда бирмунча яхши эди. Халқ Неллни севарди. У инглиз ва протестант, Луиза эса француз ва католик эди. Халқ уни жосусликда ва қиролга католикларга таъсир этишга гумон қиларди. Қиролнинг барча салбий хатти-ҳаракатларида халқ мадам Каруелни айблар ва Неллни қанчалик севса, уни шунчалик ёмон кўрарди. 1681 йили қирол парламент йиғилишига – Оксфордга иккала маҳбубасини олиб борди. Бир сафар Нелл қироллик файтунида кетаётганида уни оломон тўхтатди ва «мадам Каруел» деб ўйлаб, шовқин солди ҳамда файтунга тош ота бошлади. Нелл халқни яхши билгани сабаб бундан чўчимади. У файтундан малла бошини чиқариб бақирди: «Илтимос, муҳтарам халқ, одобли бўл! Мен протестантлик...ман». Омма қаҳқаҳа ота бошлади ва қувноқ қичқирувлар билан унга йўл берди. У протестант ва инглиз эканидан ташқари халқ уни сиёсатга аралашмаслиги ва насабларга интилмаслиги учун ҳам қадрларди. Карл II нинг бошқа маҳбубалари насабларга эга бўлишганди, масалан, Варвара Палмер – герцогиния Клевленд, Луиза де-Керуайл – герцогиния Портсмут, Нелл шунчаки мадам Нелл Гвин – актриса, халқдан чиққан қиз, собиқ апелсин сотувчиси эди. 1685 йил 2 февраль куни Карл II даҳшатли азоб остида ўлим тўшагида ётарди. Бу кун Неллнинг туғилган куни

эди. Унинг ўғли Албан герцогини қирол билан видолашишга олиб келишди, лекин ичкарига Неллни киритишмади. Лекин Карл II хаёлида Нелл эди. Тили нималарнидир ғулдирар, бироқ унинг укаси, бўлажак қирол Яков II ўлаётган қиролнинг сўнгги сўзларини эшитди: «Неллнинг очликдан ўлиб кетишига йўл қўйма!». Қирол Яков II бу васиятни ёддан чиқармади. Неллга қарздорлар турмаси таҳдид солганда унинг илтимосига кўра қирол барча тўловларни тўлади, унга умрбод яхшигина нафақа белгилади ва Ноттингемга яқин бўлган Бетсут-Парк чорбоғини ҳадя қилди. Неллга узоқ яшаш насиб қилмаган экан. У мияга қон қуйилиши хасталигида оламдан кўз юмди. Ундан ҳеч бир ёзув ёки мактуб қолмади. Фақат Нелл Гвиннинг қалбини, қашшоқлик ва оқилона эзгуликни ҳақиқий англайдиган дилни ёрқин намоён этадиган васиятгина қолди. Афтидан, у отаси вафот этган ва ёшлик чоғларида кўпгина яқинларининг боши узра доимий таҳдид солиб турадиган қарздорлар турмасини унутмаганди. Ўз васиятида қарздорлар турмасида азоб чекаётганлар қарзини тўлаш учун шу қадар кўп пул қолдириб кетиш Нелл Гвиндан бошқа ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бўлса керак.

У 1687 йилнинг 14 ноябида вафот этди. Уни қирол Яков II ўз ҳисобидан дафн эттирди. Дафн маросимлари у қадар тантанали бўлмади. Лекин Лондон «Ўзининг Нелли»сини унутмади, черков йиғлаётган оломонга тўлиб кетди. Агар Нелл ибратли ҳаёт кечирмаганида эди, Европа харитасида шундайлигича қолган бўларди, фақат XVII асрнинг ёрқин намояндаларидан бири бўлмасди.

“АРГЕНТИНА МАДОННАСИ“

Диктатор Хуан Перон ва унинг хотини Эвита узоқ йиллар Аргентинага ҳукмронлик қилишди. Мамлакатни гуллаб-яшнатишни амалга оширишни ниқоб қилган Перонлар давлатни инқироз ёқасига келтириб қўйишди. Улар “Аргентина халқи“ учун кўп нарса қилишганди.

Бу жуда ғалати ва бир-бирига мос келмаган жуфтлик эди. Эвита шубҳали ўтмишга эга бўлган қўшиқчи, Хуан эса армия полковниги эди. Улар Аргентина мамлакатини кўп вақтлар бошқаришди. Ушбу мамлакат халқи уларни ҳозиргача унутгани йўқ.

Аргентинада ўша даврларда перонизм деярли динга айланган, Хуан ва Эвита эса ярим худо эдилар. Бу эр-хотинлар ҳеч иккиланмасдан давлат хазинасини талаб, пулларни Швейцариядаги ўз ҳисоб рақамларига ўтказишди. Иккинчи жаҳон уруши даврида улар Европадаги фашистлар ҳаракатини қўллаб-қувватлашди. Оппозицион матбуот бўғиб қўйилди, дин арбоблари қувғин қилинди. Перон ҳокимият тепасига келгунига қадар Аргентина дунёнинг энг бой мамлакатларидан бири эди. Ундан сўнг эса инқирозга учраган давлатга айланди.

Хуан Доминго Перон 1895 йилда камбағал муҳожир оиласида туғилди. У мансаб пиллапояларидан тиришқоқлиги ва қобилияти туфайли кўтарилиб борди. Х. Перон шон-шуҳратни орзу қиларди.

1943 йилгача, ҳарбий давлат тўнтариши юз бергунга қадар Аргентинада Рамон Кастило президент эди. “Ёш бургутлар“ махфий жамиятига уюшган армия зобитлари ҳукуматга қарши фитна уюштирдилар. Улар орасида полковник Х.Перон ҳам бор эди. Президентнинг антифашистик сиёсати Муссолинини ўзларига доҳий деб биладиган италян миллатига мансуб зобитларнинг ғашини келтирарди. Давлат тўнтариши пайтида Х.Перон ҳарбий бошқармада ишлар ва фашизмга ўта мойил зобитлардан

ҳисобланарди. Янги ҳукумат уни ҳарбийлар томонидан ташкил этилган меҳнат вазирлигида юқори лавозимга тайинлади. Аргентинада ишчилар ҳаракати одатда касаба уюшмалари томонидан назорат қилинарди. Х.Перон ишчиларни нацистлар Германияси ва фашистлар Италиясига сафари давомида кўриб, қойил қолган ҳарбийлашган иттифоқларга бирлаштирмоқчи бўлди. Касаба уюшмалари раҳбарларини ўз томонига оғдириш, ўзини уларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилашга уринаётган "катта оға" сифатида кўрсатиш учун бор маҳоратини ишга солди. У ишчилар ва корхоналар раҳбарлари ўртасида маош бўйича музокаралар ўзи орқали ўтказилишига эришди. Х.Перон касаба уюшмалари ва корхоналар раҳбарларидан олган пора пулларини Швейцариядаги банкка ўтказарди. У пул тўланадиган таътил, Рождество байрами учун мукофот пули берилиши ва бошқа имтиёзларни амалга киритди.

1945 йилнинг августида уруш даврида эълон қилинган фавқулодда ҳолат бекор қилинди. Келаси ойда Аргентина пойтахти кўчаларида ярим миллион кишилик намойиш ўтказилди. Халқ инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини талаб қиларди. Бу ҳукуматни чўчитиб юборди ва кўп одамлар ҳибсга олинди. Ҳарбийлар орасида ҳам қарама-қаршиликлар юзага келиб, уларнинг айримлари ишчилар билан бир фикрга кела бошлагач, Х.Перон ҳокимият тепасига кўтарилиш вақти келганлигини англади. У радио орқали чиқиш қилиб, ишчиларни ҳал қилувчи ҳаракатга чақирди.

Эвита (Эва) 1919 йилнинг 7 майида Лос Толдос қишлоғида туғилди. Отаси у бир яшарлигида вафот этганди. Эвита ёшлигидаёқ қашшоқлик нима эканлигини жуда яхши англаб етди. Онаси қизининг бой одамга турмушга чиқишини хоҳларди. Аммо қизи бошқача фикрда эди. Хунине шаҳарчасида ҳаваскорлик спектаклида кичкина рол ижро этгач, Эвита актриса бўлишга ва бутун мамлакатга танилишга қарор қилди.

У шаҳарга қандай келиб қолганини ҳеч ким билмайди. Бироқ ёш соҳибжамол воқеалар марказида турарди. У радио ёки телевидение орқали чиқиш имкониятини ҳеч қачон қўлдан чиқармасди. Вақт ўтиши билан у халқ эътиборига тушди. 1943 йили у сайёранинг энг машҳур аёллари ҳақида туркум кўрсатувлар тайёрлашни бошлади...

Улар 1944 йилнинг январида учрашишди. Ўшанда Сан Хуан шаҳридаги даҳшатли зилзила юз берганида Аргентинанинг барча юқори табақа вакиллари бу ерга келган ва 49 ёшли полковник Хуан Перон ёш актрисани севиб қолганди. Улар танишишди ва Хуан бир умрга унинг измига бўйсунди.

1945 йилнинг кузида оммавий тартибсизликлар уюштиришга даъват қилгани учун Х.Перон ҳибсга олинди. Эва полковникни қўллаб-қувватлаш учун митинглар уюштирди. Буэнос-Айрес кўчасида икки кун давом этган тўс-тўполонлардан сўнг, Перонни озодликка чиқаришга мажбур бўлишди. Унинг сиёсий мавқеи мисли кўрилмаган даражада ошиб кетди.

Неофашистик тузум ҳақидаги орзулари хомхаёл эканини тушунган Перон истеъфога чиқди ва янги ишчилар партияси раҳбари сифатида сиёсатга қайтди. Пероннинг диктатура сари қўйган биринчи қадами касаба уюшмалари ҳаракати ташкилотининг тоталитар буйруқларига бўйсунмаган косиблар ва янги саноатчилар касаба уюшмаларининг йўқ қилиниши бўлди. Олти ой ичида ишчилар ҳаракатининг бўйсунмас раҳбарлари мамлакатдан бадарға қилинди. Бўлажак президентлик сайловларида ғалаба қозониш учун Перон католик черковини ҳам ўзига оғдириши лозим эди. Бу пайтда черков унинг Эва Дуарте билан алоқасини очиқчасига муҳокама қилаётганди. Хуан ўзидан 24 ёш кичик бўлган Эвитага уйланиш мақсадида хотини билан ажрашди. Перон черков билан ҳам тил топишди ва Эвитага уйланди. 1946 йилда Х.Перон президентлик сайловларида ўз орзусига эришди.

1946 йилнинг 4 июнида у Аргентинанинг 29-президенти этиб сайланди. Бир йилдан сўнг Эвита Европа бўйлаб саёҳатга чиқди. Ушбу саёҳат пайтида у 40 ёшли грек миллионери Аристотел Онассис билан танишди. Гўзал Эвитани кўрган Онассис ҳушидан айрилаёзди. У аргентиналик гўзални ўзи билан бирга бўлишга таклиф этди. Эвита унинг таклифини қабул қилди. Унга қуймоқ пишириб, меҳмон қилди. Миллионер у билан ўтказган бир кеча учун ўн минг доллар берди. Кейинроқ Онассис "Бу умримдаги энг қиммат қуймоқ бўлди", деганди.

Хуан Перон инқирозга учраган темир йўлларини тиклаш учун катта пул сарфлади. Ишчиларнинг ҳурматини қозониш учун уларга катта имтиёзлар берди. 1948 йили "Эвита шаҳри"даги асосий уй қуриб битказилди. Бу ерга камбағал ишчилар кўчиб ўтишди.

1945 йилдан 1952 йилгача Эвита 2500 та уй совға қилган, 3500 та талабага стипендия улашган ва 7800 марта чўқинтирган она бўлган. Эва темир йўл ҳалокатлари қурбонларига пуллар тарқатар, қишлоқларда мактаблар очарди. Буларнинг ҳаммаси кейинчалик Аргентинани иқтисодий инқирозга учратди. 1949 йилга келиб, Перонларнинг режасини инфляция барбод қилди. Митинглар бошланди. Бу йиллар ичида Эва тадбиркор ва ер эгаларидан катта миқдорда пул олишни давом эттирди. Эва ҳақиқатан ҳам шунча ишларни амалга оширарди. Аммо унинг "Эва жамғармаси" деб ном олган жамғармасига тушган пулларнинг катта қисми Швейцария банкига ўтказиларди. Унинг вакиллари мамлакатдаги барча корхоналарга боришар ва Эвита талаб қилган бадални йиғишарди. Ўз ихтиёри билан пул бермаган корхоналар тезда ёпиларди. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Эвита бу жамғармадан 100 миллион долларни ўмарган ва Швейцариядаги ҳисоб рақамига ўтказган. Эва ҳар бир ишчи ва тадбиркордан пул талаб қиларди. "Биринчи хоним" армия ва полицияга таянарди. У харж қилган пуллар диктаторлик режимининг эҳтиёж ва ман-

фаатлари билан боғлиқ эди. Мамлакат президенти ҳам сиёсатчиларни унинг жамғармасига пул ўтказишга мажбур қиларди.

Перонлар импорт-экспорт лицензияларидан миллионлаб даромад қилишарди. Тадбиркорлар бошқа мамлакатлар билан савдо қилиш ҳуқуқини олиш учун уларга йирик миқдорда пора беришарди.

1951 йили Хуан ва Эвитанинг ҳукумати нурай бошлади. Шу йилги сайловларда Пероннинг хотинини вице-президент этиб сайлаш таклифи халқнинг кескин норозилигига сабаб бўлди. Хуан Перон намойишчиларни бостиришга эришди ва сайлов бюллетенларида хотинининг номи тилга олинмади. Президентлик сайловидан сал олдин давлат тўнтаришига уриниш содир бўлди. Лекин муваффақиятсизликка учради.

Кузда ўтказилган сайловда Перон 61 фоиз овоз олди. Халқ ҳали ҳам унинг ваъдаларига ишонарди.

Келаси йилнинг ёзида Аргентина халқи Эвита Пероннинг 33 ёшида вафот этганидан донг қотди.У халқ хотирасида диктаторлик ҳокимиятпараст хотини, халқ бойлигини таловчи, мамлакатни таназзулга учратган аёл эмас, балки гўзал хоним сифатида қолганди.

Меҳнат вазирлиги биноси олдига у билан видолашгани миллионлаб аргентиналиклар келишди. Перон унинг жасадини мўмиёлаш учун Испаниядан Педро Ара исмли мутахассисни чақиртирди. У бор маҳоратини ишга солиб, Эвитани гўёки ухлатаётгандек ҳолатга келтирди. Унинг барча ички аъзолари ўз жойида қолди. Бунақасини ҳали ҳеч ким амалга ошира олмаганди. Бу иши учун Ара юз минг доллар олди.

Тез орада мамлакатдаги иқтисодий вазият кескин ёмонлашди. Қирол ўз тарафдорлари кўз ўнгида қашшоқлашиб борарди. Университетларда чаласаводлар жойлаша бошлади. Порахўрлик авжига чиқди. Пероннинг шахсий гвардияси отрядлари Буэнос-Айресдаги санъат музейи ва миллий кутубхонани талардилар. Бу

ердаги қимматбаҳо ашёлар диктаторнинг уйига ташиб кетилди. Перон бир неча суиқасдлар ва давлат тўнтаришларидан омон қолди.

1955 йилнинг 8 июнида ҳарбий-денгиз флотининг самолётлари президент саройи атрофига йиғилган президент тарафдорлари устига бомба ёғдирди. Қуролли кишилар пойтахтни талай бошладилар. Кордовадаги армия гарнизони президентга қарши бош кўтарди. Йигирманчи сентябр куни Хуан Перон мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди.

Диктатор қочиб кетганидан сўнг халқ Эвита аслида қандай яшаганини ўз кўзи билан кўрди. Шиша поллар нархи икки миллион фунт бўлган қимматбаҳо тошлар жилосидан ярақларди. Ичкарида катталиги каптар тухумидек келадиган бриллиантлар турарди. Эвитанинг тўрт юздан ортиқ кийимлари бор эди. Бу улар тўплаган бойликнинг бир қисми эди, холос. Уларнинг асосий бойлиги Швейцария банкида эди.

Хуан Перон дастлаб Парагвайда, сўнгра Бразилияда яшади. Кейинроқ Испаниядан паноҳ топди. Эвитанинг мўмиёланган танаси эса янги ҳукуматга кўп ташвиш келтирди. Унинг жасади қаерда сақланишидан қатъи назар, ўша ерда шамлар пайдо бўлиб қоларди. Жасад солинган тобут ҳарбий-денгиз базасига, полиция академияси биносига, ҳарбий-ҳаво кучлари базасига келтирилди. Аммо барибир ёниб турган шам пайдо бўлаверди. Унга сиғинадиганлар ҳарбийлар орасида ҳам бор эди. Ниҳоят, янги президент уни бутунлай кўздан йўқотишга буйруқ берди.

Хуан ва Эвитани жуда ёмон кўрадиган майор Арандия унинг жасадини ўз уйида сақлашни таклиф этди.

Арандиянинг хотини эрини тушунолмай қолди. Уйига қандайдир қути келтирилганидан бери у хонасидан чиқмай қўйганди. Бир куни у эрининг нима билан шуғулланаётганини билиш учун қутини очиб кўради. Мудраб ўтирган эри уни отиб ташлайди.

Вақт ўтган сайин ҳарбийлар ҳукумати мамлакат иқтисодини тиклаш чора-тадбирларини излашарди. Перон эса яна ҳокимиятни эгаллаш учун пайт пойларди. Олтмиш беш ёшли Хуан йигирма ёшли Мария Эстеллега уйланди.

1973 йили мамлакатда вазият кескинлашди. Генераллар Перонни мамлакатга чақиришди. У яна президент этиб сайланди. Ҳокимият тепасига келгач, у Эвитанинг жасадини қидира бошлади. Маълум бўлишича, Эва Миландаги қабристонга кўмилган экан. Унинг тобути қазиб олиниб, Буэнос-Айресга келтирилди. Эва ҳали ҳам худди тирикдек эди. Жасад Оливис қабристонига кўмилди.

Бир йилдан сўнг Хуан Перон ҳаётдан кўз юмди. У Эванинг қабри ёнига кўмилди. Ҳокимият Хуаннинг охирги хотинига ўтди. Лекин халқ уни ёқтирмасди. 1976 йили давлат тўнтаришидан сўнг у миллионлаб долларни ва давлат мулкини талон-торож қилишда айбланиб ҳибсга олинди. 1981 йили қамоқдан чиқди.

Эва эса бир вақтлар ўзи учун қадрли бўлган кишиси билан хайрлашди. Унинг жасади президент қабри ёнидан олиниб, оддий қабристонлардан бирига қўйилди.

Эвитага бағишлаб кўплаб китоблар ёзилди. У ҳақида филм суратга олинди. Бу филмда Эва ролини машҳур Мадонна ижро этди. Эвитани “Аргентина Мадоннаси“ деб аташарди. Балки, оддийгина қишлоқ қизи бўлган Эвита шаҳарга бир пайтлар ана шу мақсадда келгандир? Агар шундай бўлса, у ўз орзусига эришди.

“ТЕМИР ХОНИМ”
ёки дунёнинг кучли аёли

Дунёга “Темир хоним” номи билан машҳур Буюк Британия сиёсатчиси, собиқ бош вазир Маргарет Тетчернинг оилавий ва иш фаолияти қандай кечганди? У қандай қилиб бу номга сазовор бўлди? У ўзи аслида ким эди?

Маргарет Хилда Робертс 1925 йил, 13 октябрда Англиянинг унчалик катта бўлмаган Грантем шаҳарчасидаги дўкондор оиласида дунёга келди. Унинг отаси Алфред Робертс тижорат одами бўлишига қарамай, тинимсиз изланарди. Билимга ташналик, ижтимоий ҳаётга, сиёсатга, дунё воқеаларига қизиқиш унда ниҳоятда кучли бўлган. 1943 йилдаги сайлов жараёнларида фаол қатнашган Алфред Робертс Грантем шаҳри ҳокими лавозимига сайланади. Ҳали 18 ёшга ҳам тўлмаган Маргарет отасининг ёнига кирди. Унга ҳамдард, ҳамфикр бўлди ва ўз қонида сиёсатга ташналик ҳисси жуда барвақт англаб етди. Отаси уни интизомли, билимдон, бир сўзли ва қатъий фикрли қилиб тарбиялади.

Маргарет Оксфорт университетининг нуфузли коллежларидан бирида кимё фани бўйича таҳсил олди. Одатдагидек у яхши ўқиди, бироқ уни химиядан ҳам кўпроқ Оксфорт университетидаги консерваторлар ассоциациясининг фаолияти қизиқтирарди. Кўпчилик талабалар лейбористларга хайрихоҳ эмасдилар. Бу ҳол ёш қиз қалбидаги курашчанлик туйғуларининг янада алангаланишига туртки бўлди. Кун сайин унинг тушунчалари ойдинлашиб, дунёқараши кенгая борди.

Отаси ҳамиша қизига: “Ўзгалар устидан ҳукм чиқариш учун инсон энг аввало ўз ватанига, халқига, оиласига, эътиқодига содиқ бўлиши керак”лигини уқтирарди. Кейинчалик Маргарет Тетчер: “Мен ижтимоий ва сиёсий

ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, ҳаммасига қаттиққўл ва талабчан отамнинг шарофати билан эришдим" дея тан олади.

Маргаретнинг ҳаётида муҳим ўрин тутган яна бир омил — машҳур иқтисодчи Фон Хаекнинг "Қулликка қарши йўл" деб номланган китоби эди. Бу китобда олим биринчилардан бўлиб давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда тутган ўрни, унинг ҳар қандай шароитда инсон фаровонлиги ва мамлакат тараққиёти учун хизмат қилиши кераклигини таҳлил қилиб берган эди.

Университетни тамомлагач, Маргарет пластмасса ишлаб чиқарувчи фирмада ишлай бошлади. Бироқ сиёсий ҳаётга интилиш туйғуси унга сира тинчлик бермасди. У бўлажак парламент сайловларида ўз кучини синаб кўришга қарор қилди. Шу сабабдан ишдан қўли бўшади дегунча сайловчилар ҳузурига ошиқарди.

1948 йилдаги партия конференцияларининг бирида Маргарет Робертс бизнесмен Денис Тетчер билан танишиб қолади. Конференция тугагач, Денис ёқимтой қизни ўзининг "Ягуари"да шаҳарга олиб бориб қўйишни таклиф қилди. Йўлда Робертс биринчи хотини билан ажрашгани, унинг исми ҳам Маргарет бўлганини сўзлаб берди. Бу ҳодиса фақат бир марта эмас, улар турмуш қургунларига қадар яна бир сайлов жараёни айланиб келгунча такрорланди... 1951 йилнинг 13 декабрида уларнинг тўйи бўлиб ўтди. Энди мисс Робертс миссис Маргарет Тетчерга айланди.

1950-1951 йиллар Маргарет ҳаётида ниҳоятда қизғин кураш даври бўлди. У бу вақтда муваффақиятга эришгани йўқ, бироқ жуда катта тажриба тўплашга муваффақ бўлди. Ана шундай пайтларда бўлажак бош вазирга отасининг: "Сен партияни шунчаки бошқаришга эмас, балки уни ўз ғояларинг билан суғоришга ҳаракат қил. Чунки қироллар ва қироличалар ҳам дунёга устун бўлмаган.

Тарих бамисоли тегирмон тоши. Айланиб тураверади. Бироқ озодликни асраб қолиш ва уни келгуси асрларга софлигича инъом этмоқ ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келавермайди" деган ўгитлари далда берди.

Денис Тетчер Маргаретга жуда муносиб умр йўлдош бўлди. У хотинидан ўн ёш катта эди. Шунинг учунми, Денис хотинининг барча интилишлари, дунёқараши ва мақсадларини қадрларди. Унинг ўзи ҳам консерваторлар партиясига Маргаретдан анча илгарироқ аъзо бўлган эди. Эрининг ёрдами билан Маргарет моддий қийинчиликлардан батамом халос бўлди. 1953 йили Тетчерлар қўшалоқ фарзанд кўришди. Бир-биридан ширин Марк ва Кэролларнинг онаси энди нима қилишини билмай боши қотди. Ана шундай қийин пайтда Денис ёрдамга келди. У Маргаретга ўқишини давом эттириб болалигидан орзу қилган мутахассислик – солиқ юристи бўлишига кўмаклашди.

1959 йили орзиқиб кутилган кунлар келди. Маргарет Тетчер Британия парламентининг аъзоси этиб сайланди. Икки йилдан сўнг Нафақа ва суғурта ишлари вазирлигига таклиф қилинди. Кейин Маориф вазирлигига ишга ўтди. Булар бўлажак ислоҳотчининг жуда бой ва кенг қиррали тажриба тўплашига ёрдам берди.

Маргарет Тетчер сиёсатга шунчаки ишқибоз эмас, содиқ ва изланувчан инсон сифатида консерваторлар орасида зинама-зина обрў қозона борди. 1975 йили ўтказилган сайловларда Маргарет Тетчер консерваторлар партиясининг етакчиси ва Британия аёллари ичида биринчи бўлиб бош вазир даражасига кўтарилди. Тетчерлар Лондондаги Даунинг-стрит кўчасида жойлашган 10-уйга – бош вазир қароргоҳига кўчиб ўтдилар. Бош вазир мамлакатда кучли ва барқарор сиёсат ўрнатиш, дунё мамлакатларининг талаб ва эҳтиёжларини қондира оладиган мукаммал саноатни ривожлантириш ҳамда халқ-

нинг билим даражасини юксалтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Тетчер даврида сиёсий жараёнлар адолатли бўлди, илмий-техника юксалиши рўй берди.

М. Тетчер амалга оширган ислоҳотлар халқаро майдонда ўчмас из қолдирди: оилада, жамиятда, хизмат вазифасида ҳам барчага ибрат бўла олди. Шу сабабдан ҳам "Дунёнинг энг кучли аёли" деган номга сазовор бўлди ва халқ томонидан берилган бу унвонни оқлади.

1983 ва 1987-йиллардаги сайловлар Тетчерни бош вазирликдан кетказа олмади. У кўпинча вазирларга "Аёл киши эканлигимни унутинг" дея таъкидларди. Бироқ унинг аёллигини, боз устига "Темир хоним" эканлигини ҳеч ким унутмади.

1990 йили Маргарет Тетчер Даунинг-стритдаги 10-уйни Жон Мейжорга бўшатиб берди. Тетчерни ўз қабулига чақирган Елизавета II "Тетчер бошқарган Британия дунёда катта нуфузга эга бўлди", деган эди. Сиёсатчилар у бошқарган 80-йилларни "Британча қайта қуриш даври" деб атайдилар. Унга яна қандай нисбатлар берилишидан қатъи назар, у тарихда XX асрнинг энг ёрқин сиймоларидан бири бўлиб қолди.

СИРЛИ ЎЛИМНИНГ ЖУМБОҒИ...

Замондошлари томонидан “Асрнинг энг машҳур аёли” дея эъзозланган Мэрилин Монро ҳақида юзлаб китоблар чоп этилган. Монро санъаткор сифатида ўзини тўла намоён этишга улгурмаган бўлса-да, дастлабки қадамлариданоқ мухлислар таҳсинига сазовор бўлганди. Истеъдодли санъаткор ноёб ҳусн-латофат соҳибаси эди. Унга жуда кўп эркаклар, жумладан, машҳур кишилар ҳам ошиқ бўлишган. Монро ўлимидан сўнг ёзилган китобларда муаллифлар асосий эътиборни унинг ака-ука Кеннедилар, Артур Миллер, Ив Монтан сингари таниқли сиймолар билан хушторлик муносабатларига қаратгандилар. Фақат инглиз тадқиқотчиси Доналд Волфнинг китоби бундан мустаснодир. Волфнинг асосий мақсади Мэрилин Монро ўз жонига қасд қилганми ёхуд атайин ўлдирилганми, деган саволга жавоб топиш эди.

Охир-оқибат муаллиф Монро ўлдирилган деган хулосага келган. Қуйида ўша китобдан айрим маълумотларни келтирамиз.

Норма Жин (Мэрилин Монро) 1926 йилнинг 1 июнида таваллуд топган. Онаси Гэдис Монро Грейнмер Ҳолливуд кинолабораториясида хизмат қилган. Отаси Гиффорд ҳам шу лабораторияда ишлаган. Улар турмуш қуришмаган.

Норманинг болалик йиллари жуда машаққатли кечди. У аввалига руҳий касал бувисиникида, сўнг эса қўшнисиникида яшади. Шу орада унинг онаси Жаспер Бейкер исмли бир эркак билан турмуш қуради. Ўгай отанинг Нормага муносабати яхши эмас эди. Шу сабаб уни Лос-Анжелесдаги етимхонага топширишади.

Бўлажак актриса етимхонада икки йил яшайди. У 16 ёшида самолётсозлик заводида ишловчи Жим Догерти исмли йигитга турмушга чиқади. 1943 йилда эри кўнгилли сифатида ҳарбий денгиз флотига ишга ўтгани са-

бабли уларнинг муносабатлари барҳам топади. 1945 йилнинг ёзидан Норма Жин фотомоделчи бўлиб ишлай бошлайди. Бунинг учун у ойига 10 доллардан ҳақ оларди. 1946 йилдан бошлаб кино оламига қадам қўйган малласоч Норма Жин Мэрилин Монро номини олди. "Жазда фақат қизлар" филмидаги муваффақиятидан сўнг шу исм билан бутун дунёга танилди. Президент Жон Кеннеди таваллуд кунига бағишланиб ўтказилган катта концертда куйлаган "Happy Birthday, Mister President" қўшиғи эса уни янада машҳур қилиб юборди.

"Ҳолливуд тимсоли, дилбар Мэрилин Монро якшанба куни фожиали тарзда ҳаётдан кўз юмди. У эндигина 36 баҳорни қаршилаган эди. Унинг жонсиз танасини ётоқхонасидан топишган. Эҳтимол, ўз жонига қасд қилгандир? У телефон гўшагини ушлаган ҳолда жон берган. Ўриндиқдан эса уйқу дориси солинган бўш шишача топилган". Assosiated Press ахборот агентлигининг 1962 йил, 5 августда Мэрилин Монро вафоти ҳақида тарқатган дастлабки хабари мазмуни мана шундай эди.

Волф ўз текширувини Монронинг 36 йиллик ҳаёти давомида юз берган воқеалар асосида олиб борди. У содир бўлган ҳалокатнинг ҳаққонийлигини билиш мақсадида барча гувоҳлар билан суҳбатлашди. Монро ҳақида ўзигача ёзилган ҳамма китобларни синчиклаб мутолаа қилди, ҳатто федерал текширув бюроси ва марказий разведка бошқармаси ихтиёридаги фойдаланиш мумкин бўлган далилларни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Муаллиф ўз ҳикоясини қуйидагича бошлайди: "1962 йилнинг 5 августга ўтар кечаси, Брентвуддаги (Лос-Анжелеснинг киборлар яшайдиган қисми) Елена кўчасида жойлашган 12305-уйда хизматкор бўлиб ишловчи Юнис Меррей хоним тахминан қоқ ярим тунда уйғониб, ҳожатхонага йўл олади. У уй соҳибаси Мэрилин Монро ётоқхонаси ёнидан ўтаётиб, ётоқхона эшиги тагида чи-

роқ нурини кўриб қолади. Унинг хаёлига чироқ ўчирилмай қолипти деган фикр келади ва эшикни оҳиста тақиллатади. Бироқ ҳеч қандай жавоб бўлмайди. Эшик ичкаридан қулфланган эди. Бундан ташвиш тортган хизматкор дарҳол Монронинг шахсий шифокори – психолог Гринсонга телефон қилади. Врач уларга яқин жойда яшарди. Шу боис у ярим соат ўтар-ўтмас Монро уйига етиб келади. У ҳам ётоқхона эшигини тақиллатиб кўради. Жавоб ололмагач, ҳовлига чиқиб, ётоқхона деразасидан мўралайди. Мэрилин ўрнида қимир этмай ётар эди. Бундан хавотирланган Гринсон дераза ойнасини синдириб, ичкарига ошиб тушади. Сўнг эшикни очади. У ётоқхонага кирган аёлга “Биз ундан жудо бўлибмиз”, дейди. Кейин Гринсон Монронинг шахсий жарроҳи Энгелбергга қўнғироқ қилиб, ундан тезда етиб келишини сўрайди. Бу шифокор ҳам бирпасда келади. Шифокорлар бир неча соатни ўзаро суҳбатда ўтказадилар. Суҳбат орасида хизматкорни чақириб, синган ойна ўрнига янгисини қўйишни буюришади. Улар юз берган фалокат ҳақида полицияга эрталаб тўрт яримдагина қўнғироқ қилишади.

Монронинг уйига биринчи келган полициячи Жек Клеммонс эди. Мана шу сержант Мэрилин Монро ўлимига дахлдор қатор жумбоқ ва ноаниқликлар мавжудлигига биринчи бор эътиборни жалб қилган. Булар унга гувоҳлар билан суҳбатлашиш ва ўлим содир бўлган жой билан танишиш пайтида маълум бўлган. Кундузи сержантнинг хизмат муддати тугаб, унинг ўрнига бошқа полициячи келган. Бу вақтда Монронинг уйи оммавий ахборот воситалари ходимлари қуршовида қолганди.

Мэрилин Монро ўлими қай тарзда содир бўлганини Ж.Клеммонсдан кейин полициячилар, врачлар, журналистлар ва ҳатто оддий ишқибозлар ҳам текширганлар. Бу текширувлар туфайли жумбоқлар кўпайса-кўпайганки, асло камайган эмас. Улардан айримларини келти-

риб ўтсак: Юнис Меррей ётоқхона эшиги тагида чироқ нурини кўриши мумкин эмасди. Монро ҳалокатдан бир неча кун аввал ётоқхона полига тўшалган қалин гилам эшик тагини буткул ёпиб турарди. Меррей 1975 йилда нашр қилдирган китобида: "Балиқ буржида туғилганим учун телепатик қобилиятга эгаман, шу боис мен нурни кўрмаган бўлсам-да, хонада чироқ ёниқ турганини сезганман", деб ёзганди. Аммо уй режасидан шу нарса аниқ маълумки, Меррей ҳожатхона томонга уй бекасининг ётоқхонаси ёнидан умуман ўта олмас эди. Яна бир ноаниқ ҳодиса: Шифокорлар Мэрилинни қутқариб қолиш учун бирон бир ҳаракат қилишмаган. Уларнинг юз берган ҳалокат ҳақида полицияга қарийб тўрт соатдан кейин маълум қилишгани сабаби эса мавҳумлигича қолган. Шифокорлар биз суҳбатлашганмиз, дейишган, лекин суҳбат мазмунини ошкор қилишдан бош тортганлар.

Расмий маълумотларда айтилишича, Мэрилин 50 дона уйқу дорисини ютган. Аммо шунча таблеткани сувсиз ютиш амалда мумкин эмас. Ҳалокат содир бўлган жойдан сув ичадиган идиш топилмаган. Ваннахонада ҳам сув йўқ эди. Уйда таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани туфайли сув беркитиб қўйилганди.

Мэрилиннинг ўлими олдидан телефонда ким билан гаплашгани ҳам номаълум бўлган. Телефон станцияси томонидан ёзиб олинган суҳбат матнлари мусодара қилинган. Бу ишни мансабдор шахслар бажаришган экан.

Жасаднинг кўриниши шубҳали:Монро юзи ўриндиққа туташ ҳолатда ётар, оёқлари узатилган, ёнма-ён қўйилган.Қўллари ҳам икки ёнбошига ёпишиб турарди. Одатда, кўп ичилган уйқу дорици бошқача манзара пайдо қилади. Бутун гавда дори таъсирида чангак бўлиб қолади. Шифокорлар гавда ҳолатини ўзгартирган эмасмиз, дейишган. Бундан ташқари, кўп миқдордаги уйқу дорици одамни қустиради. Монрода бундай ҳолат кузатилмаган.

Текширув чоғида ҳам кўпгина ажабтовур ишлар содир бўлган. Токсикология лабораториясида Монро меъдасидан олинган суюқлик йўқолган. Айрим гувоҳлар кўрсатма бериш учун умуман чақирилмаган. Гувоҳлик кўрсатмалари ёзилган бир қанча варақлар гумдон қилинган. Энг муҳим ашёвий далил – Монро кундалиги ҳам изсиз кетган. "Ўлим китоби" деб номланган бу кундалик, айрим манбалардан маълум бўлишича, ҳозир Лос-Анжелес полицияси уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг махфий архивида сақланар экан. Кундалик билан танишганларнинг айтишича, унда Монро билан Роберт Кеннеди ўртасида турли мавзуларда бўлиб ўтган суҳбатларга доир ёзувлар сақланган.

Китоб муаллифи Волфнинг фикрича, Мэрилин Монро ўлими шундай содир бўлган. Компютер техникаси ёрдамида ўтказилган янги токсикологик ташхис хулосаси шуни тасдиқладики, ўлимга олиб келган миқдордаги уйқу дорини Мэрилин танасига вена орқали юборилган, у ҳеч қандай таблетка ютган эмас.

Мэрилин Монро 4 август куни кечқурун телефонда Хосе Боланос билан гаплашган. Телефон бирдан узилиб қолган. Сўнгра ярим соат ўтар-ўтмас, у Питер Лоуфорд билан сўзлашган. Бу унинг ҳаётидаги сўнгги қўнғироғи эди. Сўзлашув чоғида Монро ҳушидан кетган ва телефон гўшаги унинг қўлида қолган. Мана шу икки сўзлашув оралиғидаги ярим соатлик фурсатда унга укол қилишган. Бу пайтда Монро ётоқхонасида Роберт Кеннеди бўлган. Улар жанжаллашиб қолишган. Роберт ундан ниманидир талаб қилган, бунинг эвазига пул ҳам бермоқчи бўлган. Бироқ Мэрилин унинг талабини рад этган. Робертдан дарҳол кетишини, уни буткул унутишини сўраган. Жанжалдан сўнг Р.Кеннеди уйни тарк этган. Мэрилин Монро эса тиббий ёрдамга муҳтож ҳолатда қолаверган...

Бу сирли ўлим хусусида Доналд Волф шундай тах-

миний хулосага келади. Монро ўлимидан ярим соат олдин киноюлдуз уйига АҚШ президенти Жон Кеннедининг укаси Роберт Кеннеди келган. Унга икки эркак ҳамроҳлик қилган. Хавфсизлик хизмати соқчилари бўлган бу кимсалар Р.Кеннедининг қўриқчи соқчилари эди. Мэрилин Монро томирига ўлим дорисини мана шу соқчилар юборишган. Бироқ афсуски, уларнинг исм-фамилиясини Д.Волф ҳам аниқлай олмаган. Бу сирли ўлим ана шундай якун топади.

ГАНДИЛАРНИНГ ФОЖИАВИЙ ТАҚДИРИ

Индира Ганди Ҳиндистон тарихида ўз мамлакатини узоқ йиллар бошқарган биринчи аёл сиймосида қолди. Ақлли ва ҳаракатчан сиёсатчи сифатида иш юритиб мамлакатнинг халқаро обрўсини ошириш учун кўпгина ишлар қилди. Ҳар қанақа ҳарбий блокларга қўшилмаслик Ҳаракатининг асосий раҳбарларидан бири бўлди. Унинг номи нафақат ўз ватанида балки бутун дунёда ҳурмат билан тилга олинади.

Бой бобосининг "Қувончлар монастири" уйида қизалоқ дунёга келди. Бу муқаддас жойга ушбу маскан бунёд этилганди. Шунинг шарафига чақалоққа "Мамлакат ойи" - Индира номи берилди.

Икки ёшида қизча "миллат отаси" Махамат Ганди билан танишди. Саккиз ёшида унинг маслаҳати билан жонажон шаҳрида уйда тикувчиликни ривожлантириш учун болалар иттифоқи ташкил этилди. Ушбу иттифоқ аъзолари қўпол материаллардан дастрўмолчалар ва қалпоқчалар тика бошлашди. Саккиз ёшли Индира шу ёш болалар орасида ўзини ташкилотчилик қобилиятини намоён эта бошлади.

Нерунинг қизи яхши устозлар қўлида тарбияланиб илм олди. Отаси доимий бандлиги ва қамалишларига қарамай Индирага бор меҳрини ва илмини беришга ҳаракат қилди. Чунки у ўғлини шундай тарбияламоқчи эди. Афсуски, у эрта вафот этиб кетганди. 1934 йили Индира машҳур шоир Рабиндранат Таҳур ташкил этган халқ университетига кирди. Тўсатдан онасининг ўпка касали хуруж қилиб қолди. Индира ўқишни тўхтатиб онаси Камолани Швейцарияга олиб боришга мажбур бўлди. Қизча Европада узоқ қолиб кетди.

1936 йил онаси вафотидан сўнг Индира якка ўзи қол-

ди. Ҳиндистонга қайтишни ҳам билмай боши қотди. Чунки “Қувончлар монастири” энди йўқ. Отаси қамоқда ётган бўлса, бобоси ва бувиси вафот этиб кетишганди. Ана шундай оғир вазиятларда унинг ёнида бир киши бор эди. У Индира ҳаётига аллақачонлар шерик бўлганди. Онаси вафот этганда ёрдамлашганди. У қачонлардир Жавоҳарлал билан дўстлашиб унинг топшириқларини бажариб юрарди. У оиланинг алмаштириб бўлмас аъзосига айланганди. Бу инсон Феруз Ганди (Махатма Гандининг фамилиядоши) эди. У Индиранинг муҳаббат қийноқларидан қийналмаслигига ёрдам бериб келди. Камола тириклик вақтида бу икки ёшга оқ фотиҳа берганди. Бироқ ўзига муносиб оила бўлмаса бахтли турмуш бўлолмаслигини у яхши тушунарди. Буни Индира ҳам биларди. Шунинг учун Феруз ўқийдиган Оксфорд университетига ўқишга кирди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Ҳар иккала ёш Атлантика ва Жанубий Африка орқали айланма йўллар билан уйларига йўл олишди. Кейптаунда кўпгина ҳиндистонликлар жойлашиб олишганди. Таниқли сиёсатчи Нерунинг қизини у ерда катта қизиқиш билан кутиб олишди. Таҳликали, оғир йиллар эди. Индирадан ақлли, салмоқли фикр кутишарди. Африка четида Индира биринчи маротаба сиёсий нутқ сўзлади. Уларни Ҳиндистонда унчалик яхши қабул қилишмади. Жавоҳарлал Неру ҳинд халқининг фахри бўлиб қолганди. 1944 йили Раджив, икки йилдан сўнг укаси туғилди.

Неру қизи ҳозирча ўз шахсий ҳаётини йўлга қўйди. Бу даврда мамлакатда катта ўзгаришлар содир этилди. 1947 йил, 15 августда Ҳиндистон ўз мустақиллигига эришди. Жавоҳарлал илк бор миллий ҳокимиятни тузди.

Индира отасининг шахсий секретари, алмаштириб бўлмас маслаҳатчиси бўлди. Неруни барча хорижий давлатларга кузатиб қўйишда қатнашди. Отасининг хори-

жий сафардалик чоғида мамлакат ичкарисида тинчликни сақлаб турди. Индира икки вазифани бажардим деб ўйлади. Эрига унчалик қараёлмади. 1960 йили сентябр ойида расмий ташриф билан Жанубий штатларда бўлди. Раҳбарият ва иш ташловчилар билан ўзаро тил топиша олди. Аэродромда Индирани отасининг ёрдамчиси кутиб олиб Ферузнинг оғир юрак хуружи билан касалланганини айтди. Тун бўйи жон бераётган эри олдида бўлди. Ферузнинг кутилмаган ўлимидан сўнг Индира қаттиқ асабий ҳолатга тушди.

1964 йили отаси – Жавоҳарлал Неру вафот этди. Ҳокимият учун аёвсиз кураш бошланди. Аксарият одамлар Индира Ганди бош вазирлик лавозимига номзодини қўяди деб ўйлашганди. Бироқ Индира ундай йўл тутмади. Бу унинг оиласи обрўсига путур етказишни тушуниб етди ва Неру сиёсати тарафдори ёши улуғ Шастрига овоз берди. Албатта Шастри унчалик катта обрў-эътиборга эга эмасди. Аммо Индира Ганди у туфайли ўз мавқеини мустаҳкамлаб олиши мумкин эди. Унинг ўйлаганлари тўғри чиқди. Шастрининг бу тутган йўли Неру қизига омад келтирди. Қирқ саккиз ёшли хушбичим, истараси иссиқ, юзида кулгичи бор Индира Ганди мамлакатда энг юқори лавозимни эгаллади. Индира Гандининг мамлакатни бошқаруви силлиқ кечгани йўқ. Индиранинг 12 йиллик бошқаришида кучли рақобат шаклланганди. Бу эса халқни бош вазирга нисбатан норози кайфиятга чоғлаб бўлганди. Навбатдаги 1977 йилги сайлов ўзгармайдиган Индира Гандига нисбатан аксарият инсонларни ҳайрон қолдирди. Кексайганига қарамай, қаттиқ характер, қатъиятли Неру қизини тарк этмади. У сиёсий ҳар бир қадамини мустаҳкамлаб борди. Индира Ганди аввало, янги партия – Ҳиндистон миллий конгресс, иккинчидан, ўзича яшаб туриб, хоҳловчилар учун меҳмонхона уйи очади. Мамлакатда жамоа анъаналари қат-

тиқ назорат қилинади. Айниқса, гуру – ўқитувчисига ниҳоятда ҳурмат билан қарашади. Бу эса ғалабага бир қадам эди. Уч йилдан кейин Ганди яна ҳокимиятга қайтиш учун ана шундай қилди. Ҳаётлигида мансабни қўлдан бермаслик учун шу йўлни тутди.

Индира 1980 йилнинг бошларида бир қанча диний ва этник можаролар билан тўқнаш келди. Террорчилар гуруҳи бошлиғи ўз тарафдори билан синх дини муқаддас жойининг асосий бир қисм – Олтин Храм ва Амритсарини эгаллаб олишди.

1984 йили июн ойида Индира Ганди Олтин Храмни олиш учун армияга буйруқ берди. Тўқнашувда террорчилар гуруҳи раҳбарлари билан биргаликда мингга яқин одам ҳалок бўлди.

Индира шундан кейин унинг ҳаёти хавф остида эканлигини тушуниб етди. 31 октябр куни бош вазирнинг таниқли англия ёзувчиси, драматург ва актёр Питер Устинов билан телемулоқот режалаштирилганди. Бу учрашувни Индира Ганди бажонидил қабул қилди. Телеэкранга яхшироқ кўриниш учун узоқ вақт кийим танлади. Ўша куни экранда тўлароқ кўринмаслик учун ўқ ўтқизмайдиган кийимини ечиб ташлади. Унинг бу узоқни ўйламаган фикри унга охирги марта панд берди.

Индира сикхам қоровули билан кулиб сўрашди. Улардан бири Беант Сингх пистолетни олиб бош вазирга қарата уч марта ўқ узди. Бошқа бир сотқин Сатвант Синх автоматдан ўт очди... Шундай қилиб енгилмас, шаддод, мард Индира Ганди фожиали равишда ўлдирилди.

Бош вазир ва Конгресс раҳбарлигини унинг ўғли Раджив Ганди эгаллади. Бироқ Раджив Ганди бу вазифада узоқ ўтирмади. У ҳам террористлар томонидан ўлдирилди.

УЧ АСР ҚИРОЛИЧАСИ

Қиролича Елизавета Бауз-Лион 1900 йили 4 августда лорд Глэмис оиласида тўққизинчи фарзанд бўлиб дунёга келади. Қироличанинг болалик йиллари Хартфордшир графлигида ўтади. Қиролича яқинларининг айтишича, Елизавета ниҳоятда ёқимтой қиз бўлган. Ўсмирлик пайтларида ҳам Елизавета ўта соҳибжамол бўлганлиги учун суратчи мухбирлар доимо унинг атрофида парвона бўлишар эди.

Ўз вақтида гўзал Елизаветага қирол Георг Vнинг иккинчи ўғли шаҳзода Алберт ошиқ бўлган. Аммо "тошюрак" қиролича унга рад жавобини беради.

Айтиб ўтиш жоизки, шаҳзода Албертнинг Елизаветага бўлган муҳаббати шу даражада кучли эдики, гарчи рад жавобини олган бўлса-да, у севгилисидан воз кечмади. Ва ниҳоят 1923 йилнинг апрел ойида икки қалб бирлашди. Айни шу никоҳ туфайли Елизавета Йорк герцогиняси унвонига сазовор бўлади. Алберт билан Елизаветанинг чексиз муҳаббати тимсоли икки фарзанд – Елизавета ҳамда Маргаретлар дунёга келади.

1936 йили қирол Георг V вафот этгач, тахтга Албертнинг акаси Эдвард ўтиради. Аммо Эдвард бор-йўғи бир неча ой бу тахтни бошқарди. Аммо Эдвард маҳбубаси – америкалик Уоллис Симпсон туфайли тахтдан воз кечишга мажбур бўлади. Ана шундан сўнг тахтга ягона ворис сифатида Алберт ўтиради.

"Маликалар менсиз ҳеч қаёққа кетишмайди, мен қиролсиз ҳеч қаёққа кетмайман. Қирол эса Англияни тарк этмагай" – Иккинчи жаҳон уруши пайтида қиролича Елизаветанинг бу машҳур сўзлари уни Британия халқи учун чинакам садоқат ва ватанпарварлик тимсолига айлантирди.

Британияликлар Елизаветани ниҳоятда севар эди.

Бунга унинг қиролича эканлиги эмас, балки Англияга ўта садоқатли бўлганлиги сабаб эди. 1952 йили қиролича монархлик ваколатини қизи Елизаветага топширади.

Ҳаётнинг Елизаветага бўлган муҳаббатини қарангки, қиролича учинчи минг йилликни кўришга муваффақ бўлди. Гарчи турмуш ўртоғи Албертнинг ўлими кенжа қизининг вафоти Елизаветани буткул адойи тамом қилган бўлса-да, қиролича узоқ яшади. Уни бутун Британиянинг чексиз муҳаббати суяб турган бўлиши ҳам мумкин... Уч аср қироличаси Елизавета 102 ёшида ҳаётдан кўз юмди. У Буюк Британия тарихига суюкли ва азиз инсонлардан бири бўлиб кирди.

МЕҲР-ШАФҚАТ МАЛИКАСИ

1910 йилнинг 27 августида Македониянинг Скопйе шаҳрида, албан католиклари Никола ва Драна Божаксуалар оиласида учинчи фарзанд дунёга келди. Қизалоққа Агнес Божаксуа деб исм қўйдилар.

Агнеснинг ота-онасида муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш қай даражада шаклланган бўлса, қизалоқ ҳам шу тариқа улғайди. Шу билан бирга Агнес католик динида яратганнинг бандалари бир-бирларига ёрдам бериб юриши кераклиги хусусида ўз тушунчаларини бир қадар бойитиб борди.

Агнес 18 ёшида роҳиба бўлиш даражасига етиб қолаёзди. У Жанубий Ҳиндистонда миссионер роҳибалар Лорето ташкилотида ишлаш истагини билдиради. Чунки амалдаги тартиб-қоидага мувофиқ бу ташкилотга аъзо бўлганлар оила қуриш, фарзанд кўриш, ўзининг маьлум қобилиятларини намоён этишдан маҳрум қилинарди.

Дастлаб у Ирландия – Дублинга, Лорето Аббей ташкилотига учади. У ерда янги роҳибалар Ҳиндистонда мактаб болаларига ўргатишлари керак бўлган инглиз тилида гапириш билан бирга ўзларини қатьий тўсиқлар ичидаги ҳаётга тайёрлашарди. Мана шу ерда Агнесни Мэри Тереза яъни роҳибаларга хос исм билан атай бошлайдилар. Бир йиллик таҳсил тугагач, 1929 йилнинг январида роҳиба Тереза Ҳиндистонга келади ва тезда ўзини фақирона ҳаёт қучоғига отиб, итоатни ҳаёти шиорига айлантиради. Мэри Тереза тиббий клиникаларда ҳамшираларга ёрдам бериш орқали беморларга, ўлим тўшагида ётганларга ҳаёт бағишларди. Унинг савоб ишлари Калкуттадаги Лорето ибодатхона мактабида давом этди.

Она Тереза эзгу ишларни қанча кўп амалга оширмасин, барибир бундан кўнгли тўлмасди. Атрофида унинг ёрдамига муҳтож камбағаллар сон-саноқсиз.У нима

мақсадда Ҳиндистонга келди-ю, ҳозир нима билан банд?

Мана шу саволлар уни исканжага олар, кечаю кундуз ғариблар кўнглини овлаш ҳақида қайғурарди. Шу билан бирга Тереза хоним яратганга сиғиниб ибодат қилишни канда қилмасди. Тўққиз йил ўтгач, Она Терезага ибодатхона мактабидан кетиш буюрилди. Бутун умрини роҳибаликка ўтказишга қасамёд қилган Тереза Лорето ташкилотидан кетишга рухсат сўради. Лекин ташкилот маъмурияти унинг бу ерни тарк этишни истамайди. Чунки улар Она Терезанинг ибодатхона деворлари орқасида ночорларга ёрдам беришга ишонмагандилар. Шунга қарамай, унинг талаби қондирилди ва 1948 йил 6 августда у ибодатхона мактабидан бутунлай бош олиб чиқиб кетди.

Тереза Ҳиндистонинг Патна шаҳридан кўним топди. Ишни нимадан бошлаш керак? Бир куни таваккал қилиб камбағаллар орасига кирди. Бироздан кейин бир қанча болалар унинг ортидан эргашдилар. Шунда у дарахт тагига ўтириб, тупроққа бенгал алифбосини ёза бошлади. Шу тариқа у бир тўда болалар қуршовида қолган эди. Роҳиба билан улар ўртасида илиқ бир муносабат шаклланди. Ҳовли-мактабдаги машғулотларга камбағал оилаларнинг фарзандлари ёпирилиб келадилар. Кўп ўтмай, Мэри Терезанинг атрофида бева-бечораларнинг қўллаб-қувватловчи маҳаллий аҳолининг ўзига тўқ вакиллари ҳам пайдо бўла бошлайди. Она Терезанинг илк ёрдамчиси Лорето ибодатхонасининг талабларидан бири Субҳасини дас эди. Унга яна 12 ҳамшира қўшилди ва уларга раҳбарлик қилди.

1952 йил Она Тереза етим-есирларга кўмак беришнинг бошқа йўлларини ҳам топишга муваффақ бўлди. Чунки у ёрдам бераётган камбағалларнинг кўпчилиги Калкутта кўчаларида ўз ўлимларини кутиб ётишарди. Она Терезага шаҳар маъмурияти ҳиндлар ибодатхона-

синининг орқа тарафидаги хоналарни ночор аҳволдаги беморларга бошпана сифатида фойдаланишга рухсат берди. Бир вақтнинг ўзида 120 нафар кишига ёрдам кўрсата олган бу маскан “Нирмал Храйди” (“Соф, пок юрак даргоҳи”) номи билан донг таратди. У ўғил болаларга таълимни йўлга қўйди. Қизларни турмушга тайёрлаш жараёнига олиб кирди. У росмана меҳр-шафқат дунёсининг асосчисига айланиб улгурганди.

Меҳр-шафқат миссионерлари мохов одамларнинг ҳунар эгаллаб, ўзларини боқишлари учун “Шанти Нагор”лари учун клиникалар очдилар. Даволанишга келолмайдиганлар учун эса меҳрибон аёл дориларга тўла аравани кўча бўйлаб судраб, уларга етказарди. Дунёнинг барча бурчакларида бу аёлнинг ўзига ҳомийлик қилувчилар ҳам кўпайгандан кўпаяди.

У нафақат Ҳиндистонда, балки Венесуэла, Италия, Танзания, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари ва дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам етимларга ёрдам бериш уйларини очди. 1990 йилга келиб 95 та мамлакатда 430га яқин нажот уйларини очишга эришган эди. Жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар Она Терезани буюк ишлари учун мукофотлашга қарор қилди. Шу йили унга Нобел Тинчлик мукофоти берилди. Мукофот билан бирга унга 190.000 доллар миқдорида маблағ ҳам топширилди.

Она Тереза умрининг охиригача яъни, 1997 йил 5 сентябрга қадар қалбига қулоқ тутди. У билан видолашув ҳар қандай юракни ўртаб, ларзага солгани рост. Муҳтожлар кўнглини овлаб, эзгу амалларнинг ижрочисига айланган Тереза ана шундай сийловга муносиб сиймо эди.

ОПЕРА ҚЎШИҚЧИСИ — МАРИЯ КАЛЛАС

Опера санъатини юқори чўққиларга олиб чиққанлардан бири Мария Калласдир. Унинг асл исми Сесилия София Анна Мария Калогеропулос бўлиб, 1923 йилнинг 2 декабрида Ню-Йорк шаҳрида туғилган. Америкаликлар уни Мария Каллас деб аташарди. Уч ёшидан классик қўшиқларга меҳр қўйди. Кейинчалик уятчан қизалоқни ёлғизликдан қутқарадиган бирдан-бир овунчоқ мусиқа бўлиб қолди...

Мария ўн уч ёшида Чикагода ёшлар ўртасида ўтказилган телешоуда иккинчи ўринни эгаллади. Агар у ўзига жудаям ортиқча бино қўймаганида ва ўзига хос инжиқ табиати бўлмаганида бунданда юксак марраларни эгаллаши мумкин эди. Онаси уйда доимо отаси билан жанжал қиларди. Бу эса мурғак қизнинг асаб тизимига таъсир қилмай қолмади. Айни шу пайтда онаси жанжалкашликни йиғиштириб, иккала қизини эргаштирганча Афинага жўнаб қолади. Бу ерда Марияни нуфузли Қироллик мусиқа консерваториясида ўқитиш учун барча имкониятларни ишга солишди. Онаси қизини унчалик хушламаса-да, унинг машҳур қўшиқчи бўлишини хоҳлаган. Консерваторияга 16 ёшдан қабул қилишгани боис она ёлғон ишлатишга мажбур бўлди (Мария 13 ёшда эди). Марияни консерваторияга қабул қилишди. У испаниялик машҳур операчи Элвира де Идалго бошчилигида асосий танловларда кетма-кет муваффақият қозонди.

1941 йили илк дебютини аъло даражада ижро этган Мария биринчи маротаба 65 доллар миқдорида гонорар олди. Афина консерваториясини битирган Мария 1945 йилнинг ёзида Ню-Йоркка қайтади. Унинг турмакланмаган сочлари-ю, содда, жўн кийимидан бошқа "эътиборни тортадиган" жиҳати йўқ эди. Бунинг устига, ёш

бўлишига қарамасдан, вазни 90 килограммдан ошар эди. Шунга қарамай, артистизм қобилияти кучли бўлган Каллас саҳнада ўзини қандай тутишини биларди.

Кейинчалик Марияни Ню-Йоркдаги "Метрополитен-Опера" хўжайини Эдвард Жонсон ишга таклиф қилди. У шунингдек, Италияга уюшти-риладиган гастролга доир шартномага ҳам имзо чекади ва 1947 йилнинг августида Веронада "Жоконда" операсида ўз дебютини ижро этди. Италиялик опера ихлосмандлари Калласни жуда яхши қабул қилишди. Мария Италияни ўз уйидек яхши кўриб қолди. У шу ерда ўз жуфтини топди. Саноатчи, миллионер, операнинг ҳақиқий ишқибози, ўзидан йигирма етти ёш катта Жованни Батиста Менеджини билан танишди. Бироқ бу тафовутлар Мариянинг юрагини забт этишга тўсиқ бўлмади. 1949 йил, 21 апрел куни кечки пайт улар Веронадаги кичик Муқаддас Филипп черковида никоҳдан ўтишди. Уларнинг муносабатларида самимият ва барқарорлик зоҳир эди. Икки жуфтлик гўё яхши йўлга қўйилган механизмга ўхшарди. Менеджини унга энг яқин маслаҳатчи ҳам эди. Мария яна ижодга шўнғиб кетди.

Турмушга чиқиш Мариянинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Тақдир унга шундай бахтни насиб этди. Акс ҳолда, турмушда ўз ўрнини топа олмаслиги ҳам мумкин эди. Чунки у ҳаётнинг қийинчиликларига мутлақо тайёр эмасди.

1950 йили қўшиқчи Мехикода опера мавсумини "Норма" ижроси билан очиб берди. Шу ўринда айтиш лозимки, ортиқча вазн, семириб кетиш 50-йилларнинг бошларида Мариянинг асосий муаммосига айланганди. У ҳар куни эрига мактуб ёзарди. Хатларининг бирида шундай дейди: "Мен Мексикага келган кунимданоқ беморман. Ўзимни яхши ҳис қилган бирон кунни эслолмайман. Эрталаб 8.30, лекин ҳалигача ухлолганим йўқ. Бу ерда ақлдан озиш ҳеч гапмас".

Каллас 1950 йили “Ла Скала“ (Милан)да “Аида“ни куйлади. Бу билан у яна бир бор ажойиб истеъдод соҳибаси эканлигини намойиш эта олди. Мария илк бор ўзига нисбатан адолатсизликларга, бўҳтонларга ҳам шу ерда дуч келди. Унга жуда кўп қаршиликлар бўлди. Шунга қарамасдан, 1951 йили “Ла Скала“ труппасига расмий қабул қилинди. “Life“ журнали Мариянинг истеъдодига энг юқори баҳони бериб шундай ёзганди: “Аллақачон музейлардан жой олган қўшиқларни ўрнидан қўзғатиб, қойилмақом куйласа бўларкан-ку!..“

1952 йили Каллас фаолияти давомидаги энг баланд чўққига кўтарилди. У Лондондаги Қироллик “Ковент Гарден“ операсида “Норма“ни куйлади. Шу билан бирга “сариқ матбуот“ билан ҳам курашишга тўғри келди. Ўшанда, унинг семизлигидан “кулмаган“ газета қолмаганди. Ўзини қўлга олиб парҳез тутган Мария ўн саккиз ойда ўттиз килограммга озди.

1954 йили 1 ноябрда Мария Каллас Чикагода яна “Норма“ни ижро этди. Унинг бу концерти ҳақиқий шов-шувга сабаб бўлди. Газеталар у ҳақда “Каллас ўткир овоз соҳибаси“ дея жар солишди. Аммо шунга қарамай, мунтазам асабга тегишлардан чарчаган Мария концертларини тўхтатди. Бунинг учун эса уни маломат қилишди. Ана шундай оғир вазиятларда қўшиқчи санъатни шахсий ҳаёти учун қурбон қилишга мажбур бўлди. Аччиқ ҳақиқат шу – унинг фарзанди йўқ эди. М.Каллас эрига фарзанд кўриши лозимлигини тез-тез эслатар – бу бироз бўлса-да, чарчаган асабларини тинчитишга ёрдам берар деб ўйлар эди. Мана шу кемтиклик ҳар хил гап-сўзларга сабаб бўлаётганди. Бу вақтда Менеджини 60ни қоралаб қолган, Каллас эса эндигина 30 ёшга кирган эди.

1957 йили сентябр ойида Мария Венециядаги балда жаҳондаги энг улкан пароход компаниясининг хўжайини Аристотел Онассисни илк маротаба учратди.

Врачлар Калласга денгиз ҳавосидан бахраманд бўлишини тавсия қилишганди. Бу орада Онассис Мария ва Батистани Ўрта Ер денгизи бўйлаб саёҳатга чиқишга таклиф этди. Ушбу саёҳат уларнинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборди. Онассиснинг яхтасида Мария бутунлай ўзгариб қолди. У ҳар кеча Аристотел Онассис билан рақс тушар ва тонггача унинг ёнида қолиб кетар эди...

Саёҳатдан кейин Каллас эрини ташлаб кетди ва Онассисга яқинроқ бўлиш учун Парижга кўчиб борди. У грециялик миллионернинг оиласи ва икки нафар фарзанди борлигига қараб ўтирмади. Уларнинг ишқий муносабати ошкор бўлиб қолгач, ғазаби қайнаган Афина Онассис эри билан ажрашиш учун судга мурожаат қилди. Суд иши катта можарога айланди. Ниҳоят, хотинига ўз бойлигининг бир қисмини қолдирган Аристотел "эркинликка" эришди. У Марияга уйланишга ваъда берди. Лекин бунга Мариянинг Менеджини билан никоҳи борлиги тўсқинлик қилди. Яна бир неча йиллар мобайнида Мария Онассиснинг гуллари ва қимматбаҳо совғаларига "кўмилиб" яшади. Аристотел Жованнидан фарқли ўлароқ, Мария учун пулни аямасди. Муҳаббат асирасига айланган Каллас қўшиқчилигини ҳам эсдан чиқарди. Ҳомиладор бўлганида Аристотел ҳомилани олиб ташлашга мажбур қилди. Севгилисини йўқотиб қўйишдан қўрққан Мария фарзанд кўришдан воз кечгани учун кейинчалик роса пушаймон бўлди.

Улар ўн йил мобайнида учрашиб турган бўлсалар-да, ўрталаридаги ришта мустаҳкам эмас экан. Аниқроғи, Аристотелнинг севгиси Мария ўйлаганчалик самимий бўлиб чиқмади. Чунки бошқа бир аёл ҳам Онассиснинг эс-ҳушини ўғирлаб қўйди. Бу аёлни бутун дунё Жаклин Кеннеди сифатида яхши биларди. Мария Онассиснинг Жаклин билан никоҳланганини эшитиб, қаттиқ ғазабланган ҳолатда. "Менинг сўзларимга қулоқ тутинг. Худо

унга кўрсатади“ деб юборди. У ҳақ бўлиб чиқди. Онассиснинг ягона ўғли автоҳалокатдан вафот этди. Бир йилдан сўнг ёшгина қизи Кристина оламдан ўтди.

Каллас 1975 йилнинг март ойида, Онассис вафот этганида у шундай ёзганди: “Энди ҳеч нарсанинг қизиғи қолмади. Мен аввало овозимдан маҳрум бўлгандим, ҳозир эса ҳаётимни йўқотяпман“.

Мария умрининг сўнгги кунларини Париждаги уйида ёлғизликда ўтказди. У тўсатдан, эллик тўрт ёшида вафот этди. Ўлимидан сўнг ҳеч қандай васиятнома топилмаган. Бу борада Каллас васиятнома қолдирмаган, қолдирган бўлса ҳам у номаълум шахс томонидан олиб кетилган деган икки хил тахмин мавжуд. Айримларнинг фикрича, васиятномани унинг собиқ эри Батиста Менеджини ёки онаси Евангелия олган бўлиши мумкин. Ўша пайтда уларнинг ҳар иккаласи саксон ёшларда эди. Мария Калласнинг буюмлари ҳамон кимошди савдоларида сотилмоқда. Нима бўлганда ҳам, у машҳур опера қўшиқчиси сифатида тарихда ўз номини қолдирди.

БУЮК БРИТАНИЯ ҚИРОЛИЧАСИ

Буюк Британия – XXI асргача ўз қироличасини сақлаб келган ягона давлат. Бу мамлакат халқи ўз тарихий удумларини авлоддан-авлодга бирор-бир ўзгаришсиз етказиб беришни ўзининг бурчи деб билади.

Елизавета II Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллигининг қироличаси эди. У отаси қирол Жорж вафотидан сўнг 1952 йилда қиролича, деб эълон қилинди.

Қироллик қонун-қоидасига биноан, Елизавета II Бирлашган қиролликнинг қироличаси ҳисобланади. Бироқ у давлатни бошқаришда бирор-бир кучга эга эмас. Ҳукумат қонунлар мазмуни давлат масъулиятига киради. Елизавета Александра Мэри 1926 йилнинг 21 апрелида Лондонда таваллуд топди. 1936 йил қирол Эдвард VIII америкалик бева аёлга уйланиш мақсадида тахтнии ташлаб кетгач, Елизаветанинг отаси мамлакатни ўз қўлига олди. Бу воқеа 10 ёшли Елизаветанинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Оилада ўғил фарзанд йўқлиги сабабли у ягона тахт вориси саналарди.

Елизаветанинг болалик даври Лондон яқинидаги Виндзор саройида ўтди. (Виндзор қасри ва Беккенхем саройи Британия қирол оиласининг асосий қароргоҳи ҳисобланади). Малика Елизавета ва унинг синглиси саройда махсус ёлланган мураббиялар қўлида таълим олдилар.

1945 йилнинг март ойида Елизавета ҳарбий вазирликнинг ҳимоя хизмати бўлимига ҳарбий техникаларни ривожлантириш мақсадида улар билан биргаликда ишлади. У бу ерда майгача – Европада уруш тугагунга қадар фаолият кўрсатди.

1947 йилда эса Елизавета грек қироли оиласининг аъзоси, ҳарбий-денгиз лейтенанти Филипп Маунтеттенга

турмушга чиқди. Филипп Маунтбеттен эса никоҳдан сўнг шаҳзода Филипп ва Эдинбург герцоги вазифасини олди.

Қирол Жоржнинг соғлиги заифлиги туфайли Филипп давлат ишларини биргаликда олиб бордилар. Отасининг вафотидан кейин у қиролича Елизавета II номига эга бўлди. 1953 йилнинг 2 июнида Лондоннинг Весминстер Аббейида қиролича Елизавета IIга тож кийдириш маросими бўлиб ўтди. Ҳукумат тепасига келган қиролича бош вазир лавозимига сайловлар орқали ўзига вазир тайинлади. Бош вазир кўпгина партияларнинг раҳбари ҳисобланиб, парламентнинг қуйи палатасида фаолият кўрсатади. Қиролича бош вазири билан ҳар ҳафтада мулоқот ўтказиб, биргаликда жамоат ишларини муҳокама қилиши лозим. Қироличанинг жамиятдаги роли – унинг турли хил давлат маросимларида иштирок этиш, бошқа мамлакатларга ташриф буюриш ва бирлашган қироллликни таништиришдан иборат эди.

Қиролича баъзан маросимларни четга суриб қўйиб, расмий жиҳатдан халқ билан учрашувларга чиқиб кетиши мумкин. Беккенхем саройида турли касб эгалари уюштирган зиёфатларга ҳам ташриф буюриб туради. Қиролича ҳукмронлиги остида яшаган мустақил давлатлар федерацияси раҳбари ҳисобланади. Бироқ қиролича бу федерация фаолиятида бирор-бир кучга эга эмас. Қиролича асосан тарихий удумлар рамзи сифатида хизмат қилади, холос.

Қиролича Елизавета IIнинг ҳаётда орттирган энг катта бойлиги – бу унинг тўрт нафар фарзанди. Улар шаҳзода Чарлз (1948 йилда туғилган), Эн (1950й.), Эндрю (1960й.) ва шаҳзода Эдвард (1964й.) лардир.

ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ БЎЛГАН АКТРИСА

Софи Лорен номи билан шуҳрат қозонган акстриса София Виллане Чиколенонинг жаҳон киноси тарихида ўз ўрни бор. Актриса бир қанча филмларда латофатли ва гўзал, жабрланган, азобланган аёллар тақдирини ғоятда ишонарли талқин этган эди. Бу роллар туфайли у кўплаб олқиш ва мукофотларга сазовор бўлганди.

Софи Лорен Рим шаҳрида дунёга келади. Унинг ота-онаси никоҳдан ўтишмайди. Бўлажак юлдуз никоҳсиз туғилади. Актрисанинг ёшлик йиллари Поццуолида – хароб Неапол шаҳарчасида ўтади. У асосан, онаси қўлида тарбия топади.

Актриса шу қадар гўзал ва латофатли эдики, бунга ҳеч қандай куч тўсқинлик қилолмасди. Атрофдагилар ҳам бу гўзалликни шак-шубҳасиз тан олишганди. 15 ёшга тўлганида маҳаллий гўзаллик кўрик-танловида иштирок этиб, ғолиб чиқади. Шундан сўнг, бўлажак актриса моделликка таклиф этилади.

Актриса 1949 йили продюссер Карло Понтининг назарига тушади. Продюссер К.Понтининг кўмаги туфайли оддий Софиядан Софи Лоренга айланади. Натижада, илк бор ўзига хос тарзда жарангли ва эсда қоладиган номга эга бўлади. Саҳна санъатига қадам қўйган актриса ташқи ва ички гўзалликнинг мутаносиблигига алоҳида эътибор қаратади. Ўз устида профессионал ишлай бошлайди.

1951 йилда машҳур Федерико Феллининг «Iuct del vatera» номли картинасига таклиф қилинади. Актриса икки йилдан сўнг «Afrika Sotto lmari» ярим ҳужжатли филмда суратга тушади. Шундан сўнг, унга омад кулиб боқа бошлайди.

Хусусан, «Аидалар» филмидаги бош ролни ижро эта-

ётган мафтункор актриса Жина Лоллобриджида кинода иштирок этишдан воз кечади. Унинг ўрнига эса Софи Лорен тавсия этилади.

1954 йили Софи Лорен ва Витторио Десиканинг биринчи ҳамкорликдаги филми «Li Pro Di Nardi» катта экранларга чиқади. Мазкур филм Америка кино прокатида кутилган натижасни бермаган бўлса-да, актриса океан ортида анча-мунча танилиб, олқиш олишига сабаб бўлади.

1957 йили Софи Лорен илк маротаба инглиз тилидаги «Boy on a Dolpnin» филмида суратга тушади. Кейинги роли актрисага нафақат шуҳрат, балки муҳаббат ҳам олиб келди. Ўша йили актриса ўз ҳаётида муҳим ўрин тутган машҳур продюссер Карло Понтига турмушга чиқади. Бироқ актрисанинг олдинги никоҳи ҳали бекор қилинмаган эди. Шунинг учун католик черкови янги никоҳга рухсат бермайди. Ватикан папаси билан мазкур никоҳ борасида қарийб ўн йил баҳс кетади. Ниҳоят, актриса никоҳдан ўтишга муваффақ бўлади. Бу никоҳ туфайли у икки ўғил – Карло ва Эдиардоларни дунёга келтиради.

«Tke Pride and tke Passoion» филмида у Кери Трантанинг севгилисини ижро этади. Бу рол актрисанинг ҳақиқий ҳаётига ҳам ўзгариш ясайди. Актриса 1958 йили Голливудга ташриф буюради. Бу ерда у бир неча киноларда суратга тушади.

1961 йили Витторио Десика суратга олган «La Ciocciara» филмида Италиядаги уруш йилларида бева қолган аёл ролини ўйнайди. Мазкур кино Америка киноихлосмандлари қалбидан шу қадар чуқур жой эгаллайдики, Софи Лоренга кино оламидаги энг олий мукофот – «Оскар» топширилади. Шундан сўнг, актриса яна кўплаб киноларда бир-биридан гўзал ва бетакрор ролларни ижро этади.

Актриса 70-йилларда Американи тарк қилади. У машҳурликка ҳаддан зиёд бино қўйишни истамайди. 1979 йили триллер жанридаги кинода ҳам суратга тушади ва ижодининг янги қирралари намоён бўлади. Шу йили акстриса ўз автобиографиясидан ҳикоя қилувчи асарни экранлаштириб, ушбу филмда асосий қаҳрамонлар ролларини ўзи ўйнайди. Бу филм 1980 йилларда экран юзини кўради. 1991 йили Софи Лорен иккинчи маротаба «Оскар» мукофотига лойиқ деб топилади.

ЭЛИЗАБЕТ ТЕЙЛОР

Америкалик машҳур актриса Элизабет Тейлор саккиз марта турмуш қурган. Етмиш ёшдан ошган Элизабетга шон-шуҳрат ўз-ўзидан келгани йўқ. Бунинг учун фақат гўзалликнинг ўзи кифоя эмас. Худо берган истеъдод ва меҳнат керак. Америкаликлар уни бекорга севишмайди. У чинакамига афсонавий актриса. Тейлор шунчалик обрў-эътиборга эришган бўлса-да, оилавий томондан тўкис бахтга эга бўла олмади. Собиқ эрлари ичида энг севимли умр йўлдоши Ричард Бэртон эди. Уни севарди, ҳаттоки, унга икки маротаба турмушга чиқди. Афсуски, барибир бахтга эришолмади. Элизабетни ёшлигида Лиз деб аташарди, бироқ бу исм унга ёқмасди.

Тейлор ижро этган ролларнинг сон-саноғи йўқ. У бирга рол ўйнамаган бironта машҳур артист қолмаган ҳисоб. Элизабет журналистларга берган интервюларида шундай деган: ,,Мен ҳам сокин, тинч яшашни яхши кўрардим. Эр алмаштиришни ёқтирмасдим. Афсуски, ҳаёт бу инъомни мендан дариғ тутди".

Илк бор ўн саккиз ёшли Элизабетнинг ҳаётида миллиардер ўғли Конрод Хитон пайдо бўлди. Уларнинг никоҳи тўққиз ой давом этди, холос. Кейин у англиялик актёр Майк Уилден билан оила қурди. Улар бирга беш йил умргузаронлик қилишди. Шу орада ўғиллари Крис ва Майкллар туғилди. Уилдендан ажралгандан сўнг продюссер Майк Тоддомга турмушга чиқди. Роппа-роса бир йилдан кейин Тоддом ўзининг шахсий ,,Боинг" самолётида авиаҳалокатга учраб ҳалок бўлади. Аслида – эрхотин бирга учиши керак эди. Бироқ Элизабет ҳомиладорлиги, ўзини ёмон ҳис қилаётгани учун эри билан бирга бормаганди. Шундай қилиб, тақдир тақозоси туфайли омон қолди.

Элизабетнинг кейинги тақдири қизиқ бўлган. У

дугонасининг эри, эстрада хонандаси Эдди Фишерга турмушга чиқди. Ҳатто Фишерни деб бошқа динга кирди. Тейлорнинг бу қилмишини америкаликлар узоқ вақт кечира олишмади. Бироқ ушбу никоҳ ҳам узоққа чўзилмади. Улар ажралишди. 1964 йили Ричард Бэртонни топган Элизабет яна ўз христиан динига қайтди.

1963 йили актриса Бэртон билан "Клеопатра" филмида суратга туша туриб оғир хасталикка чалинди ва шу билан унинг ҳаётида қийин кунлар бошланди. У бир неча мураккаб жарроҳликни бошидан ўтказди. Эри эса ичкилик туфайли вафот этди. Айримлар уни эри шундай аҳволга солиб қўйган дейишса, баъзи "тейлоршунослар" Элизабет дугонасига хиёнат қилгани учун худо уни жазолади, дея гап тарқатишди. Ҳар нима бўлганда ҳам, Элизабетга Клеопатра роли жуда катта шуҳрат келтирди. Бундан ташқари қуйи табақадан чиққан Бэртон ҳам барча миллионерларни ортда қолдирди. У ақл бовар қилмас бойлик – 33 каратли бриллиант ва энг тоза марваридни хотинига мерос қолдирди.

Элизабет кейинги тақдирини виржиниялик сенатор Жон Форнер билан боғлади. Унинг сенатдаги иши танг аҳволда қолганди. Элизабет унга қимматбаҳо узукларидан бирини ҳадя қилди. Форнернинг иши хотини ёрдами билан ўнгланиб, катта шон-шуҳратга эга бўлди. Элизабет ҳам сиёсат билан шуғуллана бошлади.

Тейлор тўрт йил давомида кинода рол ўйнамади. Бунинг устига семириб ҳам кетди. Кейин яна қадрдон Голливуд ўлкалари эсига тушди. Ўзини қўлга олиб кинога қайтди, хайрия ишлари билан шуғулланди.

У йирик сармоядор Марвин Силвертэн билан биргаликда 1985 йили (Марвиннинг дўсти киноактёр Рок Хатсон СПИДдан вафот этади) XX аср вабоси СПИДга қарши кураш учун жамғарма ташкил этди. Шундан сўнг, улар жуда кўп хайрли тадбирларни амалга оширишди.

– Мен ўз қабримга шундай ёзилишини васият қилдим: “Бу ерда Элизабет ётибди. Қачонлардир уни Лиз дейишларини хоҳламасди”, – деган эди актриса. У муҳтож инсонларга нафақат ўз жамғармаси орқали, балки ундан ташқари ҳам йирик миқдорда ёрдам берарди. Унинг бир неча котибалари бўлиб, улар муҳтож инсонларнинг фақат хатлари билангина эмас, моддий томондан ёрдам бериш билан шуғулланишарди. Элизабет ўзининг уч нафар фарзанди бўлишига қарамай, яна икки нафар етим болани тарбиясига олди. Уларни вояга етказди, билимли қилди, ўз фамилиясини берди, барча фарзандлари қатори оёққа турғазди.

– Лиз бир қараганда, – “мустақил аёл”, – унинг таржимаи ҳоли ҳақида шундай ёзишганди. – Тейлор Голливуд киноюлдузларидан бири, юқори чўққиларни забт этиш учун жуда машаққатли йўлларни босиб ўтди. Омад, шон-шуҳрат, пул ўз-ўзидан келмади. Голливуд киночилари ёш истеъдодларни қидира туриб Лондонда туғилган олти ёшли Лизга назарлари тушиб қолди. Элизабет ҳаёт йўлининг ўзи тайёр кино асаридир.

80-йилларнинг ўрталарида Лиз яна қаттиқ касал бўлиб, Бетти Форд клиникасига тушиб қолди. У ерда ўзидан 15 ёш кичик Лэрри Фортенкс исмли машина ҳайдовчиси билан танишади. Улар никоҳдан ўтишади. Лиз хоним бу ҳақдаги миш-мишларга жавобан: “Лэрри менинг ҳаётимни қайтариб берди”, деган эди. Улар саккиз йил бирга яшашди, сўнг ажралишди. Калифорния қонунлари бўйича Фортенкс хотини маблағидан ўз ҳақини талаб қилди. Шундай бўлса-да, улар ҳеч қандай “хафагарчиликсиз” ажралишди. Фортенкс қанча маблағга эга бўлгани сирлигича қолди. Лиз қаттиқ мия оғриғига дучор бўлди, бош мия ички операцияси зарурати туғилди. У ҳаётнинг барча оғир синовларига бардош берди, ўзи ҳақидаги гап-сўзлару миш-мишларга чидади. Ҳаётда сабр-

бардошли, мурувватли инсон эканлигини кўрсатди. Нью-Йоркдаги 11 сентябр портлашлари даврида балки кимгадир ёрдамим тегар деб зудлик билан фожеа жойига борди.

Элизабет Тейлор “Зеб-зийнатларга муҳаббатим” деб номланган автобиографик китоб ёзди. Бу китобда у ўзининг зеб-зийнатлари билан бирга дўстлари, маҳбублари ва машҳур ҳамкасблари ҳақида ҳам сўз юритган. Нима бўлганда ҳам у Элизабет Тейлорда. Уни америкаликлар севади, ҳурмат қилади, бошларига кўтаради.



БЕНАЗИР БХУТТО

Беназир Бхутто 1953 йили Карачи шаҳрида дунёга келди. Унинг отаси Зулфиқор Алихон Бхутто Покистон мустақилликка эришгандан бошлаб, умр бўйи сиёсат билан шуғулланиб келди. 1962 йили ташқи ишлар вазири, 1971-1972 йиллар Покистон президенти, 1972-1977 йиллар ичида бош вазир лавозимларида ишлади.

Беназир Бхутто Синд провинциясини бошқарган князнинг эвараси, Виктория қироличасидан баронет унвонини олган президент Жаланхаранинг невараси эди. Покистоннинг бўлажак бош вазири Беназир ана шундай бой ва нуфузли уруғ жамоасига мансуб оилада туғилиб вояга етди. У 16 ёшида Америкадаги Гарвард университетининг Радклиф коллежида таҳсил олди. Коллежни философия, сиёсат ва иқтисод бўйича бакалаврлигини тугатди. Оксфордда эса халқаро қонунчилик ва дипломатия курсларида ўқиди.

1977 йили Покистонда ҳарбий тўнтариш юз берди. Давлат тепасига Зиё ул-Ҳақ келди. Ўша йили 3 сентябрда Зулфиқор Алихон Бхутто ўз партиядошини ўлдиришда айбланиб, ҳибсга олинди. Уч ҳафталик ҳибсдан сўнг уй қамоғида 1978 йилгача сақланиб, айбдор деб топилди ва 1979 йили 4 апрелда ўлим жазосига маҳкум қилиниб, дорга осилди. Дафн маросимида оиласининг иштирок этиши тақиқлаб қўйилди.

Зулфиқор қамалгандан сўнг хотини Нусрат ва қизи Беназир ўзлари асос солган Покистон халқ партиясини бошқаришди. Бу партия давлат тўнтаришидан кейин Зиё ул-Ҳақ тузумига қарши бўлишди. 1979 йили отасининг қатлидан сўнгра, Беназир онаси билан Покистондан бадарға қилинди. 1985 йили июл ойида Беназирнинг кичик укаси Шоҳ Навоз Зиё ул-Ҳақ томонидан асир олингандан кейин заҳар ичиб ўзини-ўзи ўлдирди.

1986 йилда Беназир ва онаси Нусрат Покистонга қай-

тишади. Улар Покистон халқ партиясининг ҳамраислари этиб сайланишади. Ўша йили Покистон мустақиллиги куни байрамининг тантаналарида Беназир Карачида ўн минг кишилик митинг уюштирганликда айбланиб ҳибсга олинди. Бир ойдан кейин уни озод қилишди. 1988 йил май ойида ҳарбий диктатор Зиё ул-Ҳақ парламентни тарқатиб, бош вазирни бўшатиб, сайлов эълон қилди. Июн ойида мамлакат олий қонунини Ислом деб эълон қилди, бу билан у аёл кишининг сайланишини чеклаб қўйди. Август ойида Зиё ул-Ҳақ авиаҳалокатга учраб, ҳалок бўлди. Покистон халқ партияси бу ҳалокатни бежиз бўлмади, дея эътироф этди.

Ўшанда Беназир бизнесмен ва сиёсатчи, унга доимий ҳамроҳ Асиф Али Зардарига турмушга чиққанига бир йил бўлганди. 1990 йили Беназир Бхутто дунё мамлакатлари бош вазирлари ичида биринчи фарзанд кўрган аёл бўлди.

1988 йилги сайлов натижасига кўра, ҳукумат тепасига Бхутто бошчилигидаги Покистон халқ партияси (ПХП) келди. Натижада ўша йили Бхутто мамлакат бош вазири бўлди. Зиё ул-Ҳақ даврида қамоққа олинган сиёсий раҳбарлар авф этилиб, озод қилинди.

Беназир Бхутто ушбу лавозимда икки йил қолди. 1990 йилда Покистон президенти Бхутто маҳкамасини коррупцияда айблайди ва бош вазир лавозимидан олиб ташлайди. Мамлакатда янги сайловлар белгиланади. Ушбу сайловларда ПХП мағлуб бўлади, Беназир қамоққа олинади.

1993 йилда Беназир Бхутто бош вазирлик курсисини қайтариб олди ва яна уч йил бу лавозимда ишлади.Бхутто қариндош-уруғи атрофидаги уруш-жанжаллар отаси қатлидан 20 йилдан кейин ҳам тинчимади. Покистон халқ партияси (ҳаммага нон, бошпана ва кийим-кечаклар бера бошлайди) оммавий шиорлари билан ҳукумат тепасига келди. Аммо буларни амалга ошириш анча қийин бўлди. Бхутто маҳкамаси мамлакат ичкарисига қараганда халқаро майдонда анча обрў-эътиборга эга эди.

Оппозиция сиёсий йўл билан бир неча бор Бхутто оиласини ноқонуний молиявий операцияларда айблаб йўқ қилишга ҳаракат қилди. Айрим маълумотларга қараганда, Бхуттолар Швейцария банкига 100 млн. доллар атрофида маблағ жўнатган деган миш-мишлар тарқатилди. Оппозиция газеталари Бхутто ҳукуматини «оилавий корхона» дейишгача бориб етишди. Бхутто оиласининг даромади асосан қурол-яроғ харидидан тушарди. Зардари 1995 йил французларнинг Dussdult Aviation воситачилик ҳақи сифатида 200 млн. олиши лозим эди. Бошқа битимларга кўра, Швейцария компанияси Зардари ва унинг қайнонаси Нусрат Бхутто бошқарадиган фирмаларга миллионлаб доллар тўлашган. Зардари хотинининг давлат бошқаруви даврида олтин импорти бўйича яккаҳоким бўлиб олди. 1997 йилда Швейцария банки Бхутто ҳисоб рақамларини тергов қилишни бошлади. Бу банкнинг бутун фаолияти давомидаги иккинчи воқеа эди. Биринчиси Филиппин диктатори Маркос иши бўйича тергов олиб борилганди.

1997 йили 15 апрелда Беназир Бхутто ва унинг эри Асиф Али Зардари коррупция ҳамда чет эл компаниялари-дан пора олганликда айбланиб беш йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Бхутто ўз айбини тан олмай, уни сиёсий мақсадлар учун таъқиб қилишаётганликларини айтади. Бхутто мамлакатдан бош олиб чиқиб кетади. Покистон ҳукумати унинг ҳибсга олинишини талаб қилади.

Бу жуда катта хатолик эди. Бхуттога мамлакат тараққиёти учун қилган хизматлари учун, бутун бошли Швейцария банкини берса ҳам арзийди.

Беназир Бхутто 54 ёшида 2007 йил 27 декабрь куни Покистон халқ партиясининг тарафдорлари билан Равалпинди шаҳрида митинг ўтказаётган пайтда террорчилар томонидан отиб ўлдирилди.

МАЛИКА ДИАНА

Йигирманчи асрнинг энг таниқли аёлларидан бири малика Диана Уэлск эди. У бутун дунёда кўплаб инсонларнинг илҳом манбаи ва ғамхўрлик рамзи сифатида ном қолдирди. «Инсонлар қалбининг маликаси бўлишни хоҳлайман деганди, у. Дунё халқларининг қалбида у ўзи ўйлаганидек жой олди.

Диана Френсис Спенсер 1961 йилнинг 1 июлида Норфолкдаги Эндригем подшолигида таваллуд топди. У оилада учинчи фарзанд эди. Отаси Эдвард Жон Спенсер Георг VI подшолиги даргоҳида хизмат қиларди. Онаси Френсис Рут эса фрейлинлар Она подшолигида шаҳзода Фермайнинг қизи эди.

Болалик йилларини Диана Сэндригемда ўтказди. Ўша ерда бошланғич таълимни олди. Унинг илк ўқитувчиси Гертруда Аллен бўлиб, у онасини ҳам ўқитганди. Диананинг болалиги бахтли ҳаёт қучоғида ўтди. У меҳрибон ва ширин қизча бўлиб ўсди. Бироқ 16 ёшга тўлганда ҳаётида кутилмаган қайғули бурилиш, яъни, ота-онаси ажралишди. Шунда у илк бор ота-онасини ёмон кўрди. Шундай бўлишига қарамай, Диана Силфилдда хусусий мактабда ўқишни давом эттирди. Кейин эса Ридлсуорт-Холл тайёрлов мактабида ўқиди.

Дианани 12 ёшида Уэст-Хиллдаги ихтисослаштирилган қизлар мактабига қабул қилишди. У тез орада синфдошлари ва ўқитувчилари орасида энг севимли ўқувчига айланди. Фанларни ўзлаштиришида катта натижаларга эришмаган бўлса-да, у спорт тадбирлари ва рақсга тушишни жон-дилидан севарди. Бироқ кейинроқ, унинг атрофдагилар қизчада бизнинг замонамизда етишмаётган энг зарур бўлган, раҳмдиллик, ҳамдардлик каби фазилатларнинг мавжудлигини сезадилар. Унинг отаси графлик мақомига эришгач, 1975 йили у «Диана хоним» номини

олди. Бу пайтда уларнинг оиласи қадимги Ноттрегтонширрдаги Олторп-Хаусга кўчиб келишди.

1977 йили қишда 16 ёшли Диана хоним Швейцарияга ўқишга кетишдан олдин шаҳзода Чарлзни учратди. Шаҳзода Олторпга ов қилиш учун келганди. Ўшанда ўта тарбияланган, зиёли Чарлз қизда «жуда антиқа» таассурот қолдирганди. Диана Швейцарияда бўлганида жуда зерикди, уйини соғинди ва мўлжалидан олдин Англияга келди. Лондон марказида уч нафар дугонаси билан ижарага уй олишди. Пимликода. «Навқирон Англия» номли болалар боғчасида тарбиячи ёрдамчиси бўлиб ишлай бошлади.

1980 йилнинг кузида шаҳзода Уэлск билан ошиқ-мошиқ деган гап-сўзлар пайдо бўлди. Бу шов-шув подшоликнинг шахсий ҳаётини матбуотда ёритувчи мухбир Балмораледаги Ди дарёси бўйида Чарлз уятчан қиз билан саёҳат қилиб юрганини кўриб қолганидан сўнг бошланди. Бу хабар бир пасда дунё матбуотининг шов-шувига сабаб бўлди. Диана кутилмаганда ўзгача ҳаёт гирдобида қолди. У уйидан чиқди дегунча фотомухбирлар суратга ола бошлашди. Кичкина қизил автомашинасида қаерга бормасин, улар орқасидан соядай эргашиб юришарди.

Бир марта сураткаш мухбир Дианани болалар боғчасидаги қуёшли майдончада суратга тушишга кўндирди. Муғамбир сураткаш мухбир қуёшли кунда юпқа кўйлакда суратга туширди. Сурат эртаси куни матбуотда чоп этилди. Бундан албатта қизнинг жаҳли чиқиб ҳайрон қолди. Бироқ шундай бўлса-да, Чарлз уни суратга жуда яхши тушганига ишонтира олди. «Хуллас, сенинг оёқларинг чиройли эканлигини билардим», лекин сенга бундай таъсир қилади деб, ҳеч ҳам ўйламагандим», деди у Дианага.

Уни журналистлар ҳар томондан таъқиб қилишарди. Ёш Диана улар билан дўстона муносабатда бўлар, уларга

майингина табассум ила жавоб қайтарарди. Журналистларнинг шаҳзода Уэлск билан муносабатларидаги кўпдан-кўп саволларига Диана тайинли бирон-бир жавоб бермасди. Аммо шундай бўлса-да, яқин орада афкор оммага бу муносабат ҳақиқий муҳаббатга айлангани аён бўлди.

1981 йилнинг феврал ойида бу икки жуфтлик шам ёруғлигида Бэкингемск саройида кечки овқатни бирга қилишди. Овқатдан сўнг Чарлз, ниҳоят Диананинг қўлини сўради. Қиз эса бунга розилик берди. Шу билан гўё барча гап-сўзларга барҳам берилгандай бўлди, севишганлар бир-бирига маҳкам боғланди. 24 феврал куни шаҳзода Чарлз Уэлск ва Диана хонимларнинг махсус чўқинтириш маросими эълон қилинди. 29 июл кунига никоҳ маросими белгиланиб муқаддас (Павел) Павла саборида ўтадиган бўлди. Буюк Британия халқи бу янгиликдан лолу ҳайрон эди. Бу муҳим тадбир Англия аҳолиси руҳини кўтариб, мамлакат иқтисодини илгарига силжитишга ундади. Тўйни жуда қулай пайтда ўтказиш белгиланди. Бэкингемск саройида чўқинтириш маросимида куёв келинга совға қилган сапфир ва ўн тўртта бриллиант кўзли узукни Диана барчага кўз-кўз қилди. Кейин Диана ўз уйидан Кларенс-Хаус, Она подшолик уйига келди. Шундан сўнг тўйга тайёргарлик бошланди.

Диана халқ билан учрашиш вақтида одамлар билан гаплашиш ва уларнинг фикрига қулоқ солишни режалаштирарди. У жамоатчиликнинг барча қатламлари билан партия вакилими, дин ходимими бемалол фикрлаша оларди. Диана ким унинг кўмагига кўпроқ муҳтожлигини олдиндан сезарди ва шунга қараб иш юритарди. Малика Диана ўзининг бу қобилиятини жаҳон миқёси даражасида намойиш этиш учун иш режаларини белгилаб оларди. Айни шу қирралари умрининг сўнгги пайтларигача ҳаётининг асосий мазмуни бўлиб қолди.

Диана шахсан ўзи СПИД касаллигига чалинганлар

жамғармасига, «Грейт Ормоннд Стрит Хоспитал» болалар касалхонаси, «Сентропайнт», Англия миллий балети ва бошқа ёрдамга муҳтож жойларга жамғармаси маблағини аямасди. Унинг сўнгги миссияси дунё аҳолисини пиёда қўшинларининг миналаштиришидан халос бўлишига қарши кураш бўлди. Бу даҳшатли қуролни қўллашдан кейинги асоратларни ўз кўзи билан кўриш ва унга ишонч ҳосил қилиш учун у дунёнинг кўплаб мамлакатларида – Анголадан тортиб, то Босниягача кезиб чиқди. У халқпарвар малика эди, шу боис ҳам уни халқ жуда севарди ва ҳурмат қиларди. Диана эзгу ишлари туфайли халқ қалбидан жой олиб улгурганди. Шунинг учун ҳам уни барча жойда интиқлик билан кутишарди.

90-йилларда Чарлз ва Диана орасидан оламушук ўтди. 1992 йили уларнинг муносабатлари янада кескинлашди. Диана эса бундан қаттиқ қайғуга чўмиб, бош оғриғидан шикоят қила бошлади. Ниҳоят, Жон Мейджор шаҳзода ва малика Уэлскларга ажралиб алоҳида яшашни маслаҳат беради. У пайтда ҳам ажралиш хусусида сўз ҳам йўқ эди. Бироқ 1993 йили кутилмаганда Чарлз интервюларидан бирида британияликларни ҳайратда қолдириб, Дианага ишончсизлигини билдирди.

1994 йили декабрда Диана ўз шахсий ҳаётини йўлга қўйиши учун расмий учрашувларни кескин қисқартиришини маълум қилди. Ўз ватандошларига мурожаатида шундай деганди: «Мени тўғри тушуниб, ўйлаб олишга вақт берасиз, деб ўйлайман, чунки сўнгги пайтларда мен бунга жуда муҳтожман. Ҳаётимнинг энг қийин дамларида сизларнинг бағрикенглигингиз ва илтифотингиз менга яқиндан ёрдам берди. Сизларнинг бу меҳр-мурувватларингиз ҳамма вақт менга далда бўлди ва ҳаётга тийран кўз билан қарашга ундади. Шунинг учун ҳам сизларга чин юракдан миннатдорчилик билдираман». Ҳар хил учрашувлар ва тадбирлар қисқартирилди. Бу билан

Диана тушкунликка тушмай, илгаригидек ҳомийлик ишларига шўнғиб кетди.

Диана 1995 йили ноябрда машҳур «Панорама» кўрсатувида бошловчи Мартен Бэширга ҳаммани лол қолдирадиган интервюсини берди. Бутун британияликлар бу интервюдан донг қотдилар. Диана кейинги ўн йилликда тарихда ҳеч ким амалга оширмаган ўз дунёқарашларини самимий тарзда баён қилди. Ўз оиласи ҳақида шундай деди: «сизнинг кўз олдингизда бу эртакдек намоён бўлди. Мен ўз умр йўлдошимни жуда севардим, у билан барча масалаларни биргаликда ҳал қиламиз, биз бир тан, бир жонмиз деб ўйловдим, афсуски...» Кейин шаҳзода Чарлзни Камилла Паркер Булз билан ишқий муносабатига ҳам ўз фикрини айтиб ўтди. Мартин Бэшир ва келгуси режаси хусусида Диана шундай жавоб берди: «Мен бутун дунёга мамлакатимиз элчиси бўлишни истагандим. Менимча, Бригания халқига шундай бир жамоат арбоби керакки, унга бутун халқ ўз меҳрини, қалбини боғлай олса. Фақат шу мамлакатнинг маликаси бўлишинигина эмас, мен инсонлар қалбининг маликаси бўлмоқчи эдим».

Бу сўзларни инкор қилиб бўлмасди. Подшо Елизавета ҳазрати олийлари икки жуфтликнинг ажралишини таклиф қилди. Келгуси йил ёз ойида никоҳни бекор қилишга келишишди. Диананинг Уэлск маликаси мақоми сақланиб қолди. Лекин энди у «Ҳазрати олиялари» эмас эди. Шунга қарамасдан, Дианага қизиқиш бир оз бўлса-да, сусайгани йўқ. Омма Дианага кўпроқ қизиқа бошлади.

Телебошловчилар илгаригидек, маликанинг шахсий ҳаётига аралашишга ҳаракат қилишди. Айниқса, 1997 йилнинг ёзи Фешенебел отеласининг хўжайини қирқ бир ёшли араб миллионери Муҳаммад Ал-Файёднинг ўғли Доди Ал-Файёд билан ишқий муносабатлари барчани қизиқтириб қолди. Доди оиласи билан ажралганди. Унинг ҳам оилавий ҳаёти жанжалли бўлганлиги боис

бу матбуотчиларда қизиқиш уйғотди. Доди ва Диана узоқ йиллардан бери бир-бирларини танишарди. 1997 йилдагина улар яқинлашишди. Июль ойида Сен-Тропезеда Диананинг ўғиллари – Шаҳзода Уилям ва Гаррилар билан байрамни биргаликда кутишди. Шаҳзодалар уй соҳиби билан яхшигина тил топишди. Кейинроқ, Диана ва Доди Лондонда учрашишди. Сўнгра эса жаннатмонанд «Жоникал» яхтаси бортида Ўрта Ер денгизи бўйлаб саёҳатга чиқишди. Август ойининг охирида «Жоникал»да Италиянинг Портофино деган жойига, ундан кейин Сардинияга сузиб боришди. 30 августда севишган жуфтликлар Парижга отланишди. Болалари ёзги таътилнинг сўнгги куни бўлгани учун Диана Лондонга учиши лозим эди.

Шанба куни кечқурун Доди ўзига тегишли бўлган ресторан «Риц»да Диана билан овқатланишга келишишди. Хўрандалар диққатини ўзига жалб қилмаслик учун улар алоҳида хоналарда ўтиришиб бир-бирларига совғалар улашишди. Диана Додига илматугма, у эса бриллиант кўзли узук совға қилди. Ярим тун соат бирда улар Додининг Елисей ерларидаги уйига жўнашди. Ресторан эшиги олдида тўпланиб турган оммадан яшириниш учун улар орқа эшикдан чиқиб кетишди. Ошиқлар Мерседес S-280 автомашинасига тан қўриқчиси Тревора-Риз Жоунс ва ҳайдовчи Анри Поля бошчилигида йўлга чиқишди. Бир неча минутлар ичида содир бўлган даҳшатли воқеани ҳеч ким аниқ айтиб бера олмайди. Энг даҳшатлиси, Делма майдонидаги ер ости йўлидаги автоҳалокатда тўрт кишидан уч нафари вафот этади. Малика Диана ҳеч қандай қийинчиликсиз автомашина ичидан чиқади. Уни тезда «Пити Салптрриер» касалхонасига олиб боришади. Шифокорларнинг унинг ҳаёт-мамоти билан курашиши бекор кетди. Диана шу касалхонада ҳаётдан кўз юмди.

Бу гўёки тушга ўхшарди-ю, афсуски ҳақиқат эди. Як-

шанба куни кечқурун шаҳзода Чарлз, Диананинг синглиси билан Париж аэродромидан Лондоннинг шимолий қисмига Дианани сўнгги йўлга кузатиб қўйишди. Ўша пайтдан бошлаб Кенсингтонск ва Бекингемск саройлари эшиги олдига тумонат одам йиғилиб гул ҳамда гулчамбарларни қўя бошлади. Шу кунлар бу ерга катта меморандумга йиғилгандек халойиқнинг охири кўринмасди. Диананинг жасади қўйилган Сент-Жеймск саройида одамлар ўз таъзияларини билдириш учун бешта китоб қўйилди. Бир неча кун ичида бу китоблар 43 тага етди.

Подшолик оиласининг аъзолари пайшанба кунигача Балморалдада қолишди. Улар шу билан ёш етим шаҳзодаларнинг кўнглини бироз кўтариш ва ярашишмоқчи бўлишди. Кечқурун видолашув маросимида уч шаҳзода – Чарлз, Уилям ва Гаррилар Кенсингтонск саройи олдига келишди. Ўша кечқурун подшо ҳазрати олиялари ўз халқига телевидение орқали мурожаат қилди. У бу нохуш воқеадан подшолик оиласи, айниқса, Диана ўлимидан қаттиқ қайғуда эканлигини айтиб шундай деди: «у фавқулодда худо берган инсон эди. Диана яхши ва қайғули кунларда ҳам ўзини бирор дақиқа бўлса-да, йўқотгани йўқ. У жамики инсонлардан ўзининг меҳрини ва мурувватини асло аямади».

Жума куни Диана тобути Сент-Жеймск саройидан Кенсингтонск саройига келтирилди. Чунки, худди шу жойдан Диана билан сўнгги маротаба хайрлашув маросими бошланиши лозим эди.

Олтинчи сентябр куни эрталаб бир миллиондан кўп одам маликанинг сўнгги хайрлашув маросимига йиғилишди. Бэкингемск саройининг подшолиги ва унинг оила аъзолари сукут сақлаб, таъзия бажо келтиришди. Сент-Жеймск саройи олдида шаҳзодалар Уилям ва Гаррилар туришди. Уларнинг ёнидан эса Чарлз, шаҳзода Филипп ва граф Спенсерлар жой олишди. Шундан сўнг, саф-

ланганларга Диана ҳомийлик ёрдам кўрсатган 500 та корхоналарнинг вакиллари қўшилишди. Ниҳоят, XX асрнинг шов-шувли машҳур шахсларидан бирини сўнгги йўлга кузатишди. У ҳақда матбуотларда жуда кўплаб мақолалар ёзилди. Китоблар чоп этилди. Диананинг ўлими ҳақида ҳар хил фикрлар билдирилди. Бироқ нима бўлганда ҳам, инсоният одамларга меҳр-мурувватини аямайдиган бир машҳур инсондан жудо бўлди. Малика Диана тириклигида ўзига ҳайкал қўйиб кетди. Бу эса камдан-кам инсонларга насиб этадиган бахтдир.

Мундарижа

Тўмарис....3
Хадича онамиз....6
Тўрабек хоним....12
Грузинлар Тамараси....16
Икки шоҳ маликаси....19
Жанна д*Арк....23
Симонетта – илҳом париси....25
Гўзал маликанинг анчли қисмати....30
Екатерина II салтанати....34
Раққоса Нигина....38
Сароймулк хоним....41
Ҳукмдор маликалар....45
Афсунгар қиролича....48
Шаҳзоданинг канизаги....51
Гавҳаршод бегим....56
Улуғбика....61
Хонзода бегим....64
Гулбадан бегим....66
Муҳаббат қасри....68
Саройнинг нури....70
Жаҳоноро бегим....73
Ишқ қурбони бўлган ошиқ....75
Нелл Гвин....78
«Аргентина мадоннаси»....88
«Темир хоним» ёки дунёнинг кучли аёли....95
Сирли ўлимнинг жумбоғи....99
Гандининг фожеавий тақдири....105
Уч аср қироличаси....109

Меҳр-шафқат маликаси.....111
Опера қўшиқчиси – Мария Каллас.....114
Буюк Британия қироличаси.....119
Гўзаллик тимсоли бўлган актриса.....121
Элизабет Тейлор.....124
Беназир Бхутто.....128
Малика Диана.....131

Муҳаррир: Зоир ЗИЁ
Дизайнер-рассом: Олим ҲАКИМОВ
Саҳифаловчи: Дилфуза ҚУРБОНОВА
Мусаҳҳиҳа: Нодира АЗИЗОВА

ДУНЁ МАЛИКАЛАРИ

ҲИКОЯ ВА МАҚОЛАЛАР

Теришга берилди 10.11.04. Босишга рухсат этилди 20.11.04. Бичими 84x60 1/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 8,75. Нашриёт-ҳисоб табоғи 9,5. Адади 300 нусха. Буюртма №31 Баҳоси келишилган нархда.
ТТПИИ босмахонасида чоп этилди.